


ФЕРУЗА БОБОЖОНОВА

БУХОРО АМИРЛИГИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

ХІХ АСР ОХИРИ - ХХ АСРНИНГ БОШЛАРИ



Такризчилар:
БухМТИ доц. Б.Т.Мирзақулов
БухДУ т.ф.д. Ш.А.Ҳайитов

Маъсул муҳаррир:
БухМТИ доц. Ф.М.Аминов

Б57 Бобожонова Феруза

Бухоро амирлигида таълим тизими (XIX аср охири – XX асрнинг бошлари) / Ф. Бобожонова; -Тошкент: «Adib» нашриёти, 2014. 128 б.

УЎК: 371.334:82
КБК: 74.202:84

ISBN 978-9943-44278-9-1

© Ф. Бобожонова, 2014
© «Adib» нашриёти, 2014

Ўзликни англаш тарихни
билишдан бошланади.

И.Каримов

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида миллий истиклол туфайли нафақат сийсий, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт, балки маънавий тикланиш ва ўзликни англаш, миллий кадриятларни тиклаш учун ҳам кенг имкониятлар юзага келди. Жамият тараққиётини таъминлашда, айниқса, юксак маънавиятга эришиш йўлида белгиланган мақсад ва вазифалар, таълим ислоҳотларининг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши, Ўзбекистон Республикасида Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури¹ ва Таълим тўғрисидаги Қонун² амалиёти муҳим аҳамиятга молик бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур тасодифан пайдо бўлгани йўқ – бу айнан шу халқимизнинг қонқонига сингиган маърифат қонуниятининг давоми”³ бўлиб, “маънавий жиҳатдан мукамал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолди”⁴.

Таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган тадбирлар, дастур ва қонунларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этишда бу борада Бухоро амирлигида асрлар давомида ривожланиб келган бой тажриба мактабини ўрганиш, тегишли сабоқ чиқариш, шубҳасиз, муҳим аҳамият касб этади. Зеро, маънавий-ахлоқий кадриятлар чуқур тарихий илдизларга эга бўлиб, уларни шакллантиришда анъанавий таълим тизими муҳим роль ўйнаган.

Аммо совет даври тарихшунослигида Бухоро амирлигидаги маънавий ҳаёт ва таълим тизими ҳукмрон мафкура тазйиқи остида бир ёқлама ёритиб келинди. Жаҳон илм-фанига Форобий, Ибн Сино, Беруний, Хоразмий каби буюк мутафаккирларни етиштириб берган минтақадаги анъанавий таълимнинг сўнгги ўрта асрларга келиб

¹ Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б. 20-29.

² Ушна жойда. – Б. 31-62.

³ Баркамол авлод орзуси. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б.106.

⁴ Ўзбекистоннинг сийсий-ижтимоий ва иқтисодий истикболининг асосий тамойиллари. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессияси мажлисидаги маърузаси / Халқ сўзи. – Тошкент, 1995. – 24 февраль.

қолоқликка юз тутиш сабаблари, уларга таъсир этган омиллар, оқибатлари ҳолисона таҳлил этилмади, анъанавий таълим масканлари асосиз равишда жаҳолат ва қолоқлик намунаси, диний хурофот ўчоғи сифатида қоралаб келинди.

Ваҳоланки, Президент Ислоҳ Каримов эътироф этганидек, "... ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шарт ва гарови деб билган"⁵.

Бухоро амирлигидаги анъанавий таълим тизимида сўнгги асрларда ҳақиқатан ҳам турғунлик ва замон талабларидан ортда қолиш ҳолатлари яққол намоён бўла бошлаган эди. Аммо тарихий адабиётларда бу ҳолатлар умумлаштирилган ҳолатда, чекланган доирада, маиший шаклларда таърифланди, уларни тубдан ислоҳ этиш ҳаракатлари чуқур ёритилмади, архив фондлари, қўлёзма асарлар, даврий адабиётларда мазкур муаммога онд муҳим тарихий манбалар эътибордан четда қолди, илмий истеъмолга киритилмади.

Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ўрганилаётган даврда Бухоро амирлигида амал қилган анъанавий таълим муассасалари савод чиқариш ўчоғи сифатидагина эмас, балки суд тизими, масжид, мадрасалар учун кадрлар тайёрлаш маскани сифатида, диний-ахлоқий кадрларни шакллантириш, жамиятни маънавий киёфасини белгилашда ҳам муҳим аҳамият касб этган. Улар асрлар давомида бу борада катта тажриба мактабига эга бўлиш билан бир қаторда ўзига яраша муаммо ва камчиликлардан ҳам холи бўлмаган.

Бу муаммолар ўз даврининг илғор фикрли маърифатпарвар кишилари томонидан англаб етилган ва кун тартибига уларни ислоҳ қилиш вазифалари қўйилган. Бу жараён ҳам ўзига яраша муаммо ва қийинчиликлар билан кечган. Мазкур ҳолатларни ўзаро узвийликда, тарихийлик асосида, турли манбаларни қиёсий таҳлил этиш, уларнинг сабаб ва оқибатларини аниқлаш, ўша даврда кечган ижтимоий-сиёсий жараёнлар билан ўзаро боғлиқликда тадқиқ этиш, шубҳасиз, муҳим илмий аҳамиятга эгадир.

I БОБ. БУХОРО АМИРЛИГИДА БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ВА УНИНГ МУАММОЛАРИ

1-§. Бошланғич таълимнинг умумий ҳолати ва фаолияти

XIX аср охири ва XX асрнинг бошларида Бухоро амирлигида сиёсий тузум монархия тартибига асосланган бўлиб, мангитлар сулоласи вакиллари томонидан бошқарилар эди. Россия империясининг мамлакатта 1866-1868 йиллардаги ҳарбий юришларидан сўнг амирликнинг империя кўшинлари томонидан босиб олинishi натижасида тузилган 1868 йилдаги Россия-Бухоро сулҳ битимига кўра, мамлакат сиёсий мустақиллик ва ҳудудий яхлитликдан маҳрум этилиб, Жиззах, Каттакўрғон, Ўратепа, Самарқанд ҳудудларини Туркистон генерал-губернаторлиги тасарруфига ўтишига асос бўлди, Бухоро амирлиги ўз сиёсий мустақиллигини йўқотиб, вассал мамлакатга айланиб қолди. Бухоро амирлиги фаолиятини назорат қилиб туриш учун ташкил этилган Россия империясининг Бухородаги сиёсий агентлиги⁶ катта мавқега эга бўлиб, мамлакат ички масалаларига ҳам бевосита аралашини нақолатига эга эди.

Мамлакатнинг Россия империясига сиёсий қарамлиги тез орада унинг иқтисодий жиҳатдан бўйсундирилишига олиб келди. Бухоро амирлигининг Россия бож тизимига киритилиши уни савдо мустақиллигидан маҳрум этди. Мамлакат қисқа фурсатда Россия хом ашё манбаи ва тайёр маҳсулотлар бозорига айланди. Амирликда темир йўл қурилиши рус манзилгоҳларининг ташкил топиши, рус аҳолисининг кириб келишига, улар баҳонасида ташкил қилинган Рус сиёсий агентлигининг мамлакат ичида назорати ўрнатилишига олиб келди. Аммо ички бошқарувнинг амирлик усулида сақланиб қолиши туфайли кўп соҳалар анъанавий тарзда ривожланишда давом этди. Хусусан, анъанавий маданий ҳаёт, таълим тизими ҳам сақланиб қолди. Ўрта Осиё анъанавий таълим тизимига биноан мамлакатда қуйи ва юқори босқичдан иборат таълим масканлари – мактаб ва мадрасалар асрлар давомида фаолият юритиб келган.

Мирзо Абдуазим Сомийнинг "Мангит султонлари тарихи" асарида қайд этилишича, "... давлатдаги парокандалик, мусулмон

⁵ Каримов И.А. Юсак маънавият-сигилимс кучи. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 60.

⁶ Бухородаги рус сиёсий агентлиги – 1886-1917 йилларда Бухоро амирлиги фаолиятини назорат қилиш учун Россия империяси томонидан тузилган махсус идора бўлиб, у амирликнинг фаолиятини кучли назорат қилиб турган.

жамоасидаги тушкунлик амир Насруллонинг тахтга чиқишидан бошланди ва разилларга раҳнамолик, эътиборли ва хурматли инсонларнинг камситилиши амир Музаффар хукмронлигида мустаҳкамланди, амир Абдулахадхон даврида одат тусига айланди ва ўзининг зарарли маҳсулини бера бошлади⁶.

Сийёсий ҳуқуқсизлик, ташқи алоқалар чекланиши натижасида кучайган биқиклик шароитида мамлакатда нафақат ижтимоий соҳада, балки маданий ҳаётда ҳам тургунлик, давр талабларидан ортда қолиш тенденциялари намоён бўла бошлаган эди. Хусусан таълим тизимида бу ҳолат яққол кўзга ташланар эди. Мамлакатда анъанавий таълим тизими амалда бўлиб, Бухоро амирлигида ва хусусан, Ўрта Осиёда фаолият кўрсатган бошланғич мактабларда таълим олган, сўнгра мадрасаларда таҳсил олиб дунёни лоқолдирган буюк зотлар Форобий, Ибн Сино, Беруний, Маҳмуд Хоразмий, Имом Бухорий, Маҳмуд Замахшарий, Улугбек, Ал Қушчи, Имом Термизий, Имом Марғиновийлар каби кўплаб йирик олим – мутафаккирларни илгарилари етказиб берган илм масканлари бу даврда анча эскирган, давр талабларидан ортда қолган эди.

XX аср бошларида ҳам Бухоро Марказий Осиё, Кавказорти ҳозирги Татаристон ва Бошқирдистон ҳудудлари учун ислом динининг марказларидан бири сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Б. Туркистон генерал-губернаторининг 1899 йил якуни бўйича подшоҳ ёзган хатида ҳам тан олинган. Хат орқали Россияда 14 миллион атрофида мусулмонлар яшаётганлиги, қадимдан Бухоро мусулмонлар дунёсида ислом маърифати марказларидан бири сифатида тан олини келинаётганлиги ва ҳозирда ҳам ўзининг бу борадаги аҳамиятини йўқотмаганлиги тўғрисида хабар берилган⁷.

Бошланғич анъанавий мактаб мусулмон болалари учун умумий маълумот берадиган хат-савод чиқариш масканлари бўлиб, араб илмосида савод олиш, ёзиш ва ўқиш кўникмаларини шакллантириш,⁸ ҳисоблаш қонда ва кўникмаларини ҳосил қилиш табиат ва жамият, атроф-муҳит, ислом дини ҳақида билим ва тушунчалар бериш, ахлоқ-одоб меъёрларига амал қилишни ўргатишдан иборат эди.

⁶ Мирза Абдулазим Саҳи, Тарихи салтанат ва мамлакат (История мамлекетских государей). Издание текста предисловия, перевод и примечания Л.Енфатовой. – М. Восточная литература, 1962. – С.116.

⁷ УЗР МДА, 1-фонд, 27-руйхат, 276-нш, 14-ярақ.

⁸ УЗР МДА, 47-фонд, 1-руйхат, 333-нш, 7-ярақ.

Бухородаги биринчи анъанавий мактаб 714 йили Кутайба ибн Муслим томонидан Бухоро аркида, зардуштийлар эҳроми ўрнида бунёд этилган⁹. “Мактаб” сўзи арабча “катаба” – ёзмақ феълдан ясалган бўлиб, ёзишга ўргатиладиган жой¹⁰ дейилса, бошқаларида “мактаб” термини мирзалар мактаби маъносини билдирган¹¹. 1896 йилда Санк-Петербургда нашр қилинган энциклопедияда: “Мактаб-мусулмонларнинг масжидлар қошидаги хат-савод чиқариш ва диний удумларни ўзлаштириш даргоҳи”¹² дея таъриф берилган. Бундай анъанавий таълим тизими Ўрта Осиё ерлари Араб халифалиги томонидан босиб олингандан кейин (VIII асрда) зардуштийларнинг “дабирстон”лари ўрнида шакллангани маълум.

Ўрта Осиёда анъанавий таълим икки босқич: қуйи – бошланғич мактаб ва юқори – мадраса босқичидан иборат эди¹³. Ушбу тизим мактаблари давлат томонидан тўлиқ маблағ билан таъминланмаган,¹⁴ улар доимий равишда хусусий шахслар маблағи ва вақф мулклари ҳисобига яшаб келган¹⁵.

Шариат қоидаларига мувофиқ, мактаб, мадраса, масжидларга вақф қилинган мулклардан биноларни таъмирлашга, мадраса талабалари, мактаб мударриси ва бошқа хизматчиларни таъминлашга ва давлат солиқларини тўлашга сарфланган¹⁶.

Ўрта Осиёнинг барча шаҳар, қишлоқ ва овулларида мактабхоналар мавжуд бўлган¹⁷. Мактаблар кўпинча бир синф хонасидан иборат бўлганлиги учун ҳам уларни *мактабхона* деб аташган. Мусулмон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўғил ва қиз болалар алоҳида-алоҳида мактабхоналарда ўқитилган. Ўғил болалар мактабхоналарининг аксарияти масжидлар¹⁸, мадрасалар, қорихоналар қошида ёки хусусий мактабдорлар хонадонларида, қиз болалар мактабхоналари отин аёллар-уйларида ёки бадавлат кишиларнинг мактаб ёшидаги қизлари учун уларнинг уйларида ташкил этилган.

⁹ Солскажанова Г.Ф. Туркистонда ўқитиш-маърифатчилик ўчоқлари уларнинг икътимоий аҳамияти (XIX аср охири - XX аср бошлари). Тарих фан номз. дисс. ... – Тошкент, 1998. – Б. 31.

¹⁰ Долимов У. Эски мактаб // Тафаккур. – Тошкент, 2010. – №1. – Б. 66-73.

¹¹ Остроумов Н. П. Исламоведение. Введение в курс исламоведения. – Ташкент, 1914. – С.94-96.

¹² ЎЗР МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 333-ини, 6-варақ.

¹³ ЎЗР МДА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-ини, 12-варақ.

¹⁴ ЎЗР МДА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-ини, 23-варақ.

¹⁵ Наливкин В. Школа у туземцев Средней Азии // Туркестанские ведомости, 1898. – 8 августа.

¹⁶ Алимов И. Ўзбекистонда вақф мулкларининг тугатилиши (1917-1929 йиллар). – Тошкент: Фан, 2009. – Б. 37.

¹⁷ ЎЗР МДА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-ини, 91-варақ.

¹⁸ ЎЗР МДА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-ини, 13-варақ.

Мактабларда ўғил болаларни ўқитган киши “домла, устод, устоз, муаллим” деб аталган. Қизларни ўқитган аёлларни эса “отинойи” ёки “отинбиби” (Тошкентда) “бихалифа” ёки “бибиотин” (Бухорода), “элтибиби” (Хоразмда) деб аташган¹⁹. Шунинг эътиборга олиш лозимки, ҳозирги Қорақалпоғистон худудидagi мактабхоналарда ўша даврда ҳам ўғил ва киз болалар биргаликда бир муаллим томонидан ўқитилаверган²⁰.

Айрим анъанавий мактабларда дарс бериш билан шуғулланувчи домланинг иш ҳақи вақфномада белгиланган маблағдан тўлаб борилиши кўпгина вақфномаларда ўқитилган²¹. Бундай маълумотларни Рауфбой ўғли Маъруфбой,²² Мирмансурнинг қизи Нозикой,²³ Ўзбек ўғли Мирзо Гулом²⁴ вақфномаларидан билиб олишимиз мумкин. Масалан: Рауфбой ўғли Маъруфбой вақфномасида: “Вақф мулкидан ҳосил бўлган пулни мусулмон фарзандларига диний таълим берадиган ҳамда ҳар жума эрталаб ва кечқурун “Мулк”, “Таборақ” сурасини ўқиб, ўшандан ҳосил бўладиган савобни вақф эгасига ва унинг ота-онасига, ўтган барча олим-уламоларга бағишлаган киши”га берилиши ёзиб қўйилган²⁵. Яна бир вақфномада 1338 ҳижрий йилда Шамсуддин валади Мирғиёс Мирзогуломнинг Мулло Шодий гувоҳлигида вақф ваколатини олгани қуйидагича ёзилган: “Ҳовли вақф қилинганлиги ва шунга биздан кейин тирик қолган киши ушбу вақфларга валий (эгаллик) қилиб мактабдаги мусулмон болаларига ҳовлини ижарага берган пуlining бир қисмини беришларини ва улар ҳар жума куни “Ёсин” сурасини ўқиб вақф ва пайғамбаримиз саллаллоху алайҳи ва саллам руҳларига бағишлашини шарт қилган”²⁶. Бундан ташқари, муаллимга нисбатан қуйидагича шарт қўйилган: “Ўқитувчи мактабни узрссиз тарк этмаслиги керак”²⁷.

Мактаблар кўп ҳолларда айрим бадавлат шахсларнинг хайр-эҳсонлари эвазига,²⁸ баъзан эса масжидларга тушган даромад эвазига қурилган. Масалан, Мир Мансурнинг қизи Нозикой етти хонали уй

¹⁹ ЎзР МДА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-иш, 13-варақ.

²⁰ Сафарова Р., Шермаметова Л. Мактаб // Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, V жилд. – Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2003. – Б. 410.

²¹ ЎзР МДА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-иш, 23-варақ.

²² ЎзР МДА, 323-фонд, 1-рўйхат, 1116-иш, 1-варақ.

²³ ЎзР МДА, 323-фонд, 1-рўйхат, 1116-иш, 1-варақ.

²⁴ ЎзР МДА, 323-фонд, 1-рўйхат, 1126-иш, 1-варақ.

²⁵ ЎзР МДА, 323-фонд, 1-рўйхат, 1116-иш, 1-варақ.

²⁶ ЎзР МДА, 323-фонд, 1-рўйхат, 1059-иш, 1-варақ.

²⁷ ЎзР МДА, 323-фонд, 1-рўйхат, 1116-иш, 1-варақ.

²⁸ ЎзР МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 333-иш, 9-варақ.

ва болохонадан иборат бўлган ҳовлисини мактаб ўқувчилари фойдасига диний таълим олишларига ёрдам сифатида вақф қилдирган²⁹.

Вақфномаларда ёзилишича, мактабхоналар ёғоч, хом ва пишиқ гингдан бино қилинган.³⁰ Мактабхона биноси одатда бир хонадан иборат бўлиб, болалар бўйра ёки гилам (тўшамча, шолча) устида ўтиришган.³¹ Мактабнинг хоналари кичик, тор бўлиб, ёруғлик тушмайдиган қоронғи, ўқувчилар ўтирадиган жой эса нам ва зах бўлган.³² Ўғил болалар мактабхоналарида масжид қавми томонидан тақлиф этилган масжид имоми, муаззини ёки мадрасани тугатган киши муаллимлик қилган.³³

Бухоро амирлигидаги мактабхоналар фаолиятини Абдурауф Фитрат шундай таърифлайди: “Мактаб шундай жойдирки, бир муаллими бор, уни мактабдор дейдилар, болалар у ерда етти йилдан то ўн йилгача зарурий хат-саводларини чиқаргунга қадар қоладилар, ундан кейин хохишларига қараб, мадрасага бориб, дарс ўқий бошлайдилар”³⁴.

Садриддин Айнийнинг ёзишича, Бухородаги мактабхонанинг кўриниши кўйидагича бўлган: “Мактаб торгина бир хонадан (хужрадан) иборат бўлиб, унинг икки эшиги бор, бунинг бири бир тавақали ва эшик кўпинча ёпиқ турар эди. Иккинчи эшиги дарча бўлиб, уч газ* бўйи ва ярим газ эни бор. Бу дарчанинг олдида домла(мактабдор)нинг ўтирадиган жойи бор. Дарчаларга эса парда қилинган (деразаси қоғоз билан қопланган) ва қоғозга қор-ёмгирдан сақлаш учун зиғир мойи суртилган эди. Шунингдек, мактабнинг деразасидан дарсхонага ҳеч бир ёруғлик кирмас эди. Хужранинг шипи тагидан деворнинг шипга яқинлашган жойида икки томондан ҳам бир-бирига рўпарама-рўпара қилиб очилган икки туйнукча бўлса ҳам, булардан кирадиган ёруғлик пастга, тушмасдан, хужранинг деворларида қолар эди. Бу хужранинг кенлиги ўн олти газ мурабба (квадрат) эди, унинг ичида бир-бирининг устидан ўтказилиб тўртта синч тортилган ва бу билан хужра тўққиз бўлакка бўлинган, гўё мактабхонанинг ичида тўққиз охур пайдо бўлган эди. Эшик

²⁹ ЎзР МДА, 323-фонд, 1-рўйхат, 1226-нш, 1-варақ.

³⁰ ЎзР МДА, 323-фонд, 1-рўйхат, 1116-нш, 1-варақ.

³¹ ЎзР МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 333-нш, 7-варақ.

³² ЎзР МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 333-нш, 9-варақ.

³³ ЎзР МДА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-нш, 1-варақ.

³⁴ Фитрат А. Мунозара // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1997. – №1. – Б.121.

* Газ - узунлик ва масофани ўлчаш учун муължалланган қадимги ўлчов бирлиги. Газ – 62 - 64 см.га тенг узунлик ўлчови.

олдидаги охурчада болаларнинг кавушлари турарди, дарча олдидаги охурчада бўлса домла ва қолган етти охурчада эса болалар ўтирарди”³⁵.

XIX асрнинг ўрталарида Бухорода бўлган Н.Ханиковнинг қайд этишича, бошланғич мактаблар ёки мактабхоналар Бухоро шаҳрида ва бошқа шаҳарларда, шунингдек, қишлоқларда жуда кўп эди. Архив маълумотларига қараганда Бухоро шаҳрининг ҳар бир кўчасида ўзининг мактабхонаси бўлган³⁶. Мактабхоналар асосан мусулмонларнинг хайр-эҳсонлари ёки амирнинг буйруғига мувофиқ кўчада яшовчиларнинг умумий маблағи эвазига ҳам ташкил этилган³⁷.

Шариатга кўра, илм ўрганиш учун мурожаат қилган кишига рад жавоби бериш оғир гуноҳ ҳисобланган, ўқишга келган ҳар бир боланинг қайси ижтимоий тоифадан бўлиши ва ўқиш учун қанча ҳақ тўлашидан қатъи назар, ўқитувчилар зиммасига уларни ҳар қандай эътирозсиз ўқитиш вазифаси юклатилган³⁸. Чунки ҳар бир мусулмоннинг билим олиши ҳам қарз, ҳам фарз бўлганлиги ҳали ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган эди³⁹.

1910 йилда Бухорода 350 га яқин анъанавий (бошланғич) мактаблар фаолият кўрсатган⁴⁰. Бошланғич мактабларда ўқувчиларнинг сони 10 нафардан 50-60 нафаргача бўлган⁴¹. Ўғил болалар мактабхонасида ўртача 30-40 нафар бола ўқиган⁴² бўлса, овул мактабларида ўқувчилар сони 10 нафардан ошмаган⁴³. Қизлар ўқийдиган мактабхоналардаги ўқувчилар сони ўғил болаларга нисбатан 25-30 фоизни ташкил этган⁴⁴.

Мактаблар идора қилиниши ва таъминоти жиҳатидан умумий ва хусусийга бўлинган⁴⁵. Уларнинг асосий фарқи – мактаб биносининг ким томонидан қурилиши ва таъминланишида эди. Хусусий мактаблар алоҳида шахслар, яъни мансабдор, давлатманд

³⁵ Айний С. Эски мактаб // Асарлар. VIII томлик. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1965. IV том. – Б. 139-140.

³⁶ ҲЗР МДА, 47-фонд, 1-руйхат, 333-ши, 7-варақ.

³⁷ Ханыков Н.В. Описание Бухарского ханства. – СПб. 1843. – С.210.

³⁸ ҲЗР МДА, 1-фонд, 12-руйхат, 1-ши, 90-варақ.

³⁹ Мирзо Салимбек Калқули Салимий. Таворихи муттақаддимин ва муттаахириин. / Форс-тожик тилидан Н.Йўлдошев таржимаси. – Бухоро, 2003. – Б. 51.

⁴⁰ Нисёний Ражабзода. Ибтидоий мактабларимизнинг тартибсизлиги ёхуд тараққийнинг йўли // Ойина, 1914. – № 38.

⁴¹ ҲЗР МДА, 47-фонд, 1-руйхат, 333-ши, 11-варақ.

⁴² Навиқли В. Школа у туземцев Средней Азии // Туркестанские ведомости, 1898. – 8 августа.

⁴³ ҲЗР МДА, 47-фонд, 1-руйхат, 333-ши, 11-варақ.

⁴⁴ Солижоннова Г. Мактабхона // Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. V жилд. – Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2003. – Б.412-413.

⁴⁵ Нисёний Ражабзода. Ибтидоий мактабларимизнинг тартибсизлиги ёхуд тараққийнинг йўли // Ойина, 1914. – № 38.

кишилар томонидан қурилган бўлса, умумий мактаблар жамоатчилик томонидан қурилган. Мактаблар саховатли кишилар томонидан қилинган хайр-эҳсонлар, ўқувчиларнинг ўз ота-оналари ҳисобидан таъминланган⁴⁶.

Мактабхонада ўқишга қабул қилиш ёши Бухорода 5 ёшдан 12 ёшгача бўлган даврни ташкил этган⁴⁷. Садриддин Айний ўзи яшаган уч юз хонадонлик қишлоғида тўрт яшардан ўн икки яшаргача бўлган болалар мактабнинг шогирдлари ҳисобланганлиги ҳақида маълумот беради⁴⁸. Анъанавий бошланғич мактабларда ўқувчи беш йилдан кам ўқимаган⁴⁹. Ёз ойлари ва рамазон ойида ўқувчилар таътилга чиқишган⁵⁰. Мактабхонада таҳсил оладиганлар ўқишининг давомийлиги бир қатор омилларга, яъни домланинг маҳорати, ўқувчининг зеҳни ҳамда онладаги муҳитга боғлиқ бўлган.

Қиз болалар учун ўқиш 7 ёшдан бошланиб, 13 ёшгача, айрим ҳолларда 10-11 ёшгача давом этган⁵¹. Одатда қиз болаларга уйда таълим бериш тажрибаси кенг тарқалган. Умуман олганда, аёлларнинг мактабда ўқиши қийин кечган, фақат бой хонадонларнинг қизларигина ўқиб саводини чиқара олган,⁵² қишлоқларда ўқиган қизлар жуда камчиликни ташкил этган.

Мактабхоналарда олиб борилган ўқиш муддати 4 йилдан 10 йилгача давом этган. XIX асрнинг ўрталарида Бухоро амирлигидаги мактабларда ўртача ўқиш муддати ўртача 7 йил деб кўрсатилган⁵³. Абдурауф Фитрат ҳам мактаблардаги ўқиш муддатини етти йилдан ўн йилгача деб кўрсатган⁵⁴.

Ўша давр матбуоти – “Ойина” журналида қайд этилишича, “Муддати таҳсил кўп узок бўлганлиги учун кўп кишилар болаларини 8-10 йил мактабга кўя олмаган”⁵⁵. Аслида мактабларда болаларнинг ўқиш муддати уларнинг иқтисоди ва қобилиятига қараб белгиланган, қобилиятли, тиришқоқ ўқувчи мактаб курсини 4 йилда, қобилиятсиз ўқувчи узоғи билан 10 йилда тамомлаган.

⁴⁶ ҲЗР МДА, 47-фонд, 1-руйхат, 333-ши, 12-варақ.

⁴⁷ Ханыков Н.В. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843. – С. 211.

⁴⁸ Айний С. Эски мактаб // Асарлар. VIII томлик. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1965. IV том. – Б.140.

⁴⁹ ҲЗР МДА, 47-фонд, 1-руйхат, 333-ши, 17-варақ.

⁵⁰ ҲЗР МДА, 1010-фонд, 1-руйхат, 66-ши, 18-варақ.

⁵¹ Навиқли В. Школа у туземцев Средней Азии // Туркестанские ведомости, 1898. – 8 августа.

⁵² ҲЗР МДА, 1010-фонд, 1-руйхат, 66-ши, 17-варақ.

⁵³ Ханыков Н.В. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843. – С.212.

⁵⁴ Фитрат А. Мувозара // Шарқ қалдузи, – Тошкент, 1997. – №1. – Б.121.

⁵⁵ Нисёний Ражабзода. Ибтидоий мактабларимизнинг тартибсизлиги ёхуд тараққийнинг йўли // Ойина, 1914. – № 38.

Мактабхоналардаги дарслар эрталаб куёш чиқишидан то аср номозигача (соат 17.00) давом этиб, жума ва байрам кунлари ўқувчилар дарсдан озод қилинган⁵⁶. Ўқитувчи (домла) йил бўйи сабр-тоқат билан мактабхонани очиб, ўқувчиларини кутиб ўтирган⁵⁷. Аксарият мактабларда жисмоний, эстетик тарбия масалаларини деярли эътибор берилмаган, болалар берилган вазифани бошини тебратиб ўқиш ёки такрорлаш билан банд бўлган. Бола руҳиятини яхши билувчи домлалар ҳар бир ярим-икки соатда танаффус эълон қилиб турган⁵⁸.

Мактабхоналарнинг кўпчилиги одатда masjidлар ёнида ёки унинг қошида ташкил этилган. XX аср бошида Бухоро шаҳрида 211 та masjid бўлиб, ўртача ҳисобда бир masjid ҳузурдаги мактабда 40 нафаргача бола ўқишига имкон бор эди⁵⁹. Мадрасалар қошида ҳам мактабхона ташкил этилган⁶⁰. Масалан, Аҳмаджон Пўстиндў мадрасаси қошида мактабхона мавжуд бўлиб, мактабдор домла би вақтнинг ўзида Куръон ҳофизига ҳам бўлган, мактаб таъминоти мадраса вақфи ҳисобидан бўлган⁶¹. Худди шундай мактаблардан яна бири Зомуча кўчасидаги 1815 йилда қурилган Домла Шермуҳаммад ибн Нурмуҳаммад мадрасаси қошида ташкил этилиб, унинг таъминоти ҳам мадраса вақфи ҳисобидан бўлган⁶².

Мактабхоналарда таълим жараёнининг ташкил этилиши би хил бўлмаган. Анъанавий бошланғич мактабларда дарс жадвали қатъий дастур ва муайян ўқув курси бўлмаган⁶³. Таълим берилган синф-дарс тизимида бўлмасдан, бир домладан сабоқ олувчиларнинг барчаси бир хонада ўқишган.

Асрлар давомида фаолият юритиб келган мактабларда фойдаланилган кўп дарсликлар 8-9 аср олдин ёзилган эди.

Мактабда ўқувчи дастлаб иймон масаласига доир “Калима шаҳодат” ва “тойиба”ни ёд олгач, араб алифбосини ўрганиш киришган. Ҳарфларни ўқитувчи алоҳида ёғоч ёки қаттиқ лавҳаларга ёзиб қўйган⁶⁴. Ҳарфлар аввал ёд олинган, кейин эса бўғинлаб ўқиш

⁵⁶ ЎзР МДА, 47-фонд, 1-руйхат, 333-нш, 17-варақ.

⁵⁷ Наливкин В. Школа у түземцев Средней Азии // Туркестанские ведомости, 1898. – 8 августа.

⁵⁸ Долгимов У. Эски мактаб // Тафаккур. – Тошкент, 2010. – №1. – Б.66-73.

⁵⁹ Суҳраева О. К истории городов Бухарского ханства. – Ташкент: Изд. АН Уз ССР, 1958. – С. 212.

⁶⁰ ЎзР МДА, 47-фонд, 1-руйхат, 333-нш, 10-варақ.

*Аҳмаджон Пўстиндў мадрасаси Бухоро шаҳридаги Асирий гузарига жойлашган бўлиб, 1705 йилда қурилган У 110 хужрадан иборат бўлган.

⁶¹ ЎзР МДА, 323-фонд, 1-руйхат, 38-нш, 4-варақ.

⁶² ЎзР МДА, 323-фонд, 1-руйхат, 51-нш, 1-варақ.

⁶³ ЎзР МДА, 1010-фонд, 1-руйхат, 66-нш, 19-варақ.

⁶⁴ ЎзР МДА, 1010-фонд, 1-руйхат, 66-нш, 21-варақ.

Ўтилган. Бўгинлаб ўқишга ўтишдан сўнг ўқувчи “Ҳафтияк”ни ўрганишга ўтган⁶⁵.

Худди шу тартиб Туркистон генерал-губернаторлиги ҳудудида ҳам амал қилган. Масалан, ўша давр матбуотида қайд этилишича, Туркистон мактабларида “тарбияланувчилар дастлаб ҳарфларни ўрганишади, бўгинлаб ўқишни ўрганишади, шу асосда “Қуръон”ни ўқишга киришади, унинг кичик-кичик сураларини ўқий бошлашади”⁶⁶.

Ўқишнинг ҳижо (бўгин), ҳижжайи қадимий деб аталган бу усули асрлар бўйи ҳеч қандай ўзгартиришсиз давом этиб келган. Ҳижо усулида ўқиш уч босқичга бўлинган. Биринчи босқич: ҳарфларнинг номини ёдлатиш (ҳарфий усул). Бунда араб имлосидаги товуш ва ҳарфлар осон ёхуд қийинлиги ҳисобга олинмай ёд олинган. Ўқувчилар уйдан махсус тахта олиб келган ва мактабдор тахтанинг бир томонига қора сиёҳ билан арабча ҳарфларни алоҳида ёзиб берган. Домланинг айтганини такрорлаш йўли билан тахтачадаги ҳарф-товушлар ёд олинган. Шундан кейин иккинчи босқичга ўтилган: зер, забар* ва пеш орқали бўгинлар ҳосил қилиш ўргатилган. Учинчи босқич-бўгинларни қўшишдан иборат бўлган⁶⁷.

“Алифбо” дарслигида ҳарфларнинг ёзилиши, қўшилишидаги кўринишлари, ҳарфларнинг турли ўринларидаги шакллари ўрганиб бўлингандан кейин зеру-забар, яъни ҳарф ости ва устига қўйиладиган диакритик белгилар (зеб, забар, пеш, сукун ва таъдид каби ҳаракатлар) ва уларнинг қўлланиши, улар ёрдамида бўгинлар тузиш каби қондалар ўргатилган⁶⁸.

Араб алифбосини ёд олгач, ўқувчи дастлабки ўқиш китоби сифатида “Ҳафтияк”ни ўрганишга киришган, унда Қуръони каримдан кичик суралар олинган. “Ҳафтияк” – бошланғич мактабда ҳарфлар танилгач, ўргатиладиган ўзига хос ўқитиладиган китоб бўлиб,⁶⁹ асл маъноси форсчада “ҳафт” – етти, “як”-бир, яъни Қуръони каримнинг еттидан бир қисми деган маънони англатган⁷⁰.

Мактабхонада ўқиш жараёнида “Ҳафтияк” тугатилгач, “Тажвид” китобига ўтилган. “Тажвид” – Қуръонни қироат билан

⁶⁵ Навоиёни В. Школа у туземцев Средней Азии // Туркестанские ведомости, 1898. – 8 август.

⁶⁶ Миса Н. Туземная школа // Туркестанские ведомости, 1884. – 30 октябрга.

⁶⁷ Зеру забар - унинг товушларни инфодаловчи ҳаракатлар бўлиб, унда араб сатр ости ва сатр усти белгилари, ҳаракатлар ўқиш ва талаффуз қилишда чалқилиш бўлмастек учун ўқиш, ёзини ва ўқити талаффуз қилишга ёрдам берган.

⁶⁸ Абдуллоев И. Эски мактабда хат-савод ўргатиш. – Тошкент: Ўрта ва Олий мактаб, 1960. – Б. 45-49.

⁶⁹ Буқоро Давлат меъморий-бадний музей-қўриқхонаси қўлёзма фонди. 1078/11 инвентар

⁷⁰ ЎзР МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 333-нш, 54-парақ.

⁷¹ Ҳафтияк шариф. – Тошкент, 1992. – Б.3.

ўқиш тўғрисидаги китоб. Мактабда “Тажвид”нинг энг содда усуллари ўқитилган. Унинг уч тури мавжуд бўлиб, мукаммал эгалланган ва авлоддан авлодга ўтиб келган: секин (тартил), тез (хадр) ва ўрта (тадвир) маромда ўқиш⁷¹. Форс тилида ёзилган “Тажвид” китобининг турли муаллифлар томонидан ёзилгани мавжуд бўлиб, улардан бири улуғ аллома Абу Али ибн Синонини қаламига мансуб бўлиб, Куръони Каримни тартил билан ўқишни ўргатадиган қўлланма эди⁷².

“Тажвид”, яъни Куръонни қироат билан ўқиш ўзлаштирилгач, Куръони Каримнинг ўзи ўқитилган. Унинг “Алламнашрах” сурасини ёдлаган ўқувчи саводхон деб ҳисобланган. Саводи чиққан бола диакритик белгилар (зеру-забар)сиз насталиқ ёзувида битилган бошқа китобларни ўқий бошлаган. Кейинги босқичда “Фарзи-айн” китобига ўтилган. “Фарзи-айн” – шариатга кўра барча мусулмонларга буюрилган, бажарилиши шарт бўлган амаллар ҳақида тушунча ва маълумот берган.

Ундан кейинги китоб “Чоркитоб” (“Чаҳор китоб”) бўлиб, унда ислом динининг асосий қоидалари баён этилган⁷³. Ушбу китоб наср ва назм усули билан форс-тожик тилида ёзилган. Диний урф-одатлар ўз ифодасини топган. “Чоркитоб”⁷⁴ – ўз ичига тўрт китобни бириктириб, уч шеърли ва бир насрий мажмуадан иборат эди.

Кейинги босқичда “Сўфи Оллоёр” деб юритилган, аслида ну муаллиф қаламига мансуб “Сабот ул-ожизин” китоби ўқитилган⁷⁵. Унда ислом динининг асосий қоидалари баёнидан ташқари, инсоний фазилатлар, ахлоқий тарбияга қаратилган ҳикматлар, ибратли ҳикоялар, шеърлар, дostonлар ўрин олган⁷⁶. Мазкур китоб гоյатда раvon, содда тил билан ёзилган бўлиб, кишини ўйлантирадиган ва ҳайратлантирадиган сўз ўйинлари мавжудлиги сабаб, уни ўқувчилар севиб ўқиган ва ёд олган⁷⁷.

“Сабот ул-ожизин” тугатилгач, ислом ақидалари баён этилган “Маслак ул-муттақин” номли назмда битилган диний китоб ҳам ўқитилган. Бу форс тилида ёзилган шеърлар тўплами бўлиб, панд-

⁷¹ Ислом. Энциклопедия. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат нaмий нашриёти, 2004. Б. 221.

⁷² Бухоро Давлат мeъморий-бадiiий музей-қўриқхонаси қўлёзма фонди. 27399/11 инвентар.

⁷³ Майв Н. Туземная школа // Туркестанские ведомости, 1884. – 30 октябрь.

⁷⁴ Бухоро Давлат мeъморий-бадiiий музей-қўриқхонаси қўлёзма фонди. 26492/11 инвентар.

⁷⁵ ЎзР МДА, 1010-фонд, 1-руйхат, 66-нш, 73-варақ.

⁷⁶ Бухоро Давлат мeъморий-бадiiий музей-қўриқхонаси қўлёзма фонди. 12928/11 инвентар.

⁷⁷ Сўфи Оллоёр. Сабот ул-ожизин. – Тошкент: 1991. – Б.3; Кары-Нызов Т.Н. Очерки истории культуры Советского Узбекистана. – Москва: АН СССР, 1955. – С.58.

насихат, хушмуомалалик, одоб-ахлоқ ва шариат қонун-қоидалари баён этилган⁷⁸.

Барча мактабларда шарқ ва мусулмон педагогикасининг ёрқин намунаси бўлган Саъдийнинг “Тулистон” ва “Бўстон” асари кенг ўқитилгани ҳам маълум.

Кейинги босқичда мактабхоналарда Хожа Ҳофиз Шерозийнинг “Девон”ига ўтилган⁷⁹. Мадрасаларда дарслик сифатида ўқитилган “Девон”да лирик шеърлар ўрин олган бўлиб, илоҳийлик ва дунёвийлик уйғунлашган ёш болаларни ахлоқий тарбиялашда муҳим аҳамият касб этган⁸⁰. Кўп мактабхоналардаги асосий ўқув курси шу билан якунланган. Китобларни якунлаш, навбатдагисини бошлаш ҳам ўзига хос тарзда нишонлаб турилган. Масалан, Бухоро мактабхоналарида ёш ўқувчи кичик-кичик сураларни ёд олганидан кейин “Ҳафтияк”ни ўқишга киришиш маросимини ўтказиш одатга айланган⁸¹.

Садриддин Айнийнинг ёзишича, Бухоро мактабларида булардан ташқари, араб грамматикасига катта эътибор қаратилиб, “Бидон”, “Занжоний”, “Муиззий” каби китоблар ҳам ўқитилган⁸². “Бидон” – форс-тожик тилида ёзилган араб тили грамматикаси бўлса, “Занжоний” – араб тили синтаксисига доир китоб бўлган. “Муиззий” – араб тили морфологиясига доир китоб бўлиб, ҳар учала китоб ҳам мадраса таҳсилга қадар мактабхонада ўқитилган⁸³.

Бухорода мактаб ўқувчилари форс-тожик ва ўзбек тилида сўзлашишлари назарда тутилиб, уларга араб тилини форс тили орқали ўргатувчи дарсликлар, шунингдек, араб тили билан бирга форс тили грамматикасини ўргатувчи дарсликлар ҳам бўлган⁸⁴. Масалан, Мулло Абдул-Ғофурнинг араб лексикологиясига⁸⁵ бағишланган қўлланмаси араб имлосида, аммо форс тилида ёзилган. Унда сўз маъноси, шакли ва маъно муносабатларига кўра турлари, ибора тўғрисида тушунчалар берилган. Яна бир араб тили грамматикасига тааллуқли бўлган “Тўплам” (1848-1849 йилларда ёзилган) рисоласи икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида араб тили грамматикаси тўғрисида маълумот берилган бўлса,

⁷⁸ ЎзР МДА, 1010-фонд, 1-руйхат, 20-нш, 9-варақ.

⁷⁹ ЎзР МДА, 47-фонд, 1-руйхат, 333*-нш, 55-варақ.

⁸⁰ Бухоро Давлат мeъморий-бадiiий музей-қўриқхонаси қўлёзма фонди. 30473/11 инвентар.

⁸¹ Ушба жойида, 1078/11 инвентар.

⁸² Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар // Асарлар. – Тошкент: Бадий адабиёт, 1963. 1 том. – Б. 352.

⁸³ Бухоро Давлат мeъморий-бадiiий музей-қўриқхонаси қўлёзма фонди. 25563/11 инвентар.

⁸⁴ Ушба жойида, 15487/11 инвентар.

⁸⁵ Ушба жойида, 11335/11 инвентар.

иккинчи қисмида эса форс тили грамматикаси ҳақида маълумот берилган⁸⁶. Аммо ўзбек тили ва грамматикаси мактабда ўргатилмаган.

Мактабларда ўқиш жараёнида Алишер Навоийнинг ижодига мансуб “Девони Навоий”, “Амир Навоий”, “Девони амир Навоий”, “Мавлоно Амир Навоий”, “Куллиёти девони Амир Навоий” каби номлар билан шуҳрат қозонган шеърӣ тўпламлар ҳам ўқитилган. Бу тўпламлар номаълум кишилар томонидан, асосан, “Ғаройиб-ус-сиғар” ва қисман “Наводир-уш-шабоб” девони асосида тузилган. Шу сабабли баъзи мактабхоналарда “Ғаройиб-ус-сиғар”, айримларида “Наводир-уш-шабоб” девонининг ўзи ҳам ўқитилган⁸⁷.

Мактабларда бадий адабиётга, айниқса, шеърӣятга алоҳида эътибор берилиши талабаларнинг ички дунёсини бойитиб, уларни ижодий фикрлашга ўргатган ва эстетик дид эгаси қилиб тарбиялаган.

Бошланғич мактабларда юқорида қайд этилган бадий адабий намуналар, дарсликлар сони ёки ўрганиш тартиби турлича бўлса-да, асосий учта китоб, яъни “Ҳафтияк”, “Чаҳор китоб” ва “Сабот ул-ожизин” албатта ўқитилган⁸⁸.

Фақат ўқишни ўргатишга мўлжалланган анъанавий мактаблар ҳам кўп бўлган. Бу мактабларда ўқиган болалар бир қанча сураларни ўқий оладиган-ёддан айтадиган бўлиб, шариат қоидаларини ўзлаштиригач, ўқишни яқунлаган. Аммо ўқиш ва ёзувни ҳам ўргатадиган бошланғич мактаблар сони унчалик кўп бўлмаган. Ёзув машқлари одатда ўқувчи ўқишни ўзлаштириб бўлгач бошланган⁸⁹. Ёзувга ўргатишда ўқитувчилар “Бадоиъ ул-Иншо”, “Муншаот”, “Дастур ул-қуззот” каби кўплаб қўлланмалар каби дарслик ва китобларидан фойдаланганлар. Уларда ҳуснихат усуллари баён этилган.

Бошланғич мактабларда ёзув машғулотларида Саид Салоҳиддинхўжа ибн Оловиддинхўжанинг форс тилида ёзилган “Муфрадот” (ҳарфларни алоҳида шаклларда ёзиш) деб номланган дарслиги ўргатилган. Ҳарфларни намуна-нусхага алфавит тартибида катта қилиб ёзиш муфрадот (сархат), ҳуснихатни англаган, баъзан муфрадот ёзиш бир-икки йилга чўзилган⁹⁰.

⁸⁶ Бухоро Давлат меъморӣ-бадий музей-қўриқхонаси қўлёзма фонди. 15487/11 инвентар.

⁸⁷ ЎзР МДА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-итм, 74-парақ.

⁸⁸ Биязиев Г. М. Из истории культуры и просвещения в Хорезме. — Ургенч, 1957. — С. 39.

⁸⁹ ЎзР МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 333-итм, 55-парақ.

⁹⁰ ЎзР МДА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-итм, 82-парақ.

Муфрадот машқидан кейин мураккабот, яъни ҳарфларни бир-бирига қўшиб ёзиш машқи бошланган. Ҳарфларни бир-бирига қўшиб ёзиш машқи бир неча босқичга бўлиниб, ҳарф бирикмаларининг маъно англатиши ёки англатмаслиги мутлақо ўтиборга олинмаган; асосан ҳарфлар бир-бирига қандай қўшилишини машқ қилишга урғу берилган. Кўпгина бошланғич мактабларда ҳарфларни бир-бирига қўшиб ёзиш машқи “абжад ёзиш” билан тугалланган. Ёзувни ўрганишда абжад ҳисоби ҳам ўргатилган. Маълумки араб алифбосидаги ҳар бир ҳарф рақамлар снингари сон қийматига эга бўлиб, алифбодаги 28 та ҳарф ҳеч қандай маълони билдирмайдиган 8 та сўзга жамланган. Шундан кейин муқаттаот машқи, яъни байт, қитъа ва рубоийларни кўчириб ёзиш машқи бошланган⁹¹.

Бошланғич мактабда муқаттаотга, яъни парчаларни кўчириб ёзишга жуда кўп вақт сарфланган. Муқаттаот меъёрига етгандан кейин иншо, дуойи салом (салом хати) ва ўзаро хатлар ёзишга ўргатилган. Ўқувчи дуойи саломни ёзишни билса, уни хати чиққан деб ҳисоблашган.

Шундай қилиб, мактабда ёзишга ўргатишни икки босқичга бўлиш мумкин: биринчи босқичда ҳарф ва бирикмаларнинг ёзилиши ўргатилган. Бу хуснихат билан бошланиб, абжад ёзиш билан тугалланган. Иккинчи босқичда сўз ва гаплар ёзилган. Бу давр маълони сўзларни ёзиш билан бошланиб иншо-дуойи салом билан тугалланган⁹². Мактабларда асосан настаълиқ ёзуви ишлатилган⁹³.

Шу тарика бошланғич мактабларда ўқувчи араб ва форс алифбосининг ўрганган. Диний ва бадий адабиётнинг асосий қисми шу тилларда битилган эди.

Айрим мактабларда қобилиятли ўқувчиларга арифметиканинг тўрт амали ўргатилган. Бухоро Давлат меъморий-бадий музей-қўриқхонаси қўлёзма фондида сақланган “Хулосат-ул-ҳисоб”⁹⁴, “Усули ҳисоб”⁹⁵ рисолаларида ҳисоб-китоблар баён этилган.

Бундан ташқари, музейлардаги қўлёзмалар фондида мактаб ёзишдаги ўқувчиларга тарбиявий-ахлоқий йўналишдаги рисолалар ҳам сақланиб қолган. Масалан, “Мажмуа” деб номланган араб тилида ёзилган тарбиявий мазмундаги рисолада⁹⁶ инсондаги барча

⁹¹ У.Р. МДА, 1010-фонд, 1-руйхат, 63-ш. 11-варақ.

⁹² Абдуллаев И. Эски мактабда хат-савод ўргатиш. — Б. 64.

⁹³ У.Р. МДА, 1010-фонд, 1-руйхат, 66-ш. 83-варақ.

⁹⁴ Бухоро Давлат меъморий-бадий музей-қўриқхонаси қўлёзма фонди. 25(241) инвентар.

⁹⁵ Уша жойда, 12940/11 инвентар.

⁹⁶ Уша жойда, 2273 н/в инвентар.

яхши ва ёмон ҳулқлар кўрсатилиб, болалар маънавий юксалликка чақирилади, ахлоқ руқни остида таълим-тарбияга оид бир қанча болаларбоп матнлар берилади. Ҳикматлар тўшламига⁹⁷ оид рисолада эса панд-насихатлар ўрин олган. Назмда ёзилган ҳикоятларга бағишланган рисолада тўғрилиқ, ёлғончилик, илм ҳақидаги насихатлар тарзида ҳикоятлар баён этилган.⁹⁸ Назмда битилган яна бир ҳикояларга оид диний мавзудаги рисолада дангасалиқ, ёлғончилик, такаббурилик, ҳасислик, айёрлик танқид қилинади. камтарлик, сахийлик, тўғрилиқ, содиқлик, илмлилик ва меҳнатсеварлик каби тушунчалар насрий тилда баён этилган.

Амирликдаги таълим тизимида тарбия масалалари жуда муҳим аҳамият касб этган ва диний эътиқодни мустаҳкамлашга, иймон ва ахлоқий покликка эътибор қаратилган. Хуллас, бошланғич мактаб ўқиш ва ёзиш, ҳисоб-китоб қоидалари қаторида ўқувчининг маънавий қиёфасини ислом таълимоти доирасида шакллантириш вазифасини ҳам бажарган.

Қизлар мактабида ўқитиш ўғил болалар ўқийдиган масжидлар ҳузуридаги мактабхонадаги ўқитишдан бир мунча фарқ қилар эди. Ўзининг саводини қизлар мактабида чиқарган Садриддин Айний ушбу мактабни куйидагича таърифлайди: “Отинбиби ўзининг бутун вақтини сабоқ берувга сарф этар, ҳар бир болани навбат билан ўз олдига чақириб дарс берар ва бу билан бир кунлик ўқиш ўтар эди. Отинбибининг бир кунлик дарс вақти эртанги нонуштадан то соат ўн иккигача давом этар, у болаларни масжиддаги домладай эртадан кечгача бир хонада камаб қўйиб зериктирмас эди. Унинг шогирдлари эрта билан нонуштани ўз уйларида сганларидан кейин мактабга келардилар, сабоқ олиш ва олинган сабоқни ўқиш билан шуғулланар эдилар”.⁹⁹

Юқоридагилардан маълум бўлмоқдаким, қизлар мактабида ўқитиш жараёни эрталабки нонуштадан (соат 8.00) то соат 12 гача, яъни тушликкача давом этган. Ўғил болалар мактабида эса бомдод намозидан кейин, яъни эрталабдан соат 17 гача ўқиш жараёни давом этарди. Айрим манбаларда тушлиқ вақтида ўғил болалар уйларидан нонушта қилиб келинган дейилса, бошқа манбада эса тушлиқ учун икки марта танаффус қилинган, биринчиси нонхўрак деб аталиб, у соат ўн-ўн бирлар атрофида бўлиб, бу пайтда болалар уйдан олиб

⁹⁷ Ўша жойда, 12945/11 инвентар.

⁹⁸ Ўша жойда, 24259/11 инвентар.

⁹⁹ Айний С. Эски мактаб // Асарлар. VIII томлик. – Тошкент: Бадий адабиёт, 1965. IV том. – Б.168.

келган ноилар билан тамадди қилишган бўлса, иккинчиси соат ўн уч ва ўн бешлар атрофида бўлиб, у ошхўрак деб аталган ва ўқувчиларга иссиқ овқат берилган, деб кўрсатилади¹⁰⁰.

Ўғил болалар ўқитиладиган мактаблардан фарқли равишда, кизлар мактабларида мумтоз шоирлар ижодини ўрганиш билан бирга кизлар тарбиясининг ўзига хос жиҳатлари, чунончи, уй-рўзгор тутуш, пазандалик, покизалик, шарқона одоб-ахлоқ ҳам ўргатилган. Бу ўринда Фахриддин ибн Ризоуддиннинг “Тарбияли хотун”, Олимат ул-банотнинг “Муошарат одоби” каби китобларининг аҳамияти катта бўлган. “Муошарат одоби” 1898 ва 1899 йилларда Санкт-Петербургда икки марта нашр этилган. Рисолада одоб-ахлоқ, аёлларнинг турмушдаги ўрни ва оилавий муносабатлар, болалар тарбияси, оила юритиш, никоҳ ва муҳаббат ҳақида гоят ибратли маслаҳатлар берилади¹⁰¹. Бундан ташқари кизлар мактабида Алий Назимонинг беш китобдан иборат “Талим-и банот” (“Қизлар тарбияси”) асари шарқона ахлоқий дарслик сифатида ўқитилган¹⁰².

“Одатда ота-оналарнинг, қариндошларнинг ўқитиладиган бола учун бир йилига тўланадиган маблағи 1 тиллодан 3 тиллогача бўлган”¹⁰³. Анъанавий мактабларда дарс берадиган ўқитувчи-домлаларга баъзан маош тайинланган, баъзан маош тайинланмай, маълум миқдорда ота-оналардан пул маблағи олиб туришган¹⁰⁴. Мактабга қатнаган ўқувчиларнинг ота-оналари ўқиш учун турли кўринишдаги сарф-харажат қилган. Одатда мактаб ўқитувчилари ўқувчиларнинг ота-оналари томонидан келтирилган нарсалар билан чеklangан. Ота-оналар ўз мавқеига қараб ўқитувчига совға-салом олиб келишган¹⁰⁵.

“Ўқиш пули” мактабга ўқишга келганда, бола ўзи ўқийдиган китоб (фан)лар бўйича муваффақиятга эришганда, бир китобни сугатиб иккинчисига ўтганида, Қуръони Каримни ўқий бошлаганида, янги йилда, бир йилда икки марта байрамда олиб келинган¹⁰⁶. “Ўқиш пули”, яъни совға-салом йигирма тангадан то бир сўмгача пул ёки битта тўндан иборат эди. Етимлар бепул ўқитилган¹⁰⁷. Ўзига тўқ, бадавлат, бой табақа вакилларининг

¹⁰⁰ УЎР МДА, 2282-фонд, 1-руйхат, 1586-нш, 107-варақ.

¹⁰¹ Олимат ул-Банот. Муошарат одоби. – Тошкент: Мехнат, 1991. – Б. 4.

¹⁰² Назимова А. Қизлар тарбияси // Т. Зиёев таржимаси. – Тошкент: Камалак, 1994. – Б. 64.

¹⁰³ Ханыков Н.В. Описание Бухарского ханства. – СПб, 1843. – С.211.

¹⁰⁴ УЎР МДА, 1010-фонд, 1-руйхат, 66-нш, 23-варақ.

¹⁰⁵ Мисев Н. Туземная школа // Туркестанские ведомости, 1884. – 30 октябр.

¹⁰⁶ УЎР МДА, 47-фонд, 1-руйхат, 333-нш, 23-варақ.

¹⁰⁷ УЎР МДА, 1-фонд, 12-руйхат, 1-нш, 90-варақ.

фарзандлари Куръони Каримнинг ҳар бир сурасини бошлаганда устозига тўн келтирган.¹⁰⁸ Мактабни тугатганлар ўз имкониятига қараб, домлага зиёфат ва сарпо беришган¹⁰⁹.

Мактабда ўқиётган ўқувчининг муваффақияти учун ота-оналар домлани нон билан тақдирлаб турган. Қишлоқ мактабларида ўқиган болаларнинг ота-онаси эса домланинг иш ҳақи учун дон (ғалла) ёки мол беришган¹¹⁰. Умумий ҳолда ҳисоблаганда бир мактабдорнинг бир йиллик даромади (агар унда 20 нафар ўқувчиси бўлса) куйидагича бўлган: 10-16 сўм (40 тийиндан 1 сўмгача ҳар бир боладан ихтиёрий равишда); 1000 дона нон (унинг нархи 13 сўм) 48 ҳафта мобайнида (рамазон ойидан ташқари); 2 та тўн (4 сўм) буларнинг жами 27 сўм даромадди ташкил этган. Бу бир ойда 2 сўмлик даромадга айланган. Табиийки, бу пул билан оилани боқиб, тирикчилик қилиш мулла (ўқитувчи) учун етарли бўлмаган. Шу сабабдан ҳам улар ўқитувчилик билан бир вақтда масжидларда имом-хатиблик ҳам қилиб туришган¹¹¹.

Мактабдорлар болалардан “бўйра пули”, “кўмир пули”, “супурги пули” каби турли хил ўзига хос “тўловлар” ҳам олиб турган. Ўқувчилар томонидан ҳар пайшанба куни келтириладиган “пайшанбалик нони”¹¹² мактабдор домланинг асосий ҳақи ҳисобланган. “Пайшанбалик”дан бошқа, Куръон сураларидан “қуля”га ўтганда куймоқ, “амма”га ўтганда бўғирсоқ, “ёсин”га ўтганда юпка келтириш ҳам расм бўлган¹¹³.

Қишлоқ мактабдорига нисбатан шаҳарлардаги мактабдорлар анча билимли ва тажрибали бўлишган. Яхши тажрибали мактабдор домла ўз ўқувчиларига ҳуснихатни, яъни ёзиш-чизишни ҳамда оғзаки ҳисоблашни қисқа вақтда ўргата олган. Анъанавий мактабга бойларнинг боласи мунтазам қатнаб, ўқиш ва ёзишни ҳам ўрганиб олган. Аммо кўп камбағал оилаларнинг болалари мактабга вақтида қатнай олмай, хат-саводсиз қолиб кетган¹¹⁴.

Хулоса қилиб айтганда, XIX аср охири ва XX асрнинг дастлабки йилларида Бухоро амирлигида фаолият кўрсатган бошланғич мактаблар ўз иш тартиби, ташкил этилиши ва молиявий-хўжалик таъминоти жиҳатидан ўтган асрлар анъанаси ва даражасини

¹⁰⁸ ҶЗР МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 333-иш, 13-варақ.

¹⁰⁹ ҶЗР МДА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-иш, 23-варақ.

¹¹⁰ ҶЗР МДА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-иш, 21-варақ.

¹¹¹ Маев Н. Орден Хуфие // Туркестанские ведомости, 1874. – 16 апрель.

¹¹² ҶЗР МДА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 333-иш, 13-варақ.

¹¹³ ҶЗР МДА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-иш, 25-варақ.

¹¹⁴ ҶЗР МДА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-иш, 26-варақ.

мактаб қолган эди. Мактаблар халқнинг саводини чиқариш, араб алфавитида ўқиб ёзишни, арифметик ҳисобни ўзлаштиришга ўргатувчи маскан сифатида бу даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмади. Мактабларнинг ўқув дастури бошланғич диний таълим, ислом асослари, диний ибодат, ахлоқий тарбияга йўналтирилган, атроф-муҳит, жамият ҳақида ҳам тушунчалар берган. Аммо, мактабхоналардаги таълим усули, уларнинг моддий-молиявий таъминоти, ўқиш муддатлари, санитария-гигиена шароитлари талабга жавоб бермаслиги, уларнинг кўпчилиги хайрия ҳисобидан кен ҳусусий ва жамоат маблағлари асосида иш юритиши ва давлат омонидан таъминланмаганлиги, ўқув дастурида дунёвий билимларга эътиборсизлик, ўқитувчиларнинг билими етарли эмаслиги уларни замон талабларига ҳамоҳанг бўлишига имкон бермади.

2-§. Бошланғич таълим тизими муаммолари

Бухоро амирлигида ҳукм сурган ижтимоий сиёсий муҳит, мамлакатдаги таълим ҳолатида ҳам яққол акс этиб турарди. Сиёсий зулум ва маъмурий бошқарув каби таълим тизимида ҳам ҳамон ўрта синфларга мансуб усуллар ҳукмрон бўлиб, улар мамлакатнинг аракисий этишига тўсқинлик қилар эди.

Бухоро амирлигидаги бошланғич маълумот тизими ўзининг маъмурий ва услубий жиҳатидан бир қанча камчиликларга эга эди. Ўқитувчилик, бошланғич мактаблар замон талабидан орқада қолган, ўқитувчи усулининг самараси паст эди. Бундай ҳолат ўз даврида бу мактабларда савод чиқарган Садриддин Айний томонидан ҳам қайд қилинган бўлиб, бу ҳақда шундай дейди: “Таълим усули жуда эрибсиз эди. Биз ҳаммамиз қонда ва усулни билмасдан қийналар эдик”¹¹⁵. Мактабларда ўқитувчи усули эскириб, талабга жавоб бермас эди. Бу фикрни Файзулла Хўжаев ҳам давом эттириб, “амирликдаги анъанавий мактабларни ўрта асрдан қолган халқ таълими тизими” деб, қайд этади¹¹⁶.

Амирликда анъанавий таълим тизимида ҳамон ҳукм суриб келган қадимий усулдан бири бу ёдлаш, яъни ҳарфлар ва матнларни ўқитувчи овозидан олиб олиниб, такрорлаш усули ҳисобланган. У шундай чиқаришни қийинлаштириб, унинг чўзиб юборилишига олиб

Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. — Москва, 1926. — Б. 31.
Садриддин Ф. Иборатнома. В. 3-х. томах. — Ташкент: Фан, 1970. Т.1. — С. 88.

келарди¹¹⁷. Анъанавий бошланғич мактабларда ўқиш ва ёзишга бир пайтнинг ўзида ўргатилмаган,¹¹⁸ яъни ўқувчи ёзишга ўқишни тўлиқ ўзлаштириб олгандан кейингина ўргатилган¹¹⁹. Мактаб ўқувчилари “Сўфи Оллоёр”, баъзан “Хожа Ҳофиз” (аслида Ҳофиз девони) номли китобларни ўқий оладиган бўлганларидан кейингина “хатта тушган”. Ёзувга ўргатишнинг қачон бошланиши ўқитувчига ва ўқувчининг индивидуал қобилиятига боғлиқ бўлган. Бу ерда ягона тартиб-қоида мавжуд бўлмаган.

Анъанавий мактаблардаги муаммолардан яна бири ўқитувчиларнинг мактабда таълим олаётган ўқувчиларга нисбатан бир хил муносабатда бўлмаслигида эди. 1906 йилда эълон қилинган “Мусулмон мактабларида таълим” деб номланган танқидий мақолада: “Мактабларда дарс берадиган муаллимларнинг баъзилари бой кишиларнинг болаларини алоҳида диққат-эътибор билан ўқитадилар. Чунки бунга сабаб бойлар ўша муаллимларга катта катта ҳадялар бериб туришади. Бойларнинг болалари ҳам устозларига пул бериб туришади. Камбағал, фақирнинг болаларига эса деярли эътибор бермас эдилар. Бинобарин, бой кишининг боласини 2-3 йилда ўқиш-ёзишни биладиган қилишса, фақир болалари 5-6 йилда ҳам “Ҳафтияк”дан чиқмай, шу муддат ичида 4-5та “Ҳафтияк”ни йиртиб, дарсдан қочиб кетардилар”¹²⁰, - дей таъкидланган.

Мактабларнинг ҳолати ҳам замон талабларига жавоб бермас эди. Уларнинг моддий жиҳатдан таъминланмаганлиги ҳақида Туркистон ўлкасининг мактаб ва мадрасалар бўйича махсус инспектори В.П.Наливкин 1901 йилда қайд этишича: “Анъанавий мактабларда мактаб учун қурилган махсус бино деярли йўқ. Аксари мактабларнинг машғулоти масжидларда ёки тўғридан-тўғри масжиднинг айвонида ёхуд масжид ҳузурдаги хужрада ўтказилади чунончи текширилган 142 та мактабдан 109 таси масжидларда, 27 таси мактабдорлар уйида, 5 таси мазорлар ҳузурда ва қорихоналарда бўлиб, фақат битта мактабнинг махсус қурилган биноси бор”¹²¹. Демак, ўлка инспектори томонидан таҳлил этилган мактабларнинг 76,7 фоизи масжидларда, 19,0 фоизи домлаларнинг уйида, 3,5 фоизи эса мазор ва қорихоналарда, бор йўғи 0,8

¹¹⁷ ЎзР МДА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-иш, 92-парақ.

¹¹⁸ ЎзР МДА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-иш, 92-парақ.

¹¹⁹ ЎзР МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 333-иш, 6-парақ.

¹²⁰ // Туркестанская губернская газета, 1906. - 28 март.

¹²¹ ЎзР МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 601-иш, 153-парақ.

фонзитина махсус бинода бўлган. Бухоро амирлигида ҳам ахвол бундан яхши эмас эди.

Мактабхоналарнинг кўпчилиги махсус биноларига эга эмаслиги боис уларнинг санитария-гигиена ҳолати ва бошқа шарт-шароит ҳам талаб даражасида бўлмаган¹²². Болалар ўқийдиган коналар тор, ёруғлик етарли даражада эмас, ойна ёки деразаларидан ёруғлик тушмас, айрим ҳолларда уларнинг ўрнини кичкина туйнук бажарар, хонанинг ичкараси зах, қишда совуқ бўлар эди¹²³. Абдурауф Фитрат бошланғич мактабдаги бу ҳолатни ўз хотиралари асосида шундай таърифлаган: “Талабалар ўн йил қоронгу хона андуҳини чекиб, зах ҳавода ёки ноқулай шароитдаги жойларда ўтириб, сабоқ оладилар”¹²⁴.

Садриддин Айнийнинг анъанавий мактаб ҳақидаги хотираларида ҳам “мактабнинг деразасидан” дарсхонага ҳеч бир ёруғлик кирмас эди, деб таъкидланганлиги бежиз эмас эди¹²⁵. Мактабхоналарда болалар бўйра ёки похол устида чўкка тушиб, домлага қараб ўтирган,¹²⁶ хонанинг икки томони ва пойгак томони бўйлаб узун тахталар кўйиб қўйилган. Китоблар ана шу тахталар устига қўйиб ўқилган. Қишки қаттиқ совуқда мактабхона танчасига сулҳан ёқилган, болалар тутун ичида олдинма-кейин йўтала-йўтала “сабоқ ўқиган”. Ўтин-кўмир хонанинг бир бурчагида турган.¹²⁷

Мактаблардаги муаммолардан бири тартиб-интизомнинг бўлишида намоён бўлар эди. Мактабга одағда болалар уйларида намушта қилиб бўлганларидан кейин келиб, эшик олдида то домла келгунча, турли ўйинлар билан овора бўлганлар. Бу ўйинлар кўннича муштлашув билан тугарди. Мактабхонага дарс бошланганидан кейин ҳам болалар якка ҳолда ёки қўплашиб кириб кела беришган. Мактабхонада домла йўқ пайтларида болаларнинг ўғулони авжига чиққан, улар ўзаро кураш тушган, муштлашишган ва ҳоказо. Дарснинг бошланиши ва тугаши соатлари аниқ белгиланмаган ва назорат қилинмаган. Ўқувчиларнинг танаффус ва бўш вақтлари эътиборсиз қолдирилган.

Мактаб фаолиятидаги камчиликлардан яна бири муаллим, яъни домлаларнинг ишга масъулияти назоратга олинмаганлигида намоён бўлган. Уларни ўқув йили давомидаги фаолиятининг узлуксизлиги

¹²² УР МДА, 47-фонд, 1-руйхат, 333-нш, 23-варак.

¹²³ УР МДА, 1010-фонд, 1-руйхат, 66-нш, 93-варак.

¹²⁴ Фитрат А. Мунозара // Шарҳ юлдузи. – Тошкент, 1997. – № 1. – Б.149.

¹²⁵ Айний С. Эски мактаб. – Б. 140.

¹²⁶ УР МДА, 1010-фонд, 1-руйхат, 66-нш, 16-варак.

¹²⁷ Абдуллаев Й. Эски мактабди хат-савод ўргатиш. – Б. 24.

талаб этилмаган. Буни А.Фитрат қуйидагича изоҳлайди: “Ўқувчилар муаллимдан сабоқ оладилар. Муаллим ҳам “ўқи” ва “ўт”дан нарига ўтмайди, ҳеч ким парво қилмайдики, кечаги сабоқ ўзлаштирилдими, бугунги сабоқ тушунарли бўлдими ё йўқ”¹²⁸. Масжидлардаги ва хусусий уйлардаги мактаблар қандай осонлик билан очилган бўлса, шу тахлитда осонлик билан ёпилиши табиий ҳол эди. Бунинг учун ўқитувчининг масжидга келувчи намозхонлардан бири билан келиша олмай қолиши ҳам етарли бўлган. Мактаб ёпилиб, янги ўқитувчи топилгунча бир неча ой дарс бўлмаган, яъни ўқитиш фаолияти тўхтаган¹²⁹. Демак, ўқув жараёнининг узлуксизлигига риоя этилмаган.

“Мактаб ва мадрасалари бўлмаган, ёхуд бўлуб-да низом ва тартибга қўйилмаган миллатнинг ҳоли паришон, мозийси барбод ва истикболи қоронгу ва умидсиз бўладур. Бугун Бухорода қарийиб 350 қадар ибтидоий мактаблар бордур. Булардан ҳеч бириси тартиб ва интизомлик эмас”, - деб ёзган эди 1914 йилда “Ойина” журнали¹³⁰. Ушбу сўзларнинг муаллифи муаллим Ниёзий Ражабзода Бухоро мактабларининг замон талабига жавоб бера олмай қолганидан афсусланиб, уларни ислоҳ қилишга даъват этган.

Бухородаги аъъанавий (бошланғич) мактаблар фаолиятини йўлга қўйишда муайян дастур ва дарсликлар асосида ўқитишнинг ташкил этилмаганлиги ва назорат қилинмаганлиги¹³¹ ҳолати 1914 йилда Бухородаги сиёсий агентлик томонидан Туркистон генерал-губернаторлиги маъмуриятига йўлланган мактубда ҳам қайта айтилган¹³².

Бошланғич мактабларда болалар ёшига, ўзлаштирилган даражасига қараб алоҳида синфларга эмас, ўқиб турган китобларига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинган: тахтагонлар (яъни тахтага ёзилган алифбени ўрганаётганлар), абжадхонлар (яъни бўғинларни кўшиб ўқийдиганлар), ҳафтиякхонлар (бошланғич мактабда ўқув китоби ҳисобланган “Ҳафтияк”, яъни Қуръондаги сураларнинг еттидан бирини ўрганаётганлар), куръонхонлар (Қуръонни Каримнинг сураларини ўрганаётганлар) ва ҳоказо¹³³. Мактаб ўқувчилари синфдан синфга кўчирилмаган, эгаллаган билими

¹²⁸ Фитрат А. Мулозарра // Шарқ қолдизи. – Тошкент, 1997. – № 1. – Б.149.

¹²⁹ ЎзР МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 333-нш, 10-варақ.

¹³⁰ Ниёзий Ражабзода. Ибтидоий мактабларимизнинг тартибсизлиги ёхуд тараққиётнинг йўли // Ойина, 1914. – № 38.

¹³¹ ЎзР МДА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-нш, 93-варақ.

¹³² ЎзР МДА, 126-фонд, 2-рўйхат, 7397-нш, 3-варақ.

¹³³ ЎзР МДА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-нш, 19-варақ.

бақоланмаган, дарсни ўзлаштириш катъий талаб этилмаган, ўқувчилар давомати расман қайд этиб борилмаган.

Мактабда дарс намоз ўқиш, овқат ейиш, кимнидир дарсхонага кириб келиши ва бошқа сабаблар билан бўлиниб турган. Домла дарсхонада чой ичиб овқат еган, намоз ўқиган. Шу боис дарсхона кўпроқ домланинг уйига, хонасига ўхшарди¹³⁴. Мактабда бирор-бир ному-хунар йўқлиги, мактаб ва мадраса илми ўртасида боғлиқлик йўқлигини маҳаллий ҳукумат мансабдорлари ҳам эътироф этган¹³⁵.

Дарс жараёнда аввал пешқадам (илғор) болаларнинг сабоғи ўқитиб кўрилган, уларга янги сабоқ берилган, кейин ўрта китобхонлар билан шуғулланилган ва ниҳоят, куйи гуруҳдаги болаларнинг сабоғи ўқитиб кўрилиб, янги сабоқ берилган. Аммо ҳар кунги дарсни ўрта китобхонлардан бошлайдиган ёки дарсни мактабхонадаги болаларнинг ҳаммасидан бир бошдан сабоғини сураб, янги сабоқ беришдан бошлайдиган домлалар ҳам бўлган.¹³⁶ Бу соҳада мактабларда ягона тартиб амал қилмаган.

XIX аср охири ва XX асрнинг бошларида Бухородаги мактабларда ўқитиладиган усул усули қадим деб аталиб, унинг асл моҳияти ҳижолаб (ҳижжалаб), яъни бўгинлаб ўқишдан иборат эди. "Абжад"нинг ҳаммаси ва "Ҳафтияк"даги тахминан 13-14 сура ҳижо усулида ўқитилган. Сўзни ҳижо усулида ўқишда аввал сўздаги биринчи ундош ҳарфнинг номини, кейин иккинчи ундош ҳарфнинг номини айтиб, унга зарур ҳаракатни қўшиб, ҳижо ҳосил қилинган ва шу усулда навбатдаги ҳарфлардан ҳам ҳижо ҳосил қилиниб, кейин уларни бир-бирига уриштириб-қўшиб, бу сўз бир бутунлигича айтилган¹³⁷. Сўзларни ҳижо усулида ўқишда товуш эмас, балки шу товушни ифодаловчи ҳарфнинг номи асос қилиб олинган, сўзни товуш жиҳатидан таҳлил (фонетика) қилишга оид ҳеч қандай иш қилинмаган, товушларнинг қўшилиши болаларга тушунарли бўлмаган, болалар сўздаги ҳар бир ҳарф маълум бир товушни билдиришини мутлақо англамаган. Хуллас, ҳижо усулида ўқишга ўргатиш биринчидан, механик равишда бўлиб, айни бир нарсани қайта-қайта айтишга мажбур қилинган; иккинчидан, бола ўзи айтган сўзнинг маъносини сира билмай, мактабдордан (домладан) шиптганини такрорлай берган; учинчидан, бундай усулда ўқишга ўргатиш учун жуда кўп вақт кетган.

¹³⁴ УЎР МДА, 47-фонд, 1-руйхат, 333-ш, 66-варақ.

¹³⁵ УЎР МДА, 126-фонд, 2-руйхат, 7397-ш, 3-варақ.

¹³⁶ УЎР МДА, 1010-фонд, 1-руйхат, 66-ш, 19-варақ.

¹³⁷ УЎР МДА, 1010-фонд, 1-руйхат, 66-ш, 68-варақ.

“Хафтияк”, одатда, бир-икки йил ўқитилган. Бошланғич мактабда уни бошидан-охиригача ўқитилмаган, мактабдор домла зехни ўткироқ болаларни тезроқ Куръони Каримни ўқиниш ўтказган. “Куръонни араблар ва бошқа мусулмонлар ҳам мактабда тушунмай ёдлаб олар эдилар”, – деб ёзган эди В.В.Бартольд¹³⁸.

“Хафтияк”ни ўрганган ўғил болалар, уни асосан механик тарзда қайта-қайта айтиш билан ёд олишар, баъзан болалар уни бутунла тушунмасдан ёд олишар,¹³⁹ ҳатто айрим домлалар ҳам уни маъносини тўғри ва тўла тушунтириб бера олмас эдилар¹⁴⁰. Шои Фафур Фулом ёзганидек, 16 йилда ҳам “Хафтияк”дан чиқмаган йигитлар бўлган. Хафтиякхонлик шу қадар оғир бўлганки, ҳар би болла ўнлаб “Хафтияк шариф” китобини йиртиб, ишдан чиқарган¹⁴¹.

“Хафтияк”ни у ёки бу даражада, озми ёки кўпми ўрганган, яъни ёд ола билган ўқувчи “Чоркитоб”га ўтар эди. Албатта, бу китобдан мавзулар ва уларнинг мазмуни бошланғич мактаб ўқувчиларининг ёш хусусиятини ҳисобга олмаган эди. Шунинг учун ҳам болаларнинг маъносини тушунишга қийналар, айримлари эса, умуман тушунмас эдилар. Чунки, “Чоркитоб” арабий сўз ва иборалар билан шу даражада бойитилган эдики, уни тушуниш учун киши ўн билимдон, билагон бўлиши керак эди¹⁴². “Хафтияк” араб тилида “Чоркитоб” эса форс тилида ёзилган бўлса ҳам бухоролик болалар учун тушунарли бўлган. Бироқ анъанавий мактабда таълим берган ўқитувчи ва муаллим, домлаларнинг айримларининг чуқур билими эга эмаслиги таълим сифатини тушириб юборарди. “Мени муаллимлик қилган ва сабоқ берган домланинг ўзи ҳам бодарсларнинг савод чиқаришим учун қандай алоқалари борлигини билмаган”, – деб ёзган эди С.Айний¹⁴³. У айрим ҳолларда мактаб муаллимларнинг саводчилиқ ва билим даражаси ҳам етарли эмаслигини “Эски мактаб” асарида куйидагича баён этади: “Домла олдида турган тахтакчани олиб, унга алланималарни ёздида, дадамга кўрсатди. Дадам саводли киши эди, шунинг учун ҳам домланинг баъзи нарсаларига эътироз билдирди. Бошда домла дадамнинг сўзини кўнмади. Лекин дадам ҳам бўш келмай, сўзини ўтказди, шундан домла: “Ўзингиз тузатинг” деб тахтакчани дадамнинг олдида

¹³⁸ Бартольд В. В. Мусульманский мир. – Петроград, 1922. – С. 48.

¹³⁹ ЎзР МДА, 47-фонд, 1-руйхат, 333-нш, 15-а-арак.

¹⁴⁰ // Туркестанские ведомости, 1898. – № 32.

¹⁴¹ Фулом Ф. Тавлашган асарлар. – Тошкент: Бадрий адабиёт. 1953. – Б. 6.

¹⁴² // Туркестанские ведомости. – 1898. – № 32.

¹⁴³ Айний С. Эсдаликлар. – Тошкент: Ўз ССР давлат нашриёти. 1953. – Б. 34.

танлади. Дадам чўнтагидан пичоғини чиқариб, домла ёзган баъзи сўзларни ўчириб, бошқатдан ёзди”¹⁴⁴.

Туркистонда мактаблар фаолиятини кузатган халқ таълими назоратчиларидан бирининг ҳисобот маърузасида қайд этилишича: “Ўқувчилар китобга қараб, ҳеч нарсани тушунмай, ўқитувчининг биланд овозига жўр бўлишиб, ўзлари тушунмаган, билмаган араб ёки форс тилидаги диний китобни ўқишади. Турган гапки, бундай усул билан дарс ўтиш натижаси мутлақо қониқарсиздир; мактабда 5-6 йил ўқирини ўтказган ўқувчи ҳаттоки ўқий олмайди, чунки у китобда ёзилган нарсаларни такрорлашни ўрганган, ўзи такрорлаган сўзларни камдан кам ҳоллардагина тушунади. Кўп ҳолларда эса, сўзларни тўғри талаффуз этгани ҳолда, бармоқлари мутлақо бошқа жойдаги сатрларни кўрсатиб боради”¹⁴⁵. Бундай ҳолат Бухоро амрлиги айрим мактабларидаги ўқитиш тизимида ҳам мавжуд эди.

Бошланғич мактабда амалда бўлган таълим усулининг энг катта камчилиги-ўқитиладиган китобларнинг ўз она тилида бўлмаганлиги, яъни араб тилида бўлгани эди¹⁴⁶. Ҳатто форс тилида ёзилган адабиётларда ҳам арабий сўзлар жуда кўп эди. Ўқувчилар учун ўз она тилида ёзилган китоблар яратилмаган бўлиб, араб тилидаги китобларда бир парчани эркин ўқиб айтиб бера олмас, маъносини тушунира олмас эдилар¹⁴⁷. Бухородаги бошланғич мактаблардаги кўпга кўринган камчиликлардан яна бири – таълим жараёнида дунёвий билимлардан сабоқ бермаслик эди. Абдурауф Фитратнинг “Мунозара” номли асарида таъкидланишича, ўқитувчи ҳатто география фани нимани ўргатишини, қандай фан эканини ҳам билмаган¹⁴⁸.

“Бухоройи шариф” газетасида ёзилишича: “Бухоройи Шарифда ҳатто ўқитувчилар ҳам керакли билимларга эга эмас эдилар, улар ҳатто Бухоро шаҳри қайси ҳудудда жойлашганлигини ҳам билишмасди”¹⁴⁹. Юқорида қайд этилган ҳолатлардан шу нарса аниқлашлядики, Бухородаги аксарият бошланғич мактабларда дунёвий фанлардан, шу жумладан, география фанидан ҳам дарс берилмаган.

Бошланғич мактабларда хат ёзишга ўқувчилар етарли даражада қишни ўрганганларидан кейин ўтилганлиги сабабли кўп болалар бу

¹⁴⁴ Ушн жойда. – Б.142.

¹⁴⁵ Каров-Низов Т.Н. Очерки истории Культуры Советского Узбекистана. – С.60-61.

¹⁴⁶ Ушн МДА, 1010-фонд, 1-руйхат, 66-бет, 92-парақ.

¹⁴⁷ Навои В. Школа у туземцев Средней Азии // Туркестанские ведомости, 1898. – 8 августа.

¹⁴⁸ Фитрат А. Мунозара // Шарк юлдузи. – Тошкент, 1997. – №1. – Б.118.

¹⁴⁹ // Бухоройи шариф, 1912. – 27 март.

даражага етиб бормаган ва ўқишни тўла саводли бўлиш тугатмаган¹⁵⁰.

Аҳмад Донишнинг* хотирлашича, ўғил болалар мактабидан анча орқада бўлган қизлар мактабида кўпчилик ҳолатлари “Ҳафтияк”ни ўқиб, Қуръони каримдан 2-3 та сурани ўқиниб ўрганиш билан қиз болаларнинг ўқиш курси тугатилган¹⁵¹. Амир Садриддин Айнийнинг ёзишича, ўғил болалар мактабидан кўра қизлар мактабида яхшироқ ўқитилган. Қизлар мактаби сони ушбу болаларнинг мактабларидан анча оз, ҳар бир отинойда ўқиниб қизларнинг сони эса домлада ўқиган ўғил болаларнинг ярмидан анча кам бўлган. Қизларнинг кўпчилиги ҳатто мактабга бормаган.

Айрим ҳисоб-китобларга қараганда фақат Бухоро шаҳрида 16.350 нафар бола мактабга қатнаган¹⁵². Э.Қ.Орифжонови ҳисоблашича, Бухоро шаҳрида 20-25 минг нафар, бутун амирликда 50 минг нафарга яқин мактаб талабаси бўлган¹⁵³. Ўрта ҳисобда Бухоро шаҳридаги бир масжид мактабига 75 нафар, қишлоқлардаги ҳар бир масжид мактабига 40 га яқин бола қатнаган. Мадраса ҳузуридаги мактаблар каттароқ ва ўқувчилари кўпроқ бўлган. Масалан, Бухоро шаҳридаги имом Баҳри Ҳомид мадрасаси олдидан мактабда 200 ўқувчи савод чиқарган¹⁵⁴.

Мактабнинг яна бир муаммоли жиҳати ундаги ўқиш муддати билан боғлиқ эди. Мактаб дастурига кўра, дарсни ўлаштириш тегишли китобларни ўқиб, мантиқни ўрганиши учун қобилиятли ва иқтидорли ўқувчига 4 йил етарли бўлган. Лекин кўп ҳолларда ўқувчилар мактабхоналарда йиллаб ўқишган¹⁵⁵. Бунинг асосий сабаби ўқитиш усулининг талабга жавоб бермаслигида эди.

“Туркистон вилояти газетаси”даги “Мусулмон мактабларидан таълим” деб номланган мақолада мактаб ва мадрасаларни ислоҳ қилиш кераклиги уқтирилиб, қуйидаги фикрлар билдирилган: “Шаҳримизда мактаблар кўп, лекин уларнинг аҳволи яхши эмас. О...

¹⁵⁰ Наливкин В. Школа у түземцев Средней Азии // Туркестанские ведомости, 1898. – 8 августа.

* Аҳмад Дониш (1827-1897) – Бухоро ақли ўртасида Аҳмад мақлум, Аҳмади қалла номлари билан шукр қозонган Аҳмад ибн Носуриддин Дониш мадрасани тугатгач, Бухоро маърифатпарварлари орасида биринчи дардан маорифни ислоҳ қилишнинг амалий йўлларини таклиф қилган.

¹⁵¹ Дониш А. Наводир ул-вақо. – Тошкент: Фан, 1964. – Б. 58.

¹⁵² Каримов Р.Х. XIX аср охири - XX аср бошлари Бухорода маънавий ҳаёт // Бухоро тарих саҳифалари. Мақолалар тўплами. – Бухоро, 1999. – Б.49.

¹⁵³ Орифжонов Э.К. XX аср бошларида Бухоро маданияти: ҳақиқат ва афсоналар. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998. – Б.59.

¹⁵⁴ Суҳраева О.К. История городов Бухарского ханства: историко-этнографические очерки. – Ташкент Академии наук УзССР, 1958. – С.68-71.

¹⁵⁵ Наливкин В. Школа у түземцев Средней Азии // Туркестанские ведомости, 1898. – 8 августа.

ани мактабга топширса, мактабдорга бу ўғлимнинг “гўшти сизга,
сизни бизга” деб топширади. Ҳали аъзу, бисмиллоҳни айтмаган
бу қадар кўрқинчли сўзни эшитиб ва мактабдор домланинг
қўлидаги подачининг гавронидек келадиган калтакни кўриб
қўлдан чиқар ва дарсдан, мактабдан қочишга чора излаб юради.
Ишқдорлар мактабга бормай, ота-онасининг олдидан мен мактабга
кетганим, деб чиқиб, кўлидаги Куръон ва дафтарларини бирор жойга
қўриб, кечгача кўчада айланиб юради. Бунга асосий сабаб –
маълумларнинг тартиб ва тадбирсизлигидир. Чунки мазкур
маълумларнинг ўзлари ҳам тартибсиз муаллимлардан дарс
оқиналар ва шу билан бирга кўплари саводи яхши чиқмаган, ўқиган
китобининг охирига етмаган муаллимлардир. Баъзи муаллимлар
жасос етса, ўрнига унинг билими юқори даражада бўлмаган ўгли
муаллим бўлади”¹⁵⁶.

Нухородаги анъанавий мактаблардаги муаммолардан яна бири
Ўқувчи-болаларни жазолаш билан боғлиқ ҳолат эди. Маълумки,
Ўзбекистоннинг бошларига келиб Европа ва бошқа ривожланган
мамлакатларда таълим жараёнида болаларга тан жазоси бериш
таъқиқлаб қўйилган эди. Аммо, Бухородаги мактабларда бу ҳолат
аъунгача давом этар эди. Бу ҳолатни Абдурауф Фитрат қуйидагича
таъкидлайди: “Ўқувчилар бир муаллимдан калтак ва ҳақоратлар
кўриб, ҳар кун икки сабоқ оладилар”¹⁵⁷.

Мактабларда дарсларни ўзлаштирмайдиган ва мактаб
тизимини риоя этмайдиган болаларга нисбатан тан жазосининг
қўлланиши ҳақида Садриддин Айний шундай деб ёзади: “Домла
тизимини таёқ ёрдамида сақлаб турарди. Домланинг орқасида
қорғаси суяб қўйилган узун-қисқа бир неча таёқ турар эди. Ўзаро
инжаллашган болаларни таёқ билан урдирар эди”¹⁵⁸. Тартибни
бузган болаларга нисбатан жазо воситаси сифатида *фаллоқ*
қўлланилган. Фаллоқ – бир ярим газ узунлигидаги ёғоч бўлиб, бир оз
и ва икки боши бир тизимга бўлиб, унинг икки учи тугилган
шардир. Домланинг ёрдамчиси – халифа иштирокида тартиббузар
Ўқувчини жазолаганлар. Қори-Ниёзов анъанавий мактабда таълим
оқина вақтида уни ҳам фаллоққа боғлаб жазолаганларини,
қўлида эса, бир неча кун оёқларини босиб юра олмаганини

¹⁵⁶ Туркестанская туземная газета, 1910. – 26 февраля.
Фитрат А. Мунозира // Шарқ юлдузи – Тошкент, 1997. – № 1. – Б.149.
Айний С. Эски мактаб. – Тошкент: 1965. – Б. 141.

эслиди¹⁵⁹. С.Айний ва Қори-Ниёзов каби муаллифларнинг асарларини яратаётганида совет мафкураси таъсирида бўлганлигини ҳам унутмаслик лозим. Бироқ шундай ҳолатлар мактаблар фаолиятида учраб турганлиги аниқ.

Бошланғич мактабда болаларни калтаклаш, фаллоққа осини мош, жўхори донлари устига тиззаси билан ўтиргизиш¹⁶⁰, икки қўлини юқорига тикка кўтартириб, бир оёқда турғизиш каби жазовлар “тарбия”нинг энг таъсирли усуллари ҳисобланган. Мактабларда болаларнинг қаттиқ жазоланаётганлиги ҳақида Туркистон ўлкаси матбуотида ҳам хабарлар босилиб турган. Тан жазосининг айри турларини, чунончи боланинг товонини кесиб, орасига туз сепиб, фаллоққа осини қўллаган домлаларни амалдорлар тартибга чақириб турган. 1900 йиллардан бошлаб катта шаҳарлардаги мактабларда бундай турдаги тан жазоси қўлланилмаган¹⁶¹.

Мактабларда амалий аҳамиятга молик билимлар берилмаслиги ҳамда олинган билим ҳаётда, турмушда деярли қўлланилмаслиги энг катта камчиликлардан бири эди. Бундай ҳолатдаги мактабларда таълим-тарбия олган кишилардан, айниқса, амалдорлардан янгилик ва тараққиёт кутиш амри маҳол эди.

Улуғ мутафаккирларни тарбиялаб етиштирган анъанавий маҳаллий мактаблар XVII асрдан бошлаб жаҳон тараққиётида бутунлай узилиб қолганлиги, таълим-тарбия тизимидаги турғунлик ўз даврининг илғор фикрли кишиларини жиддий ташвишга солган. Масалан, ўша давр мутаффакир олими Аҳмад Дониш ўз асарларида мавжуд мактаб ва мадрасаларни тубдан ислоҳ қилиш кераклигини қайта-қайта таъкидлаб, Бухорода ҳам европача таълим тизими бўлишини орзу қилган, илм ва фан жуда орқада қолганлигидан афсусланган¹⁶². У мамлакатда кўпгина болалар тарбияга муҳтожлигини, агар булар “тарбият топмасалар уларнинг вужудларидан динга, Ваганга зарар етиши мумкинлигини”¹⁶³ куюниб эътироф этган. У ўзининг “Бухородан Петербургга саёҳат” номли асарида айниқса, “юқори мартабали кишилар масжидлар қошида амал қилиб турган бошланғич мактаб ўқитувчилари, сўнгра эса мадраса мударрислари берган таълим билан чекланиб

¹⁵⁹ Қори-Ниёзов Т.Н. Очерки истории культуры Советского Узбекистана. — М.: Академия наук СССР, 1955. — С. 57.

¹⁶⁰ ЎзР МДА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-шп, 22-ярақ.

¹⁶¹ ЎзР МДА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-шп, 23-ярақ.

¹⁶² Аҳмад Мақдуми Дониш. Рисола ё мухтасаре аз таърихи салтанати хоншоҳи маърифати. — Сталинобад: Нашрияти давлати Тоҷикистон, 1960. — 95 сак.

¹⁶³ Ушш жойда. — 3 сак.

биланлиги” жуда ташвишли ҳол эканлигини қайд этган¹⁶⁴. Аммо
таълим таракқийпарварларининг бу фикрлари ҳукумат томонидан
этиборга олинмади.

XX асрнинг дастлабки йилларида Бухоро амирлигида фаолият
кўрсатган бошланғич мактаблар давр талабига жавоб бермай қўйди.
Бунинг асосий сабаблари қуйидагича эди:

Биринчидан, Россия империяси билан Бухоро амирлигининг
муносабатлари туфайли ўрта асрлар бошқарув
тўғрисида хукмронлик қилган мамлакатга капиталистик
муносабатларнинг аста-секин кириб келиши қарор топди. Айниқса,
таълим соҳасида ривожлантириш учун Бухоро сармоядорларига
билимли, ҳисоб-китобни биладиган, янгича фикрлайдиган ёш
таълимчилар керак эди. “Садойи Туркистон” газетаси
таҳририда бухоролик М.З.Мирзозоданинг “Илм ва маориф” деб
номланган мақоласи эълон қилиниб, муаллиф томонидан Бухородаги
таълимнинг ҳақиқий ҳолати таҳлил этилади. “XX аср таълим, фан
ва техника асридир. Ҳеч бир миллат, халқ фан ва таълимни таракқий
кўрсатмасдан ривожлана олмайди. Айнан, мана шу фан ва таълим
ишончинг дин, миллат, она-Ватани танишида муҳим роль
ўйнайди” - деб ёзади Мирзозода¹⁶⁵. “Ойина” журналида эса шундай
этилади: “Бул асрни 20-чи аср дерлар. Бул асрда бул аҳволда
турмоқ боиси инқироздир. Ул, асри таракқийдурки, тик турмайуб
сайрат этгани яшатар ва илло маҳв этар. Эндиликда фақат улум ва
маорифнинг ривожига сазй ва қўшиш айласак, яъни ўқисак, ҳар иш
булур. Бу аҳволдалигимизнинг асли беилмлигимиздидур. Бас
бунинг иложи ўқимак! ўқимак! ўқимакдур!”¹⁶⁶.

Иккинчидан, Бухоро ва Россия империясининг ўзаро
муносабатлари барқарорлашиб борган сари маҳаллий сармоялар,
амалдорлар, зиёлилар Москва, Петербург, Нижний Новгород каби
Россиянинг йирик саноат ва маданият марказларига, Европа
шаҳарларига, Туркия ва бошқа мамлакатларга кўпроқ сафар қилиб, у
ердаги юксак таракқийнинг (Бухорога нисбатан) шохиди бўлдилар.
Улар бу ютуқларга дунёвий билимларга бўлган катта эътибор,
янгича ўқитиш тизими туфайли эришилганлигига ишонч ҳосил
қилдилар. Масалан, Мирзо Сирож Ҳаким 1902-1909 йиллар хорижга
сафарида қайтганидан бошлаб жадидчилик ҳаракатида фаол

¹⁶⁴ Амал Дониш. Путешествие из Бухары в Петербург. – Сталинабад: Таджикгосиздат, 1960. – С. 226.

¹⁶⁵ Мирзозода М.З. Илм ва маориф // Садойи Туркистон, 1914. – 18 июль.

¹⁶⁶ Шансий П. Улум ва маориф // Ойина, 1915. – №8.

равишда қатнаша бошлаган. Мирзо Сирож чет элларда бўлганида эрдaги таълим тизимини, хусусан, мактаб таълимини жуда яқин ўрганaди, Бухородаги анъанавий таълим билан уни таққослайди. “Европада мактаб ва мадрасаларни кўриб ёдимга ўзимиздаги мактаб ва мадрасалар келди, эсладим у юрагим ғам ва афсусга тўлди. Негизни миллатимиз илми шунча хор қилиб, уни тарк этади... Эрон уламолари илмга ва санъатга ғайратли, иштиёқли бўлиб, ҳамма шаҳарларида мактаблар очган. Техронда жадид анъанавий мактаблари, дорулмуаллимин, дорулфунун, сиёсий мадраса, ҳарбий мадраса, тиббий мадраса мавжуд. Муаллимлари Фарангистонда таълим олишган”¹⁶⁷. Мирзо Сирож анъанавий мактабларини европача таълим-тарбияни бухороликлар учун қанчалик аҳамиятли ва зарурий эканлигини тушунтиришда, тарғиб этишда жонбозлик кўрсатган.

Учинчидан, Бухоронинг сўнгги амирлари Абдулахадхон ва Саид Олимхонлар ҳам Россиянинг марказий шаҳарларида бўлиб, эрдaги тараққиёт даражаси билан танишиб, амирликда ислохотлар ўтказишни талаб қилаётган Россия империяси ҳукуматиға қаршилик кўрсатишга ожиз эдилар. Бундан ташқари, халқ таълимидa ислохотлар ўтказиш гоёси амирға яқин бўлган Останақул қўшбеги Насрулло қўшбеги ва Икромча домла кабилар дунёқарашидa мустаҳкам ўрин эгаллай бошлади.

Абдурауф Фитрат Бухорода таълим тизимида ислохотнинг амалға оширилиши зарурилигини куйидагича таъкидлайди: “Дарбериш усуллари хароб аҳволда. Замонавий эҳтиёжлар тақозосидан вокиф бўлган ўқитувчиларға эға эмасмиз. Бухоро ҳукуматидан умидворлигимиз шулки, мактаблар ислоҳини бизнинг нуқтаназардан бошласалар. Акс ҳолда бу мулк ҳолиға вой, бу миллат толеъиға афсус!”¹⁶⁸.

Абдурауф Фитрат кенг халқ оммаси ўртасида илм-маърифат тарқатишда жонбозлик кўрсатди. У халқнинг саодатға эришувини илм-маърифат ва мактаб-маорифда деб билди. “Ҳаёт йўлида биринчи масала – мактаб масаласидир” – деб ёзган эди Абдурауф Фитрат¹⁶⁹. Ушбу соҳани ислоҳ қилишнинг оташин тарафдори бўлган Фитрат ўз фикрини куйидагича баён этган эди: “Бундан буён ҳозирги ижтимоий қонунлар, замон тақозосича мактаб ва

¹⁶⁷ Мирзо Сирожиддин Ҳаким, Тухафи ахли Бухоро (Сафарнома). – Душанбе: Адиб, 1992. – 84-85 с.х.

¹⁶⁸ Фитрат А. Бухоро ҳукуматининг ислохотхона қадамлари // Ойина, 1915. – №8.

¹⁶⁹ // Хуррият, 1917. – №7.

шарасаларимизни ислоҳ қилмас эканмиз, ҳаёт муҳофазаси, миллият парваримиздан ожиз қоламиз”¹⁷⁰.

1914 йилда “Ойина” журналида “Дунёда мавжуд миллатлар тараққийни ибтидоий мактабдан бошларлар. Ҳақиқатан, тараққий ва тараққио учун биринчи йўл ва асос мактабдур. Мактаб ислоҳ қилинса шу муш ишлар ислоҳ ва тартибга кирди, деб бўладур”, – деб ёзган эди назоратчи муаллим Ниёзий Ражабзода¹⁷¹.

Файзулла Хўжаев анъанавий мактабларни танқид қилиб, кўндалаги таклифларни билдиради: “Халқ орасида маърифат тарқатмоқ учун халқ мактаблари, шу мактабларга ўқитувчилар тайёрлаш, барча типдаги ҳамма мактаблар учун дастурлар ишлаб чиқиш, шунингдек, уларни назорат қилиб туриш вазифаси юкланади. Ҳаммага мактаблар очиш ҳуқуқи берилсин. Вақфлар қарамоғидаги мактаблардан ташқари бу масалада ҳеч қандай чеклашга йўл қўйилмасин”¹⁷².

“Садои Туркистон” газетасининг 1914 йил 12 июль сонида номмаълум муаллиф томонидан “Ҳозирги Бухоронинг аҳволи” деб номланган мақола эълон қилинади. Унда Бухородаги ижтимоий-иқтисодий вазият ҳамда бошланғич мактаб ва маориф ишларининг икки нарсали ҳолати характерлаб берилган бу соҳадаги аҳвол, танқидий тақдир этилган¹⁷³.

Хулоса қилиб айтганда, Бухородаги бошланғич мактаблар аҳолининг савод чиқариши, диний ахлоқий тарбиясида муҳим ўрин эгалласа-да, таълим маскани сифатида XX аср бошларида замон талабларига жавоб бера олмас, унинг фаолиятида қатор жиддий муаммолар бор эди. Чунончи, мактаблар учун ягона ўқув дастури, ягона ўқув режаси мавжуд эмасди. Уларнинг ҳар бири ўз ҳолича фаолият кўрсатган, ўқув жараёни мажбурий режага асосланмаган ва бошланғич мактабларда таълим жараёни кўп жиҳатдан мактабдор болаларнинг фаолияти, иқтидорига боғлиқ бўлган. Ўқитиш, таълим-тарбия бериш усули замон талаблари даражасидан анча орқада олган. Ўтилган сабоқнинг мазмунини ўқувчиларга тўла ушунтириш, унинг моҳиятини очиб бериш ўрнига, асосий эътибор интиқлиқ ёд олиш, унинг мазмунини тушунмай, такрорлатишга қаратилган. Айниқса, ўқитишнинг ҳарфий усулига амал қилиниши, унинг фонетик ҳарфлар берадиган товушлар билан

¹⁷⁰ Фитрат А. Бухоро ҳукуматида ислоҳкорона қадамлари // Ойина, 1915. – № 8.

¹⁷¹ Ражабзода Н. Ибтидоий мактабларимизнинг тартибсизлиги ёхуд тараққийнинг йўли. – Б. 906.

¹⁷² Хўжаев Ф. Таълим ва асарлар. – Тошкент: Фан, 1976. 1 том. – Б. 136.

¹⁷³ Ҳозирги Бухоронинг аҳволи // Садои Туркистон, 1914. – 12 июль.

уйғунлашганлиги, ўқиш ва ёзиш барабар ўргатилмаслиги сано
чиқаришни мураккаблаштирган. Мактабларда санитария-гигиена
талабларига риоя қилинмаган, қолаверса, аксарият мактабларнинг
ўзи учун махсус ўқув биноси мавжуд бўлмаган; мактаблар, асосан
жамоатчилик, хайрия ва вақф мулки асосида молиялаштирилган.
Мактабларда она тилини эмас, балки кундалик ҳаётда ишлатилмаган
араб тили ва унинг грамматикасини ўргатилиши савод чиқариш
муаммосини тўла ҳал этмаган. Шунингдек, мактабларда атроф
муҳит, табиат ва жамият ҳақида дунёвий билимларга эътибор
берилмаган, асосий урғу ислом асослари ва диний ахлоқий
масалаларга қаратилган. Уларда олиб борилган таълим
жараёнларида болаларнинг психологик ҳолатлари ва ёш
хусусиятлари ҳисобга олинмаган. Айниқса, мактабхоналарда
болаларга нисбатан қўлланилган тан жазоси уларнинг руҳий
ҳолатига салбий таъсир кўрсатган. Мактабларни ягона дарслик
ўқув қўлланмалари билан таъминлаш паст даражада бўлиб, асосан
мактабдор домланинг ўзи томонидан қўлга киритилган китоблар
орқали машғулотлар олиб борилган.

И БОБ. ТАЪЛИМНИНГ ЮҚОРИ БОСҚИЧИ – МАДРАСАЛАР ФАОЛИЯТИ ВА УЛАРНИНГ МУАММОЛАРИ

1.4. Мадрасаларнинг қурилиши, моддий-хўжалик таъминоти ва фаолиятини ташкил қилиш масалалари

Анъанавий таълим тизимининг юқори босқичи-мадрасалар шариқатидаги илк маълумот Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асаридан берилиб, Бухоро шаҳридаги Форжак номидаги мадрасанинг 937 йилдаги ёнги пайтида ёниб кетгани¹⁷⁴ айтиб ўтилади. “Мадраса” сўзи асосий жиҳатдан “дарс берадиган жой”, “билимгоҳ”,¹⁷⁵ “ўқиш жойи”¹⁷⁶ деган маъноларни англатган. Ўрта асрларда Бухоро мадрасалари илм маскани сифатида нафақат Мовароуннахрда, балки Марказий Осиё, мусулмон шарқида ҳам машҳур эди¹⁷⁷. Мадрасани нафақат битирганлардан мамлакат бошқаруви, ҳуқуқ-тартибот ва таълим муассасалари учун кадрлар, уламолар етиштириш билан¹⁷⁸.

XIX аср охири ва XX асрнинг бошларига келиб Бухоро мадрасаларида нафақат Туркистон, балки Россия империясининг турли ўлкаларидан келган мусулмон аҳолиси вакиллари ҳам таълим учун эдилар¹⁷⁹. Фитрат, Файзулла Хўжаев, Садриддин Айний ва бонналарнинг маълумотларига қараганда, Бухоро мадрасаларида 1920 йилнинг охиригача четдан келган талабалар ўқишни давом эттиришлар. Амирликнинг чекка ва яқин атрофдаги туманларидан, қишлоқ ва бошқа мусулмон мамлакатларидан мадрасага ўқишга келганлар ҳам ўқишга қабул қилинганлар.

Энг йирик мадрасалар амирликнинг маркази Бухоро шаҳрида ҳамда Қарши, Гиждувон, Шаҳрисабз, Шеробод шаҳарларида, Марказий Бухоро бекликлари марказларида фаолият кўрсатган. Умуман, Бухоро амирлигида юзлаб мадрасалар мавжуд эди. Мадрасалар кичик, ўрта ва йирик мадрасалардан иборат бўлган.

Садриддин Айнийнинг қайд этишича, Бухоро мадрасаларининг асосий илм оламидаги нуфузи жуда юқори бўлиб, уларда таълим олган

¹⁷⁴ Абу Искр Мухаммад ибн Жалфар Наршахий, Бухоро тарихи / Форс-тожик тилидан А.Расулов таржимаси. – Тошкент: Фан, 1966. – Б. 84.

¹⁷⁵ Каринский О.М. Медресе Туркестанского края. – СПб., 1892. – С.3.

¹⁷⁶ Ур МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 333⁵-ши, 10-варик.

¹⁷⁷ Бондариков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865-1924). – М.: Наука, 1960. – С. 14.

¹⁷⁸ Ур МДА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-ши, 26-ваарак.

¹⁷⁹ Хўжаев Ф. Ташланган асарлар. – Тошкент: Фан, 1976. 1 том. – Б. 88.

уламоларнинг диний масалалардаги сўзлари Миср ва Ҳижозда ўқиганларнинг сўзларидан кўра мўътабарроқ ҳисобланган¹⁸⁰.

Ҳар бир мадрасалар уларнинг асосчилари номи билан аталган¹⁸¹. Ким мадрасани қурдирган бўлса, ушбу мадрасага унинг исми, қишлоқ жойларда мадраса қайси қишлоқда жойлашган бўлса, уша қишлоқнинг номи берилган¹⁸².

Мадрасалар қурилишига ҳукмдорлар катта эътибор қаратсаларда, улар хусусий хайр-эҳсон эвазига фаолият кўрсатган. Мадрасалар ҳолис хусусий мулк ҳисобидан қурилиши шарт бўлиб, хон ва амирлар, йирик амалдорлар томонидан бундай иншоотларни давлат мулкидан бунёд этилиши шариатга хилоф ҳисобланган¹⁸³.

Бухоро мадрасаларининг бинолари асосан пишиқ гиштдан икки қаватли¹⁸⁴ ёки бир қаватли қилиб қурилган¹⁸⁵. Одатда мадрасалар ички ва ташқи саҳнга, баланд ва мустаҳкам деворга ҳашаматли тоқ ва равоқларга эга бўлиб, баъзиларининг пештоқлари гумбазлари ва деворлари ранг-баранг кошинлар билан безатилган. Мадрасалар ички ва ташқи майдонига эга бўлган¹⁸⁶. Анъанавий тарзда унинг биринчи қаватида дарсхоналар, кутубхона, масжид, таҳоратхона, иккинчи қаватида эса талабалар яшайдиган хужралик бўлган¹⁸⁷.

Мадрасалар қуриш иши Бухоро амирлигида ўзига хос тарзда амалга оширилган. Асрлар оша бу иш билан шуғулланилганлик боис, бу борада бой тажриба ҳам шаклланиб бўлган эди. Шунинг учун Бухоро мадрасалари нафақат ўқув юрти, балки ўзига хос меъморий иншоот ҳам эди. Бухородаги Улуғбек, Мир Араб, Нодир, Девонбеги, Кўкалдош, Абдуллахон ва Абдулазизхон мадрасалари бебаҳо ва нодир меъморий ёдгорлик сифатида ҳозирги кунда ҳам машҳурдир.

Бухоро амирлигида энг машҳур ва нуфузли олий ўқув юрти бу Мир Араб мадрасаси бўлган. Мадрасанинг номи ҳам уни қурдирган шайх номи билан боғлиқ бўлиб, унинг тўлиқ исми Мир Араб Абдуллоҳ ал-Яманий бўлган¹⁸⁸. 1530 йилда бунёд этилган бу мадраса шаҳарнинг марказий қисмида қурилган, унинг баланд пештоқлари ва

¹⁸⁰ Айний С. Эсдаликлар // Асарлар, 5-жид. – Тошкент: Бадий адабиёт, 1965. – Б. 167.

¹⁸¹ ЎзР МДА, 47-фонд, 1-руйхат, 333^а-иш, 14-варақ.

¹⁸² ЎзР МДА, 47-фонд, 1-руйхат, 333^а-иш, 15-варақ.

¹⁸³ ЎзР МДА, 47-фонд, 1-руйхат, 333^а-иш, 14-варақ.

¹⁸⁴ ЎзР МДА, 323-фонд, 1-руйхат, 1-иш, 1-варақ.

¹⁸⁵ ЎзР МДА, 47-фонд, 1-руйхат, 333^а-иш, 10-варақ.

¹⁸⁶ ЎзР МДА, 1010-фонд, 1-руйхат, 55-иш, 1-варақ.

¹⁸⁷ ЎзР МДА, 47-фонд, 1-руйхат, 333^а-иш, 10-варақ.

¹⁸⁸ ЎзР МДА, 323-фонд, 1-руйхат, 16-иш, 1-варақ.

гумбазлари бўлиб,¹⁸⁹ шимолий гумбази ярим кошин билан қопланган, жанубий гумбази эса безатилмаган. Мадрасага занаматли баланд пештоқдан кирилган. Мадрасанинг ғарбий томони Масжиди Калон номи билан аталган масжидга туташган¹⁹⁰. Мадрасанинг режаси ва ундаги бинолар худди Улуғбек мадрасасидагидек жойлаштирилган. Мадрасада шайх Абдуллоҳ ва унинг қариндошлари дафн қилинган, шунингдек гўрхона ҳам мавжуд бўлиб, дабдабали қилиб безатилган. Мадраса билан масжид орасида шаҳар аҳолиси юрадиган йўл бўлган¹⁹¹. Мадраса қавлисининг чор атрофи икки қаватли хужралар билан ўралган. Мир Араб мадрасасининг вақфномасида қайд этилишича, бу ердан жуда ҳам кўп олим ва уламолар етишиб чиққан¹⁹².

Бухорода ҳукмдор бўлган хон ва амирлар томонидан ҳам қўллаб ҳашаматли мадрасалар бичо этилган. Масалан, шаибонийлардан Абдуллахон II ва манғитлардан Амир Ҳайдар Бухоро аркида мактаб, масжид, хонақоҳ, мадраса қурилишини қўллаб-қувватлаган¹⁹³.

Фақатгина XIX асрда 60 дан ортиқ мадраса қурилган¹⁹⁴ бўлиб, уларнинг орасида амир Насруллоҳ мадрасаси (1860 йилда), амир Музаффар мадрасаси (1868 йилда), амир Олимхон мадрасаси ҳукмдорлар томонидан барпо этилган. Ўзи қурдирган мадраса гуҳрида амир Олимхон шундай деб ёзган: “Бухоро минорасининг икки томонида ўз номидан Дори-л-улум – билим уйи бўлган бир мадраса қурдирдим, ҳар хил илмдан дарс берувчи муаллимлар тайин эттирдим. Мазкур мадрасада истиқомат қиладиган талабалар сарф-харажатлари, маош ва кийим-кечак ҳам ўз тарафимдан белгиланиб, унга бир нафар нозир тайин этдим. Уларнинг смак-ичмак, маош ва кийим-кечакларини муайян бир вақтда етказардим”¹⁹⁵. Бундан шунини аниқлаш мумкинки, бу мадраса қурилган вақтда амир Олимхон вақф мулкчи ҳақида таъминотида фойдаланганлиги ҳақида гап бормоқда. Демак, XX аср бошида мадраса таъминотида муносабат ўзгара бошлаган.

189 УР МДА, 323-фонд, 1-рўйхат, 16-нш, 1-парақ.

190 УР МДА, 323-фонд, 1-рўйхат, 16-нш, 1-парақ.

191 УР МДА, 323-фонд, 1-рўйхат, 16-нш, 1-парақ.

192 УР МДА, 323-фонд, 1-рўйхат, 16-нш, 1-парақ.

193 Анна Фон Кюгелген. Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков.

(VIII-XIX вв.) – Алматы. Изд. Дайк-Пресс, 2004. – С. 403.

194 Ренел Л.И. Далекое и близкое. Бухарские записи. – Ташкент. Литературы и искусства, 1981. – С. 4.

195 Амир Сайид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 8.

Мадрасаларнинг айримлари аёллар томонидан ҳам қурдирилган. 1700 йилда қурилган Биби Халифа мадрасасининг вақф ҳужжатида шундай жумла мавжуд: “Ифбатпанона исматдастгоҳ, зайн ул-машварат, аёллар шарафлиси, афифа, солиҳа сожида, ҳарамайн ул-шарифайнни ҳаж қилишга муяссар бўлган Ҳожи Биби Халифа бинти мархуми мағфури ғариқ ур-рахмат ва ризвон Мулла Муҳаммад Саъид Бухорода ҳазрат қутб ул-ақтоб (мир Таҳур девон) масжид ва хонақоҳи гузариди мадраса қуриштириши киришти”¹⁹⁶. Мадраса тош, пишиқ гишт ва ёғочдан қурилиб, унинг 30 та ҳужраси, 4 та гумбази, дарсхона, ички ва ташқи ҳовлиси бор эди. Айрим манбаларда айтилишича, ушбу мадрасада фақат қизлар ўқитилган экан¹⁹⁷.

Болойи Ҳовуз мадрасасини ҳам аёл киши қурдирган. Ушбу мадрасани Бухоро хони Субҳонқулихоннинг Подшоҳбиби исмаилогитини 1703-1704 йилда қурдирган¹⁹⁸. Подшоҳбибининг иккинчи номи Ситорайи Моҳ хоним бўлган. Мадрасанинг вақф ҳужжатида айнан “Ситорайи Моҳи Хосса мадрасаси вақфи” деб ёзилган. Тарихдан маълумки, амир Саид Олимхон ҳам 1911-1915 йилларда худди шундай ном билан шаҳарнинг четроғида сарой қурдирган. Шунинг сабабли Ситорайи Моҳи Хосса деганда, амир Олимхон қурдирган сарой ҳам англашилади.

Бухоро қалъасидан ташқарида, Жўйбор мавзесининг ғарбида жойлашган мадрасани 1790 йилда Муҳаммадхон Элбарсхон қуриб Ойшабиби қурдирган. Мадрасанинг ичи, ҳовлиси ва ҳужраларининг ҳаммаси пишиқ гишздан бўлган. Бу мадраса Нафас кишлоғидаги энг машҳур мадрасалардан бири ҳисобланган. Ойшабиби Мудрид кишлоғидаги тўртбурчакли, 150 таноб (бир таноб-3600 кв. га эгиз ерини ҳам мадраса хизмати учун берган)¹⁹⁹.

Бухоронинг охириги қози калонларидан бири бўлган Садри Зиё ўз асарларида Бухоро шаҳридаги 204 та мадрасани тадқиқ этган. Унинг ёзишича, Бухорода қуйидаги мадрасалар аёллар номи билан аталган: Сарой Ойим мадрасаси, Зубайда Ойим мадрасаси, Манган Ойим мадрасаси, Биби Халифа мадрасаси, Модарихон мадрасаси, Шарофатбону мадрасаси, Қалмоқжон Ойим мадрасаси, Чучуқ Ойимнинг Сангин мадрасаси²⁰⁰.

¹⁹⁶ ЎзР МДА, 323-фонд, 1-рўйхат, 55/18-нш, 1-варақ.

¹⁹⁷ ЎзР МДА, 323-фонд, 1-рўйхат, 55/18-нш, 1-варақ.

¹⁹⁸ ЎзР МДА, 323-фонд, 2-рўйхат, 113-нш, 4-варақ.

¹⁹⁹ ЎзР МДА, 323-фонд, 1-рўйхат, 5-нш, 1-варақ.

²⁰⁰ Муҳаммад Али Балъузоний. Тарихи Нофисий // Тоғки тилдан таржима, сўз боши ва исомлар муаллифлари. Шодмон Бобоход, Зоир Чориев. – Тошкент: Академия, 2001. – Б. 86-102.

1900-1920 йилларда Бухоро шаҳрининг нуфузли кишилари ҳам бар қанча мадрасалар қурдирганлар ва уларнинг фаолиятини таъминлаш учун вақф мулкани васият қилиб қолдирганлар. Масалан, Обиравон маҳалласи ва Масжиди Баланд маҳалласида номаълум бой томонидан саккиз хужрадан иборат мадрасалар, Қомухтарон маҳалласида чоржўйли бой, Авлиёйи ғариб маҳалласида Дамла Рўзи, Тўпахон маҳалласида Бақобой, Хўжа Рофе маҳалласида Мирик бой Жўра чаңглоқ (32 хужралик), Замуча маҳалласида Шайхонлик Мулю Султон (2 хужралик), Дилқушойи дарун маҳалласида номаълум кексайган аёл, Мир Тахури девон маҳалласида Хўжа Қурбон исми тўрқов, Кокида маҳалласида Абдуҷафар бой, Қосагарон маҳалласида шаҳрисабзлик Йўлдошбой ва бозор оксоқоли Шайхон оксоқол ҳаммаси бўлиб 12 та мадрасани қурдирганлар²⁰¹.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Бухоро мадрасаларининг энг машҳурлари сифатида Кўкалдош, Мири Араб, Абдуллахон ва Баргарон мадрасалари кўрсатилади²⁰². Абдуллахон мадрасаси икки хаватли бўлиб, тўртта фонус билан ёритилган. Биринчи ва иккинчи хаватларда саккизта фонус бўлиб, ҳар бир фонусда 16 мураббаъ хўжа қурилган. Пештоқнинг баландлиги 45 аршин (71,12 см х 45 = 32 м) келади.

Бухоро шаҳридаги кўп мадрасалар ёнида масжидлар бўлиб, XX асрнинг бошларида бу ерда 360 та беш вақт намозлик ва 18 та жомеъ масжиди ишлаб турган²⁰³. Айрим мадраса ва масжидлар ўртасида девор тортилган. Мадраса талабалари масжидга осон кириб чиқибларини таъминлаш мақсадида кичкина дарча — эшик очилган²⁰⁴.

XIX асрнинг охирларида Бухоро амирлигининг ягона рус бажона тизимига киритилганидан кейин Россия империяси ҳукумати амирлик чегараларини “қўриқлаш” баҳонаси билан Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Хитой (Қашқар)дан, Россия худудидан (Кавказдан, Қрим, Татаристон, Шимолий Кавказдан) келадиган мусулмон талабаларининг ўқишига турли йўллар билан тўсқинлик қилишга астойдил ҳаракат қилади. Сийёсий агентликка Россиядан Бухоро мадрасаларига ўқишга келадиган ёшларнинг сонини анча қамийтириш тўғрисида махсус кўрсатма берилади. Натижада мадраса талабаларининг сони йилдан-йилга камайиб борган. Агар

1. Сулҳова О.А. Квартальная община раннефеодального города Бухары. — М.: 1975. — С. 75-98.

2. Ахмед С. Қисқача тарихий ҳолим // Асарлар. 1 том. — Б. 77.

3. Мухаммад Али Балқувоний. Кўрсатилган асар. — Б. 77-78.

4. Сулҳова О.А. Бухара XIX — начала XX в. — Москва: Наука, 1966. — С. 304.

Шохмурод амирлиги (1785-1800 й.) даврида мадрасаларда 30 минг талаба таҳсил олган бўлса, XX аср бошига келиб, уларнинг умумий сони 10 минг муллаваччани ташкил этган²⁰⁵. Аммо амирлик ҳукумати Бухоро мадрасаларида Россия фуқароларининг келиши ўқишини таъқиқлаб қўйиш мусулмон халқларининг норозилигини сабаб бўлиб, тартибсизликлар келиб чиқишидан хавфсираб, бу жараёни бутунлай тўхтата олмаган²⁰⁶.

Бу даврда Бухоро мадрасаларининг сони ҳақида турли манбаларда ва асарларда турлича маълумот қайд этилади²⁰⁷. Н.Хаников мадрасалар сонини 180-200 та, талабалар сонини эса 15-16 минг нафар деб кўрсатган²⁰⁸.

XIX аср охири ва XX асрнинг бошларида Бухоро амирлигидаги мадрасалар сонини ўша даврда яшаган Абдурауф Фитрат ва Садриддин Айний 200 та, Садр Зиё 204 та, Муҳаммад Али Балжувоний эса 400 та деб кўрсатади. Хуллас, турли маълумотлар умулаштирилганда Бухоро амирлигида 200 дан 400 тагача мадраса мавжуд бўлган. Бухоро амирлигига қўшни, илгари мамлакат таркибида бўлган Самарқанд вилоятида 217 та мадраса бўлганлиги назарда тутилса, амирликда 400 тага яқин мадраса мавжудлиги ҳақиқатга анча яқинлиги маълум бўлади²⁰⁹. Туркистон генерал-губернаторлиги ҳисоботи билан боғлиқ архив ҳужжатлардан бирида 1914 йилда Бухоро амирлигида 350 та мадраса фаолият кўрсатаётгани қайд этилган²¹⁰.

Шунингдек, О.А.Сухареванинг фикрича, биргина Бухоро шахрининг ўзида 133 мадраса бўлган²¹¹. Яна бир тадқиқотчи Л.И.Ремпель XX аср бошларида Оренбургда чиқадиган "Шўро" журналининг маълумотларига асосланган ҳолда Бухорода олий даражадаги мадрасалар - 34 та, ўрталари - 35 та, қуйилари эса - 100 тадан ортиқ бўлганлигини кўрсатиб ўтади. Демак, фақат Бухоро шахрининг ўзида 170 тадан ортиқ мадраса бўлган.²¹²

Мадрасалар катта ва кичик хужралардан иборат бўлган²¹³. Архив маълумотларига қараганда, Бухоро мадрасаларида хужра

²⁰⁵ Ремпель Л.И. Далёкое и близкое. Бухарские записки. – Ташкент: Литературы и искусства, 1981. – С.4.

²⁰⁶ ЎзР МДА, 3-фонд, 1-руйхат, 361-иш, 21-варақ.

²⁰⁷ Мирзо Олим Мақдун Ҳоҷи. Тарихи Туркистон. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – Б. 191.

²⁰⁸ Хаников Н.В. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843. – С.223.

²⁰⁹ ЎзР МДА, 47-фонд, 1-руйхат, 955-иш, 257-варақ.

²¹⁰ ЎзР МДА, 461-фонд, 1-руйхат, 1720-иш, 76-варақ.

²¹¹ Сухарев О. К истории городов Бухарского ханства. – Ташкент: Изд. Академии наук Уз ССР, 1958. С. 57.

²¹² Ремпель Л.И. Далёкое и близкое. Бухарские записки. – Ташкент: Литературы и искусства, 1981. – С. 97.

²¹³ ЎзР МДА, 323-фонд, 1-руйхат, 55/16-иш, 1-варақ.

олган талаба куйидагича шартномани имзолаган: “1917 йилда Мулло Шоди валади Сўфиназар Бухорои Шариф дорул қозисига келиб, Абдушукур мадрасасининг жанубий томонидаги ластки хужрани шариатда саҳиҳ бўлганини иқрор қилганини ва хужра ичида бўлган шик, асбоблар ва бошқа хўжалик нарсалари борлигини, яшайдиган одамларнинг ҳам борлигини, уларга, ҳеч қандай нуқсон ва қусур ёқанилмаганини бир қанча гувоҳлар олдида иқрор қиламан.”²¹⁴

Мадрасалардаги шарт-шароитлар ҳақида Садриддин Айний шундай маълумотлар қайд этган: “Кўпчилик мадрасаларнинг асосий тузар жойлари – хужралари ғоятда тор, қоронгу бўлиб, кўпчилиги яқин кишининг ётиб туришига зўрга кифоя қиларди. Бу хужраларнинг кўпчилиги бир эшиклик ва олди равоқлик бўлиб, одам ҳам, ҳаво ҳам, зиё ҳам ўша бир эшикдан киради. Ош пишириладиган ўчоқ, сув идиши, юз-қўл ювиладиган жой, ўтин, кўпинча мой, гуруч, таби-пиёз каби озиқ-овқат захиралари ҳам шу тор хужрага жойлаштирилар эди”²¹⁵.

Хуллас, Бухоро мадрасалари бир вақтнинг ўзида талабалар учун ётоқхона вазифасини ҳам ўтарди.²¹⁶ Хужраларда одатда йиқитадан,²¹⁷ айрим мадрасаларнинг хужрасида биттадан талаба янаган. Масалан, Абдурахмонбой мадрасасида 9 та хужра бўлиб, уларда 9 нафар талаба таҳсил олган²¹⁸. Бухоро мадрасалари ўзининг хужралари сони билан бир-биридан фарқ қилган. Бизнинг замонамизгача етиб келган ва вақф хужжатларида сақланиб қолган маълумотларнинг умумий таҳлили шуни кўрсатадики, мадрасаларнинг хужралари сони турлича миқдорда бўлиб, ягона меъёр бўлмаган.²¹⁹

*Бухоро шаҳридаги айрим мадрасалар рўйхати.*²²⁰

	Мадрасанинг номи	Хужралари сони
1	Кўкалдош	150
2	Абдуллахон	141

²¹⁴ УЎР МДА, 2678-фонд, 2-рўйхат, 33-шп, 1-варақ.

²¹⁵ Айний С. Эскидакилар // Асарлар. – Тошкент: 1965. V жилд. – Б. 160.

²¹⁶ УЎР МДА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-шп, 27-варақ.

²¹⁷ УЎР МДА, 323-фонд, 1-рўйхат, 55/19-шп, 1-варақ.

²¹⁸ УЎР МДА, 126-фонд, 1-рўйхат, 1990-шп, 6-варақ.

²¹⁹ УЎР МДА, 323-фонд, 1-рўйхат, 2-шп, 1-варақ.

²²⁰ УЎР МДА, 323-фонд, 1-рўйхат, 2, 19, 32, 37, 43, 44, 50, 52, 55/2, 55/12, 5/17, 60, 104, 105, 106-шплар; Имомид Али Балжундий. Кўрсатилган асар. – Б. 90-100; Муёв Саиджон. Бухоро шаҳри ва эски бинолари // Шариф ва ўқитувчи. 1927. – №6; Айний С. Қисқача таржман ҳолим // Асарлар, 1 том. – Б. 37.

3	Абдуллоҳхон	140
4	Аскарбий	121
5	Мир Араб	111
6	Аҳмаджон пўстиндўз	110
7	Абдулло Баҳодурхон	64
8	Амир Насрулло ибн амир Ҳайдар	40
9	Раҳматқули Қорақўлбек	37
10	Қози Латиф	25
11	Муҳаммад Жаъфар Хўжа Нокиб ибн Муҳаммад Қамархўжа Нокиб	19
12	Дору-ш-шифо	18
13	Саид амир Насрулло ибн амир Ҳайдар	13
14	Ҳожи Абдулло ўгли Ҳожи Муҳаммад Нихол	12
15	Мирзо Убайдулло ибн Мирзо Неъмат	11
16	Сайид Амир Ҳайдар ибн Амир Маъсумхон	10
18	Ҳожи Муҳаммад Қосим Қошғари ибн Муҳаммадёрбой	8
19	Қори Абдусалом	7
21	Абдулмўминбой	5
22	Бобожонбой	4
23	Искандархон Аталмиш	3
24	Аминжон Жонқут	2

Мадраса фаолиятининг иқтисодий манбаини вақф мулкни ташкил этган. Одатда вақф мулкнинг катта қисмини ер мулклари (экин ерлари) ташкил этган. Масалан, Бозори Гўсфанд мадрасасига Нурато (Нурота), Шаҳрисабз ва Бухоронинг 20дан ортиқ қишлоқларининг экин ерлари вақф қилиб берилган эди.²²¹

Мадрасалар қурилгач, у мадраса бошқарувчиси (мутавалли)ни топширилган ва уни қурдирган шахснинг тасарруфидан чиқарилиб вақф мулкига айлантирилган. Чунки шариятга мувофиқ вақф мол мулк бўлмайди, биров уни эгаллаб, мулк қилиб туролмайди.²²²

²²¹ Мусо Саиджонов. Бухоро шаҳри ва эски бинолари // Маориф ва уюлгувчи. 1927. — №3.

²²² УшР МДА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-нш, 23-варак.

Вақфдан келган фойдани вақфга тегишли ерларни таъмирлаш, тузатишга сарф қилинади²²³.

Мадрасалар кичик, ўрта ва олий мадрасалардан иборат бўлиб²²⁴, йирик мадрасаларда вақфдан тушадиган йиллик даромад 40.000-250.000 тангани ташкил этган²²⁵. Ўрта мадрасаларда эса вақфдан тушадиган йиллик даромад 120 тангадан 3500 тангагача бўлган²²⁶. Вақфдан тушадиган йиллик даромад кичик мадрасаларда 500 танга атрофида бўлган. Абдурауф Фитрат эса мадрасаларнинг вақф мулкидан оладиган жами даромади ҳақида куйидаги маълумотни қайд этади: “Бухоро мадрасаларидаги олий табақадаги мадрасаларнинг вақф миқдори 2.815.000 тангага, ўрта тоифадаги мадрасаларнинг жами вақф миқдори 961.000 тангага ва ниҳоят, куйи тоифага мансуб мадрасаларнинг вақф миқдори 500.000 тангагача этган”²²⁷.

Кўпинча вақфномалар ҳар ўн йилда янгиланиб борилган. Мир Араб мадрасасининг бир вақфномасида: “Ҳар ўн йилда мутавалли катта-катта олим ва фузалоларни мадрасада йигиб, мажлис қилиб, вақфномада ёзилган нарсаларни мажлис аҳлига тақдим қилсин. Ва тилоп қилсинки, ўша шаҳарнинг ислом қозисининг амри ажариллади. Ўша мажлисда қозининг ҳукми билан вақфнома қайта янгилансин. Ўзувчи ва қоғозларнинг ҳақини мадраса ёки вақфлардан ҳосил бўлган маблағдан берсин. Янгиланган ҳужжат қозининг ифтиарида қайд қилинсин.”²²⁸ - деб ёзиб қолдирилган. Вақф қилувчидан бошқа ҳеч бир кишининг вақфни ўзгартиришга ҳақи бўлмаган.²²⁹

Бухородаги мадрасаларнинг вақф ҳужжатларида қайд этилган тартиб-қоидалардан айримларини мисол сифатида келтираемиз. Абдуллахон мадрасасининг вақф маблағини Фитрат 50 минг танга деб таъкидлайди²³⁰. Вақф мулкидан тушган маблағ куйидагича тақсимланган. Энг аввало, маблағ мадраса биносини доимий равишда таъмирлаб боришга сарфланган. Қолган маблағнинг бешдан бир қисми (хумс) икки нафар мударрисга иш ҳақи сифатида берилган. Вақф мулкини бошқарувчига (мутаваллига) қолган

1. Мухтаров. - Тошкент. Қўллон, 1994. - Б. 24.

2. Ур МДА, 47-фонд, 1-руйхат, 333^а-иш, 20-варақ.

3. Дурноуков Н.П. Исламоведение. Введение в курс исламоведения. - Тошкент, 1914. - С.167.

4. Янниб Мансур Олимий. Бухоро-Туркистон бешинги / Форс тилидан Х.Тўраев таржимаси. - Бухоро, 2004. -

Б. 14.

5. Фитрат А. Ҳинд сайёҳи қиссаси // Шарҳ қолдузи. - Тошкент, 1991. - № 8. - Б. 14.

6. Ур МДА, 323-фонд, 1-руйхат, 15^а-иш, 1-варақ.

7. Ур МДА, 323-фонд, 1-руйхат, 16^а-иш, 1-варақ.

8. Фитрат А. Ҳинд сайёҳи. Қўрсатилган асар. - Б. 15.

маблағнинг 20 дан бир қисми (нисфи ушр) ажратилган. Шунингдек, мадрасада имомга йилига 200 кумуш танга, муаззинга 100 танга, навбат билан хизмат қилган уч нафар фаррошнинг ҳар бирига 60 танга, масжидни ёритишга (шам, чироқ учун) 24 танга, наमत ва бўйра сотиб олиш учун 60 танга сарфланган. Ниҳоят, юқоридагилардан қолган маблағ мадраса талабалари ўртасида тақсимланган²³¹.

Йирик мадрасалардан бири ҳисобланган Мир Араб мадрасасининг вақф маблағи эса қуйидагича тақсимланган: мутаваллига бериладиган маош вақфлардан ҳосил бўладиган маблағларнинг ўндан бирини ташкил этган. Қолган маблағни мадраса биносига, агар зарурат бўлса ва маблағ ортиб қолса, учдан бири мадрасанинг ходимларига (мадрасани доим муҳофазасида қоим бўлган, сув билан таъминлаб берган кишиларга) берилиши керак бўлган²³². Муфтийлар, муаззинлар, имомлар ва мадрасада шаръий илмлардан дарс берадиган мударрисларга вақфдан йил давомида тушган маблағнинг учдан биридан ҳосил бўладиган олтидан бир улуши берилган. Муфтийларга бир йилда (уч муфтийнинг ҳар бирига) бир мисқол, 100 нуқра тангаси берилган²³³. Шунингдек, вақф маблағидан имом, мутавалли ва муаззинга маош ажратилган. Шулардан ортиб қолган маблағ мадрасада таълим олувчи толибий илмларга берилиши кўрсатилган.²³⁴

Мадрасалар ҳисобига вақф ажратилган вақтда харажатлар ҳам назарда тутилган. Масалан, Бухоро музейида сақланаётган вақфга доир ҳужжатда мадрасани таъмирлашдан ортиб қолган даромаддан китоблар сотиб олиш учун йилига 150 танга, кутубхона китобларини таъмирлаш ва янги китоблар сотиб олиш учун йилига 80 танга ажратилиши белгилаб қўйилган. Бундан ташқари дарсхона ва масжидга бўйра, шам олиш учун ҳам муайян миқдорда маблағлар ажратилган. Вақф эгасининг шarti бўйича шу даромаддан мадраса талабалари мударрис томонидан белгиланган миқдорда ғалла билан таъминланиш, мударриснинг ўзи эса даромаднинг тўртдан бир қисми ҳажмида маош олиши белгилаб берилган²³⁵.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, вақф қилувчи вақфномада ўзининг ўғил-қизлари ва қариндошлари манфаатини ҳам ўйлаган

²³¹ ЎзР МДА, 126-фонд, 1-руйхат, 1995-иш, 3-варақ.

²³² ЎзР МДА, 323-фонд, 1-руйхат, 16^а-иш, 1-варақ.

²³³ ЎзР МДА, 323-фонд, 1-руйхат, 16^а-иш, 1-варақ.

²³⁴ ЎзР МДА, 323-фонд, 1-руйхат, 16^а-иш, 1-варақ.

²³⁵ Бухоро Девлат меъморий-бадий музей-кўрникхонаси қўлёзма фонди, 11006/11 инвентар.

Масалан, Мир Араб мадрасасининг бир вақфномасида: “Ана шундан ортиб қолган маблағнинг учдан иккисини вақф қилувчи қатратларининг ўғил ва қиз фарзандларига, ҳар бир ўғил ҳақини икки қиз ҳақи барабариди тақсимлаш, вақф қилувчининг авлодларидан биронтаси ўлса, унинг ҳақини фарзандларига берилиши, вақф қилувчининг авлодларидан биронтаси фақирлик ҳолига тушса, мутавалли барчасига ҳақларини бергандан кейин ортиб қолган пуллардан фақирларнинг ҳақига риоя қилиб яна кўшиб бериши ҳақида ёзиб қолдирилган”²³⁶.

Айрим ҳолатда мадрасаларда вақф маблағини суистеъмол қилиш ҳолатлари ҳам учраб турган. Абдурауф Фитратнинг ёзишича, айрим мадрасаларда (масалан, Говкушон мадрасаси) мударрислик қилувчилар муллабаччаларга вақф маблағини улашиш жараёнида суистеъмолчиликка йўл қўйган, яъни муллабаччалар сардорига шерикларидан бир нечасининг исмларини ортиқроқ ёзишни буюрган ва уларга тақсимланган пулни қайтариб олган”²³⁷.

Айрим мадрасалар учун мансабдор шахслар, бозорлар ва карвонсаройлар томонидан маълум миқдорда маблағ ўтказиб турилган. Масалан, XIX асрнинг ўрталарида йирик мадрасалардан бири ҳисобланган Кўкалдош мадрасасига Нўғай карвонсаройи томонидан йилига 240 тилла ҳажмидаги маблағ ўтказиб турилган”²³⁸.

Мадрасаларнинг молиявий таъминоти учун турли кўринишдаги вақф мулклари ажратилган. Масалан, Бухоронинг ўз даврида энг машҳур ва бой бўлган мадрасаларидан бири Абдуллахон (ғарбий) мадрасасининг вақфномасида унга ажратилган вақф мулклари ҳақида шундай маълумот кўрсатилган: Муҳаммад Султон масжиди ҳақида 7 та, анорфурушлар бозори олдида 6 та, бошқа тарафида 9 та, Ёллом дарвозаси олдида 4 та, Муҳаммад Султон масжидининг бошқа тарафида 6 та, Амир Жанолибий масжиди кўчасида 6 та, Регистон ҳаммоми ёнида 8 та ва улардан ташқари яна 56 та турли дўкон; Охани бозори яқинидаги, Говкушон ҳамда Ғозиён ҳаммомлари ва яна 32 та ҳар хил дўкон вақф қилинган эди. Булардан ташқари, Гиждувон тумани ва Насаф вилоятида ҳам ер ва дўконлар Абдуллахон мадрасасига вақф мулки қилинади”²³⁹. Мадрасанинг илмий даромади 50 минг тилла тангадан иборат эди”²⁴⁰.

Ғар МДА, 323-фонд, I-руйёсат, 16^а-илд, I-варак.
Фитрат А. Кўрсатилган асар // Шарҳ толдун. 1997. – №1. – Б.126.

Ғаниев Н. Кўрсатилган асар. – Б. 88.

Ғар МДА, 323-фонд, I-руйёсат, 55-илд, I-варак.
Фитрат А. Ҳинд сайёҳи. – Б.15.

“Вақт” журналига қўшимча қилиб чиқарилган “Шўро” журналининг берган батафсил маълумотларига қараганда, Биринчи жаҳон уруши арафасида Бухоро мадрасаларининг вақфларидан келган даромадлар катта маблағни – 4.742.000 тангани ташкил этган.²⁴¹ Бундан ташқари, энг улкан ҳисобланган Кўкалдош билан Мир Араб мадрасаларининг йиллик даромади 150 минг танга, Гавкушонники 190 минг танга бўлса, Жаъфархўжа мадрасасиники эса 350 минг тангага етган²⁴². Шунинг учун ҳам домлалар шу даргоҳларда таълим беришга, талабалар эса таҳсил олишга интиланлар.

Ўқув жараёнини ташкил этиш одатда, мударрисларнинг зиммасида бўлиб,²⁴³ улар қуйидаги уч тоифага бўлинган:

Биринчи тоифа – аъло даражали мударрислар деб аталган ва уларга қози ул-қуззот, раиси калон, шайх ул-ислом, охун, аълам, муфти аскар кирган.

Иккинчи тоифа – ўрта даражали мударрислар деб аталган. Бу тоифадаги мударрисларни кийган кийимларига қараб банораспўш ва беқасабапўш деб аташган. Билим жиҳатидан эса ушбу тоифадан чиққан мударрислар муфтий даражасига эришганлар. Мазкур тоифадаги мударрислар тахминан 200 нафар бўлиб, уларни яна авсата тадрисий - ўрта мударрислар деб ҳам атаганлар.

Учинчи тоифа – қуйи даражадаги мударрислар ҳисобланиб, уларни асфол тадриси деб аташган. Ушбу тоифадаги мударрислар имом мударрислар, баъзан беқасабапўш деб ҳам аталган. Имом мударрисларнинг сони 300 дан ортиқроқ бўлган²⁴⁴. Мадрасаларда мударрислар (мадрасада таҳсил олувчи талабаларга дарс берган, маъруза қилган) сони уларда таълим олувчилар сонига қараб белгиланган. Бухоро мадрасаларида дарс берувчи мударрисларнинг сони XX аср бошларида тахминан 800 нафар деб қўрсатилади²⁴⁵.

Мударрис мадрасада дарс бериши учун ушбу лавозимга тайинланиш тартибига кўра, кичик мадрасаларнинг мударриси қозикалон томонидан, йирик мадрасаларнинг мударриси эса, амир томонидан тайинланган ва тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Абдурауф Фитратнинг қайд этишича “Бухорода муоҳоз (вазифалик, мояна) яъни, охунлик, уламолик,

²⁴¹ Сухарева О.А. История городов Бухарского ханства. – Ташкент: Изд. Академии наук УзССР, 1958. С.145.

²⁴² Ремел Л.И. Дьякоб и близкое. Бухарские записки. – С.142.

²⁴³ ЎзР МДА. 47-фонд. 1-руйхат, 333+нм. 31-варақ.

²⁴⁴ Мухоммад Али Балжувошӣ. Тарихи Ноғеӣ. – Б. 33-34.

²⁴⁵ Уша жойд.

муфтилик, мударрислик мартабалари жаноб олий ҳазрати Амир томонидан қозикалон воситаси-ла берилур²⁴⁶.

Қоида тарикасида мадрасаларга тайинланадиган мударрислар қозикалоннинг тақдими билан амир томонидан тасдиқланган.²⁴⁷ Аммо кейинги йилларда бу вазифани қўшбеги ўз тасарруфига олган. Масалан, Амир Олимхон даврида мадрасанинг мударриси Насрулло қўшбеги томонидан тайинланган²⁴⁸.

Қўшбеги архивида амир тасдиғидан ўтган 327 нафар мударрисларнинг рўйхати келтирилган.²⁴⁹ Демак, мадрасалардаги мударрислар қозикалон томонидан амирга тавсия этилиб, тавсия қилинган номзодни эса амирнинг шахсан ўзи тасдиқлаган. Бундан ташқари айрим мадраса мударрислари вақф мулки даромадларидан ташқари, имконияти бўлган айрим талабаларнинг ихтиёрий келтирган инъомлари ҳисобидан ҳам моддий таъминланиб турган. Бундай ҳолатларда мударрислар талабалари келтирган инъом билан қаноатланганлар ва ўзларини ортиқча таъмагирликдан тийганлар.²⁵⁰

Бухоро амирлигида мударрис лавозими ўнга яқин мансаблар поғонасида иккинчи погонанинг тўртинчи даражасида турган. Бу лавозим бир умрга берилиб, унинг эгаси таълим билан машғул бўлишга имконияти бўлмай қолганда ҳам хазинадан маош олиб турган.²⁵¹

Аҳмад Дониш мударрислик касбининг машаққатлари ҳақида "кундуз кунни муаллим ўз ўқувчилари билан машғулота банд бўлади, кечкурун эса эртанги кунги машғулотларга тайёрланади, куллас у умр бўйи ўқийди ва ўз касби билан муттасил, танаффуссиз шуғулланади", деган фикрларни баён қилган.²⁵²

Тарихда айрим ҳукмдорларнинг ўзи ҳам мадрасада мударрислик қилгани ҳақида маълумотлар учрайди. Масалан, Мирзо Улуғбек Самарқандда, Амир Ҳайдар Бухорода мударрислик қилган. Ушша давр тарихчиларининг асарларида Амир Ҳайдарнинг мадрасада таълим олувчи 400-500 нафар талаба шогирдлари ҳам бўлганлиги

²⁴⁶ Фитрат А. Ҳудудистонда бир фаранги ила бухороли мударриснинг жалол мактаблари хусусида қилган таълиқи // Шарк юлдузи. – Тошкент, 1997. – №1. – Б.122.

²⁴⁷ Ур МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 333-нш, 21-варақ.

²⁴⁸ Фитрат А. Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври. – Тошкент: Минҳож, 1992. – Б.23.

²⁴⁹ Ур МДА, 126-фонд, 1-рўйхат, 1990-нш, 4-варақ.

²⁵⁰ Ур МДА, 1-фонд, 12-рўйхат, 1-нш, 90-варақ.

²⁵¹ Номидов Ш. Қўдон холиғи ва Бухоро амирлигида унвон ва мансаблар. – Тошкент, 1996. – Б. 26.

²⁵² Аҳмад Дониш. Путешествие из Бухары в Петербург. – Сталинабад, 1960. – С. 224-225.

қайд этилган. Амир Ҳайдар талабалар учун Истанбул (Усмонли тур султонлиги)дан китоблар келтиришга шахсан ўзи ҳаракат қилган.²⁵³

Ўша давр матбуотида “шаҳардаги олим-уламолар мадрасаларда дарс бериб, талабаларга кўп фойда келтириб, залолатда юрганларни илм чироғи билан ҳидоят топишларига сабаб бўлишади, улар ҳоли Аллоҳ учун хизмат қиладилар”, деб мударрисларга юқори баҳо берилган.²⁵⁴

Нуфузли мударрислар вафот этса, шаҳардаги эътиборли диний уламолар мадраса мударрислари, талабалари ва маҳалла оксоқолларини чақириб, эҳсон қилганлар, мадраса талабаларига кийим-кечак бериб, савобини марҳум ҳақиқа бағишлаганлар.²⁵⁵

Ўша давр матбуотида қайд этилишича, Бухорода мударрислик ва муфтийлик мартабаси амир томонидан “уларга тахти қалам учун эмас, балки мулла болаларни ва аҳли толибни таълим ва тарбиясида қараш учун берилган. Муфтий ва мударрислар турли мансабларга тайинланиб, уларга унвонлар берилган”²⁵⁶. Демак, Бухоро мадрасаларида мударрислик ҳам шарафли, ҳам масъулиятли касб эди.

Юқорида қайд этилганидек, мударрисларнинг таъминоти вақфномада кўрсатилган вақф маблағининг мадраса таъмири учун кетган сарф-харажатдан қолган қисмидан ажратилган, унинг улуши миқдори вақф ҳужжатида аниқ қилиб белгиланган бўлган. XIX асрнинг ўрталарида Бухоро мадрасаларида мударрисларнинг оладиган маошлари қуйидагича бўлган: Ҳалимжон мадрасасида йилига 80 тилла, Жўйбори Хурд мадрасасида 100 тилла, Хиёбон мадрасасида 180 тилла, Муҳаммад Шариф савдогар мадрасасида 190 тилла, Кўкалдош мадрасасида 360 тилла, Хўжа Жўйбори Калон мадрасасида 500 тилла, Дорулшифо мадрасасида 700 тилла, Говкушон мадрасасида 700 тилла. Бундан ташқари Жаъфархўжа мадрасасининг 40 га яқин мударрисларининг ҳар бири йилига икки минг танга маош олганлар.²⁵⁷ Мир Араб мадрасасидаги мударрисларга йилига 150 тангадан берилган, яъни вақф маблағининг учдан бир қисми маош учун ажратилган.²⁵⁸ Шунинг билан бирга, юқоридагиларга нисбатан анча кам маош оладиган

²⁵³ Аликс Фон Кютелген. Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII-XIX вв.). – Алматы. Изд. Дайк-Пресс, 2004. – С. 107.

²⁵⁴ // Туркестанская тюземная газета, 1913. – 24 январь.

²⁵⁵ Ўша жойда // 1912. – 12 апрель.

²⁵⁶ // Туркестанская тюземная газета, 1913. – 24 январь.

²⁵⁷ // Вақт, 1916. – №4.

²⁵⁸ ЎзР МДА, 323-фонд, I-рўйхат, 16⁻чп, 1-варрақ.

мударрислар ҳам бўлган. Масалан, нисбатан кичик Мулла Назар мадрасасида мударрисга 8-10 тилла, Абдуллабой мадрасасида 12 тилла, Аҳмад доруга мадрасасида 16 тилла, Азизон мадрасасида эса 30 тилла маош берилган²⁵⁹. Мударрислар сони ҳам мадрасадаги вақф маблағига қараб белгиланган. Масалан, Абдурахмонбой мадрасасида битта мударрис бўлгани ҳолда, Жаъфархўжа мадрасасида 40 нафар мударрис дарс берган²⁶⁰. Бундан ташқари Абдулазизхон, Модарихон мадрасаларида икки нафардан, Улугбек мадрасасида бир нафар домла бўлган бўлса, ташқи кўриниши ва хужраларининг сони бўйича Кўкалдош, Мир Араб ва Гавкушон мадрасаларига тенг келолмайдиган Жаъфархўжа мадрасасида 40 нафар домла талабаларга таълим берган, яъни бу жиҳатдан ҳаммасидан устун турган, чунки у жуда кўп даромад келтирадиган вақфларга эга бўлган.²⁶¹

Хуллас, XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида Бухоро амири томонидан мадрасалар ва уларнинг мударрис ва ўқитувчилари учун йилига 100 минг рубль ажратилган²⁶².

Мадрасада хўжалик ишларини ташкил этиш ваколати қоида тариқасида мутавалли (бошқарувчи) зиммасига юклатилган. Барча вақф ҳужжатларида бошқарув иши, ишни юритиш ва назорат қилиш мутавалли ихтиёрида бўлишлиги кўрсатилган. Барча вақф мулкларида вақф қолдирувчининг ўзи ёки унинг ўғил ворислари, ўғилларидан ворис эркак бўлмаса ака-укаларнинг ўғиллари мутаввали бўлишган. Борди-ю вақт ва замон ўтиши билан агар эркак ворис ушбу авлодда қолмаса, шу авлоднинг қизларидан қолган ўғил болаларга қолдирилган²⁶³. Агар эгалик қилувчилар илмда, салоҳиятда ва тасарруф (бошқарув салоҳияти)да тенг бўлсалар қариндошликда яқинроғи, қариндошликда ҳам тенг бўлса, уларнинг энг ёши каттароғи тайинланган.²⁶⁴ Мутаваллиликка эгалик қилувчи авлод вакилларида ҳеч ким қолмаса, Бухоро шахрининг ишончли қозиси мутавалли бўлиши мумкин бўлган.²⁶⁵ Қозининг маоши эса вақфлардан ҳосил бўладиган фойданинг ўйдан бирининг ярмига тенг қилиб белгиланган. Масалан, Биби Халифа мадрасасининг вақф ҳужжатида кўрсатилишича, мутавалли (вокиф) вақфчининг ўзи

²⁵⁹ УЗР МДА, 126-фонд, 1-рўйхат, 1990-ши, 5-варақ.

²⁶⁰ // Вақф, 1916 – №3.

²⁶¹ Суздарева О.А. К истории городов Бухарского ханства. – Ташкент: Изд. Академии наук Уз ССР, 1958 – С.98.

²⁶² Семенов А.А. Очерк устройства центрального административного управления Бухарского ханства в последний период времени // Материалы по истории таджиков и узбеков Средней Азии. II, ч. – С.5.

²⁶³ УЗР МДА, 323-фонд, 1-рўйхат, 16^а-ши, 1-варақ.

²⁶⁴ УЗР МДА, 323-фонд, 1-рўйхат, 16^а-ши, 1-варақ.

²⁶⁵ УЗР МДА, 323-фонд, 1-рўйхат, 16^а-ши, 1-варақ.

бўлган. Вақф ҳужжатларига мувофиқ “Мутавалли агар воқиф (вақф қилувчи)нинг айтганларига зид иш қилса, қолган авлодлар уни маън қилади (қилаётган ишидан тўхтатади). Агар у яна қайтмаса уч маротаба ман қилинади. Шунда ҳам қайтмаса, бошқа валийликка лойиқ авлодлари мутавалли бўлади. Ишдан олинган мутавалли даврида вақфлардан ҳосил бўлган маблағ қолган бўлса, ундан талаб қилиб олинади ва ўз ўрнига сарфланади. Воқиф томонидан қилинган шартларни амалга оширмаганлиги учун ундан ҳисобот талаб қилинади”²⁶⁶.

Ўз навбатида мутаваллига ҳам маълум ваколат берилган. Хусусан, “Мазкур вақфларнинг бирор-бир ходими шариятда катта гуноҳ деб ҳисобланган ишни қилса, мутавалли уни уч мартагача огоҳлантиради, агар қайтмаса, унинг ўрнига бошқа бир кишини тайинлайди”. Бундан ташқари, агар мутавалли янги ходимни ишга олмакчи бўлса, юқоридаги шартларни маълум қилиши ва ҳар йили мазкур шартларни бошқа ходимларга ҳам эслатиб туриши лозим бўлган.

Мадраса талабалари асосан икки гуруҳга бўлинган: дарса мунтазам қатнашадиган, мадраса хужрасида яшаб ўқийдиган талабалар ва дарсларга эркин қатнашадиган талабалар. Мадрасаларнинг сони ҳусусида бўлгани каби, уларда таҳсил олувчи талабаларнинг сони ҳақида ҳам турли маълумотлар мавжуд. Манбаларда ва адабиётларда Бухоро мадрасаларида XIX асрнинг 40-йилларида 9-10 минг нафар²⁶⁷, XIX асрнинг охирида 10 минг нафар²⁶⁸, XX асрнинг бошида эса 20 минг нафар²⁶⁹ талаба таҳсил олганлиги қайд этилади.

Мадрасада таҳсил олувчиларнинг таъминоти ҳам мадрасага тегишли бўлган вақф мулкнинг миқдорига қараб ҳар хил бўлган. Масалан, XIX асрнинг ўрталарида Эрназар мадрасасида (уни Эрназар элчи қурдирган) талабанинг йиллик таъминоти 2,5 тиллани ташкил этса, Хўжа Жўйбори Калон мадрасасида 20 тиллани ташкил этган²⁷⁰. Кўкалдош мадрасасининг бир йиллик даромади 150 минг танга бўлиб, бу маблағдан 74 минг тангаси 148 хужрага, яъни муллабачаларга тақсимланган, мударрисга 28 минг танга, имомга 10

²⁶⁶ ЎзР МДА, 323-фонд, 1-рўйхат, 16²-тп, 1-варақ.

²⁶⁷ Ханыков Н. Описание Бухарского ханства. – С. 88.

²⁶⁸ Ремиса Л.И. Далекое и близкое. Бухарские записки. – Ташкент, 1981. – С.4.

²⁶⁹ Эргашев Б. Идеология национально-освободительного движения в Бухарском эмирате. – Ташкент: Фан, 1991. – С.16.

²⁷⁰ Ханыков Н. Кўрастилган асар. – Б. 86.

нинг танга ажратилган²⁷¹. Ҳар бир талаба мадраса хужраларидан бирини, яъни ўзи яшайдиган хонани сарф-харажати ва меҳнати билан обод қилиб, мабодо талаба ушбу хужрани тарк этишига тўғри келса, у ҳолда хужрани тузатиш учун сарф қилинган маблағни бошқа талабадан олиши ва шундан кейингина хужрани унинг номига ўтказиши лозим бўлган. Талабаларга иссиқ овқат кўпчилик мадрасаларда бир марта-гушликда берилган. Мадрасаларда моддий таъминот 3 хил кўринишда амалга оширилган: пул, ғалла, пул ва ғалла (кўшма ҳолда). Талабаларга бериладиган таъминот (нафақа) миқдори эса мадрасанинг вақф мулки даромадининг миқдорига боғлиқ эди, бу миқдор эса ҳар хил бўлган. Талабаларга ўқиш учун маълум даражада минимал шароит яратилган: хужраларда ўқиш ва ёзиш учун шам, ерга тўшаш учун бўйра, қиш кунларида таҳорат қилиш учун ҳаммомлардан иссиқ сув келтириб берилган, ҳайит байрамларида катта зиёфат берилган, рамазон ойида эса кучли калорияли овқатлар бериб турилган. Мадраса талабалари ўзларининг сарф-харажатлари учун мадрасага бириктирилган вақф мулки даромадларидан ишлатиши мумкин эди. Албатта, бу тўғрида вақфномада қайд этилган бўлиши шарт эди²⁷². Моддий жиҳатдан таъминланган оилаларнинг фарзандлари четдан маблағ олмасдан таҳсил олган. Мадрасанинг баъзи талабалари эса амир ҳукумати стипендияси билан ҳам таъминланган²⁷³. Бухоронинг сўнгги амири Саид Олимхон ўзи қурдирган мадраса талабаларини моддий жиҳатдан таъминлаб турган²⁷⁴.

Бухоро мадрасаларида таҳсил олган талабалар тўрт манба ососида кун кечирган: 1) вақф даромади ҳисобидан; 2) ўзининг қитгувчилик фаолияти ҳисобидан (ёз ойларида); 3) отасининг мол-мулки ҳисобидан; 4) давлат таъминотидан (нафақа-стипендия). Мадрасада ўқитиладиган фанларни ўзлаштиришда, шунингдек таълим-тарбияда ўзини кўрсатган талабалар давлат стипендиясини олишган. Бу стипендия дах-як, яъни ўндан бир деб аталган. Унинг қиббини даҳякхўр деб аташган. Стипендияга даъвогарлар махсус шайхондан ўтказилиб, унинг натижалари шахсан амирга тақдим қилинган²⁷⁵. Мадраса талабалари ўқиш учун, хужраларда яшаш учун,

Умарова О.А. Кўрсатилган асар. – Б. 8.

Бай Н. Туземная школа // Туркестанские ведомости, 1884. – 30 октябрия.

Умарова О.А. Бухара XIX – начало XX в. – Москва: Наука, 1966. – С. 304.

Умарова Р.Х. XIX аср охири-XX аср бошлари Бухорода маънавий ҳаёт – Б. 50.

Умарова Р.Х. XIX аср охири-XX аср бошлари Бухорода маънавий ҳаёт – Б. 50.

кутубхона китобларидан фойдаланиш учун пул тўлашмаган, булар текин бўлиб, вақф ҳисобидан эди.

Мадраса талабаларининг яшаш тартиблари, шарт-шароитлари ҳақида Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат каби маърифатпарвар кишилар анча кескин, танқидий фикрлар билдирадilar. Хусусан, Абдурауф Фитратнинг ёзишича, мадрасада таҳсил олувчи муллабаччалар 6 ой ўқиб, қолган 6 ой мобайнида қишлоқларга бориб, имомлик қилишиб, пул тўплашган. Муллабаччалар таҳсилнинг биринчи йилида, иккинчи таҳсил йилида ўқилиши лозим бўлган китоблардан дарс бошламоқ учун ҳар ким қурби етганича, масалан, 20 тангадан 500 тангагача маблағ тўплаб, устозларига беришган²⁷⁶.

Архив материаллари ва мавжуд тарихий адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатадики, амирликда ҳокимиятдаги ўз мавқеи бўйича учинчи ўринни эгаллаган қозикалон халқ таълимининг аҳволи, тарбиявий ишлар, исломий ақидаларни амалга ошириш вазифаларига масъул ҳисобланган²⁷⁷. Амирликнинг барча вилоятлари ва шаҳарларида унинг вакиллари бўлиб, юқоридан келган топшириқларни амалга оширган. Демак, таълим тизими ҳокимиятнинг назаридан четда бўлмай, ўз олдига қўйилган вазифаларни мамлакатнинг тараққиёт даражасидан келиб чиқиб бажариб турган.

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро мадрасалари таълим тизимининг энг юқори босқичи бўлиб, илм маскани сифатида нафақат Туркистон минтақасида, балки барча мусулмон мамлакатларида маданият ўчоқлари вазифасини ўтаб, маърифат маркази бўлганлигидан далолат беради. Бухоро мадрасалари ислом оламидаги энг машҳур ва нуфузли олий ўқув юрти бўлиб, уларда таълим олган уламоларнинг диний масалалардаги фикрлари Миср ва Ҳижозда ўқиганларнинг фикрларидан кўра мўътабарроқ ҳисобланган. XIX аср охири ва XX асрнинг бошларида ҳам Бухоро мадрасаларининг ислом дунёсидаги мавқеи ва нуфузи маълум даражада сақланиб, жамият тараққиёти даражасидан келиб чиқиб, ўша вақтда давлатнинг ҳукмрон сиёсати ва ислом таълимотига хизмат қилган.

Бухоро мадрасалари нафақат ўқув юрти, балки ўзига хос меъморий ёдгорлик обидалари ҳам эди. Мадрасалар қурилишига ҳукмдорлар катта эътибор қаратган. Мадрасаларнинг аксарияти

²⁷⁶ Фитрат А. Мунозара. – Б. 122.

²⁷⁷ Ў.Р. МДА, 1010-фонд, 1-руйхат, 66-иш, 34-варак.

халис хусусий мулк ҳисобидан барпо этилиши шарт бўлиб, ҳукмдор бўлган хон ва амирлар томонидан кўплаб ҳашаматли мадрасалар бино этилган. Бундан ташқари йирик амалдорлар, нуфузли кишилар, сармоюдор кишиларнинг ташаббуси билан мадрасаларни қуриш ва таъмирлаш ишларига ҳам катта эътибор қаратилган. Бухоро мадрасалари ўз ҳашамати, пишиқ ва пухта қурилганлиги билан меъморий жиҳатидан ўрта аср архитектурасининг энг нодир намуналари сифатида ҳозиргача сақланиб қолган. Мадрасалар қуриши иши билан асрлар оша шуғулланилганлиги боис, бу борада бой тажриба ҳам шаклланган.

Бухоро амирлигида таълим тизими ҳокимиятнинг назаридан четда бўлмай, ўз олдида кўйилган вазифаларни мамлакатнинг тараққиёт даражасига мос равишда бажариб келган. Қозикалон халқ таълимининг аҳволи, тарбиявий ишлар, ислоний ақидаларни амалга ошириш вазифаларига маъсул ҳисобланиб, бу ҳолат таълимга эътибор қаратилганидан далолат беради. Мадрасалар кўламининг кенгайиши ва моддий базасини мустаҳкамлаш масаласи хусусий шахсларга боғлиқ бўлганига қарамай, мамлакат ижтимоий маданий ҳаётида муҳим ўрин тутиб, давр талабига жавоб берган. Мадраса бир вақтнинг ўзида талабалар учун ётоқхона вазифасини ўтаб, уларнинг таъминоти ҳам мадрасага тегишли бўлган вақф мулкнинг миқдорига қараб белгиланган. Нафақат маъсул шахслар, балки ҳукмдор амирлар ҳам мадрасадаги моддий таъминот масалаларини эътиборда тутган. Аммо, мадрасаларнинг молиявий-хўжалик таъминоти асосан вақф мулкчилигига асосланган. Бухоро амирлиги мадрасаларининг қурилиши, моддий-хўжалик таъминоти масалалари давр талабига қай даражада жавоб беришидан қатъий назар, муайян фаолиятга эга бўлган. Аммо юқоридаги хулосалардан мадрасаларнинг қурилиши, моддий-хўжалик таъминоти ва фаолиятини ташкил қилиш масалаларида камчилик йўқ деган фикр келиб чиқмаслиги керак. Кўпчилик мадрасаларда хужраларнинг етишмаслиги, дарсхоналар ва дарсликлар камлиги, уларда замонавий шарт-шароитлар етишмаслиги, қурилиш ишлари лойиҳалар асосида эмас, балки ўзбонимчалик билан бажарилганлиги, хоналарда ёруғликка эътибор қаратилмаганлиги, қатор муаммолар ва ноқулайликларга сабаб бўлган.

Мадрасалар, уларнинг хизматчилари ва мударрислар хизмат ҳақи вақф даромадларига боғлиқлиги мадрасалардаги таълим жараёнида ҳам ўз аксини топган, уларнинг нуфузини белгилаб

берган. Натижада кишлоклар, шаҳар четларидаги мадрасалар пойтахт Бухородаги мадрасалардан катта фарқ қилган. Бу ҳолат талабаларни ўтилган сабоқларни ўзлаштиришида ҳам маълум даражада роль ўйнаган.

2-§. Мадрасаларда ўқитиладиган фанлар ва таълим жараёни

Анъанавий таълим тизимининг юқори босқичи бўлган мадрасага бошланғич таълим маскани - мактабни ўқиб тугатган, 10 ёшдан 40 ёшгача бўлган саводхон шахслар ўқишга қабул қилинган. Шариат қондасига мувофиқ, бирорта мударриснинг ҳар қандай ёшда ўқиш учун мурожаат қилган кишига рад жавоби беришга ҳуқуқи бўлмаган²⁷⁸. Мадрасада дарс жараёнлари, одатда ҳар йили октябр ойида бошланиб, апрел ойигача давом этган²⁷⁹. Анъанавий қоидага кўра мадрасада ҳафта кунлари 2 га бўлинган: таҳсил кунлари ва таътил кунлари. Таҳсил кунлари – шанба, якшанба, душанба ва сешанба. Таътил кунлари (ўтилганларни такрорлаш ва дам олиш) – чоршанба, пайшанба ва жума²⁸⁰. Масалан, Меҳтар Шофитъи ибн Хўжа Латиф ва Фатхулла қўшбеги ибн амир Насруллоҳ номидаги мадрасаларнинг вақф хужжатида ҳафтада 4 кун дарс бўлиши ёзиб кўйилган²⁸¹. Дарснинг бошланиши кўёш чиқиши билан белгиланган (бомдод намозидан кейин)²⁸².

Мадрасада таълим олиш уч босқичда амалга оширилган: бошланғич (адно), ўрта (аврот), юқори (аъло)²⁸³.

Талабалар ўқув курсига қараб эмас, балки қайси китобни ўқийётганлигига қараб жамоа-гуруҳларга ажратилган.²⁸⁴ Жамоа-гуруҳ сони талабалар миқдори ва мадрасанинг катта-кичиклигига қараб белгиланган. Катта мадрасаларда ҳар бир гуруҳда 5-10 нафардан 20 нафаргача талаба таҳсил олган²⁸⁵.

Талабалар жамоаси-гуруҳни бошқарган талаба қорибоши деб аталган. Жамоа қорилари одатда муллазодалардан тайинланган. Унинг бошчилигида жамоа аъзолари кўлларини қовуштириб, таълим ва тавозе билан салом бериб, навбат билан мударрис ҳузурига кириб

²⁷⁸ ЎзР МДА, 47-фонд, 1-руйхат, 333^а-иш, 5-варақ.

²⁷⁹ ЎзР МДА, 1010-фонд, 1-руйхат, 20-иш, 5-варақ.

²⁸⁰ ЎзР МДА, 47-фонд, 1-руйхат, 333^а-иш, 96-варақ.

²⁸¹ ЎзР МДА, 323-фонд, 1-руйхат, 55/3^а-иш, 1-варақ.

²⁸² Айной С. Эсдаликлар // Асарлар. – Тошкент: Бадий адабиёт, 1965. V жилд. – Б. 169.

²⁸³ ЎзР МДА, 47-фонд, 1-руйхат, 333^а-иш, 96-варақ.

²⁸⁴ ЎзР МДА, 1010-фонд, 1-руйхат, 67-иш, 12-варақ.

²⁸⁵ Айной С. Эсдаликлар // Асарлар. V жилд. – Б. 200.

борганлар. Мадрасанинг биринчи қаватида жойлашган дарсхонанинг тўрида домла-мударрис ўтирган, талабалар (муллабаччалар) эса гилам ёки кигиз (намат) тўшалган ерга чордона куриб ўтирганлар.

Дарс жараёни қуйидагича олиб борилган: талабалар жойлашиб ўтиргач, ўқиладиган китобнинг аввалги дарсда тўхталган жойини очганлар ва шу тахлитда янги дарс бошланган. Жамоа сардорикорибоши ўрганиладиган китобнинг навбатдаги қисмини овоз чиқариб ўқиган. Ўқиб бориши баробарида мударрис унинг талаффузини ҳам тўғрилаб борган. Талабаларга номаълум бўлган араб сўзларининг мазмуни ва ўқилган китоб парчасининг умумий моҳияти мисоллар ёрдамида мударрис томонидан тушунтириб берилган²⁸⁶. Баъзан янги мавзунини тушунтиришда мударрис мунозара усулидан фойдаланган. Биринчи дарс шу зайдда ниҳоясига етиб, талабалар иккинчи дарс сабогини олиш учун навбатдаги мударрис хузурига кирган²⁸⁷.

Бу ҳолатни 1892-1893 ўқув йилида Олимжон мадрасасида таҳсил олган Садриддин Айний ҳам қуйидагича тавсифлайди: “Биз олтмиш нафар шогирд шу болохонада маддоҳ маъракасига тўпланган одамлардай кетма-кет сиқилишиб ўтирардик. Жамоа қориси ўртада ўтириб, ўз китобидан шу кунги дарсга тааллуқли жойни араб тилида ўқир, домулла эса, аввал таржима қилиб, сўнгра шарҳлаб, бу дарсни бизларга тушунтирарди. Шогирдларнинг аксарияти тушуниб-тушунмай, икки-уч кишидан бўлиб, бакириб музокарага тушиб кетардилар. Аммо бухороча дарс бериш усулига моҳир домулламиз ўзининг йўғон, баланд овози, чақнаб турган таъсирли кўз қараши билан ғавғони босиб, ҳар хил изоҳ ва шарҳлар билан муаллифнинг мақсадини қобилиятли болаларга тушунтирар эди. Шу билан бир соат вақт ўтиб, бир кунлик дарсимиз тугарди”²⁸⁸.

Мадрасаларда дарслар, асосан, фаол мунозара тарзида ўтган. Масалан, Икромча домла дарсни мадраса талабалари олдига муҳокама учун масала қўйишдан бошлаган. У масаланинг моҳиятини тушунтириб берган. Талабалар фикрини бир мақсадга йўналтириб, улар обдон тортишиб бўлганидан кейин, эътиборини ўзига қаратган. Сўнгра ишонарли мисоллар, аниқ далиллар билан ўрганиладиган матн мазмунини тожик тилида тушунтириб берган ва муаллиф фикрига муносабатини билдирган²⁸⁹.

²⁸⁶ ЎзР МДА, 1010-фонд, I-рўйхат, 66-нш, 28-варақ.

²⁸⁷ Налькиал В. Школа у туземцев Средней Азии // Туркестанские ведомости, 1898. - 8 августа.

²⁸⁸ Айний С. Эслахиллар // Асарлар. VI том. - Б. 54.

²⁸⁹ Айний С. Бухара (Воспоминания) - Душанбе: Ирфон, 1981. - С. 40-41.

Мадрасаларда ўқитиладиган илмлар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Араб тили грамматикаси: сарфи (морфология), наҳви (синтаксис), арабча нотиклик, араб тарихи, Куръонни ўқиш илми ва илмий мунозаралар маданияти.

2. Илоҳиёт ва қонуншунослик: Куръон тафсири, ҳадис, фикҳ, диний ақидалар, мерос тақсимоти ҳақида таълимот (Фароиз), қонуншунослик асослари.

3. Фалсафа: мантиқ, риёзиёт, жуғрофия, астрономия, тиббиёт, кимё ва табиий фанлар, фалсафа²⁹⁰.

Мадрасада таълим жараёни араб тилини ўрганишдан бошланган. Энг аввал умумий курс сифатида “Аввали илм” ўқитилган²⁹¹. (“Аввали илм” китоби ислом динининг асосларини ўргатувчи савол-жавоб тарзида тузилган форс тилидаги ўқув қўлланмаси бўлиб, унда “Аввали илм нимадир?” деган саволга Аллоҳни таниш, Пайғамбарни тан олиш, Шайтонни англаш деган жавоб берилган²⁹²). “Аввали илм” китоби талабаларга бир неча кунларда ёдлаттирилган²⁹³. “Аввали илм”дан сўнг араб тили грамматикаси морфологияси буйича форс тилида ёзилган “Бидон” ўқитилган²⁹⁴. Иккинчи йили араб тили морфологияси буйича араб тилида ёзилган “Занжоний”, форс тилида “Муиззий”²⁹⁵ китоблари ўқитилган. Бу бошланғич мактаблардаги араб тили дарсларини такрорлаш эди. Учинчи йилдан бошлаб араб тили грамматикаси чуқур ўзлаштирила бошланган. Шу йили “Кофия” ўтилган. “Кофия” араб тилида ёзилган араб тили грамматикасидир²⁹⁶. Унда араб тилидаги феъл, от ва ҳарфлар ҳақида маълумот берилган. Тўртинчи йилдан еттинчи йилга қадар “Шарҳи Жомий”²⁹⁷ (Абдурахмон Жомий томонидан Кофияга ёзилган шарҳ²⁹⁸)дан “Кофия”нинг “Ал-марфуъот”, “Ал-мажрурот”²⁹⁹, “Ал-мансубот”³⁰⁰, “Ал-Мабниййот”³⁰¹ қисмлари ўргатилган. Буларнинг бари араб тилидаги от, феъл, сўз, бирикмалар ва келишикларни ўқитишга бағишланган. Саккизинчи

²⁹⁰ Шаисуттинлов Р., Расулов Б. Туркистон мактаб ва мадрасалар тарихи. – Б. 60.

²⁹¹ ЎзР МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 333^а-иш, 58-парақ.

²⁹² Бу маълумот Бухоро шаҳридаги Мир Араб мадрасасининг кутубхонасидан олиниш.

²⁹³ ЎзР МДА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 61-иш, 22-парақ.

²⁹⁴ ЎзР МДА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 61-иш, 22-парақ.

²⁹⁵ ЎзР МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 333^а-иш, 58-парақ.

²⁹⁶ ЎзР МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 333^а-иш, 58-парақ.

²⁹⁷ Бухоро Давлат исъомрий-бадиий музей-қўриқхонаси қўлёзма фонди. 4826н/в. инвентар.

²⁹⁸ Абдурауф Фитрат. Таълиқнома асарлар. 1-жилд. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б. 238.

²⁹⁹ Бухоро Давлат исъомрий-бадиий музей-қўриқхонаси қўлёзма фонди. 27783/1 инвентар.

³⁰⁰ Абдурауф Фитрат. Таълиқнома асарлар. 1-жилд. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б. 238.

³⁰¹ Бухоро Давлат исъомрий-бадиий музей-қўриқхонаси қўлёзма фонди. 1218 инвентар.

йилда юкоридаги китобнинг “Ҳамд”(юкоридаги китобларнинг бошланиши, яъни Аллоҳга ҳамду санолар айтиш қисми) ва “Баҳси исм”(Ҳамддан кейинги қисмларида Куфа ва Басра олимларининг баъзи қоидалар бўйича тортишган баҳслари) қисмлари ўқилган. Тўққизинчи йилга келиб “Қутбий” хошиясидан³⁰²(араб тилида ёзилган морфология) “Ва роттабтуху ала муқаддима” (муқаддимада тартиб бердим, сўзнинг қаерда келтирилганлиги бу фикр муқаддимасида айtilган) ўрганилган. Ўнинчи йили – “Ҳамди Ақойид”³⁰³ китобида оятлар, ҳадислар мисолида эътиқод масалалари ўрганилган (Аллоҳни тан олиш, охиратга ишонч, ғойб олами ва ҳ.к). “Ҳамди Ақойид” - “Ақоид” китобининг ҳамду санолар қисми саналган. Кейинги йилларда “Ақойид”нинг “Баъд”(кейин, асосий мақсадга ўтишдан олдинги сўз), “Самава”(осмонлар), “Ҳақойиқ ул-айша”(нарсаларнинг ҳақиқати, Аллоҳ яратган нарсаларнинг ҳаммасини ҳикмати ва ҳақиқати бор) бўлимлари, босқич, шарҳлар асосида ўрганилган³⁰⁴. Ўн тўрт, ўн бешинчи йилларда “Таҳзиб”³⁰⁵(эътиқод ҳақидаги) китобининг “Ҳамд”(ризқ берилган учун, бизга шу илмни осон қилганинг учун ҳамду санолар бўлсин) ва “Таърифи илм”(илмни таърифлаш, асосан муқаддимасида келтирилади) қисмлари ўргатилган. Ўн олтинчи ва ўн еттинчи йилларда “Ҳикмат ул-айн”³⁰⁶(араб тилида ёзилган мантиқ) китоби ва унинг шарҳлари³⁰⁷ ўргатилган. Ўн саккизинчи ва ўн тўққизинчи йиллар Илми каломга оид қисман илоҳиёт, қисман мантиққа оид “Мулю Жалол”³⁰⁸, Ҳадиси шариф³⁰⁹ китоблари ўқилиб, шарҳ қилинган. Куръон тафсирларини ўзлаштирилиши билан, Бедилхонликни тугаши билан мадрасадаги ўқув курси яқунланган³¹⁰. Куръон тафсири бўлган Юсуф Байзавийнинг форс тилида ёзилган “Тафсири Байзавий” деган асаридан икки сура ўқитилиб, шарҳ қилинган³¹¹.

Мадрасаларда араб тилини ўқитишга анча қўн вақт ажратилган, бунинг сабаби ушбу тилнинг мураккаблиги ва ўзига хослиги билан боғлиқ бўлган.

³⁰² Ўша жойда, 4814 н/в нивентар.

³⁰³ Имоми Таҳовий. Ақоид. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 1992. – Б.3.

³⁰⁴ Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. I жилд. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б.239.

³⁰⁵ Бухоро Давлат мейморий-бадиий музей-қўриқхонаси қўлёзма фонди. 24232/1 Нивентар.

³⁰⁶ Ўша жойда.

³⁰⁷ Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. I жилд. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б.239.

³⁰⁸ Фитрат А. Мунозара // Шарҳ қолдуси. – Тошкент, 1997. – №1. – Б.128, 161-162.

³⁰⁹ Бухоро Давлат мейморий-бадиий музей-қўриқхонаси қўлёзма фонди. 26440/1 Нивентар.

³¹⁰ ЎзР МДА, 1-фонд, 12-рўйхат, 1-иш, 88-89-варақлар.

³¹¹ ЎзР МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 333-иш, 59-варақ.

Мадраса талабалари томонидан араб тили грамматикаси ўзлаштириб бўлинган, ўқув курси икки бўлимга: умум таълим курси – мушқилот ва фикҳ курси – масала бўлимларига бўлинган³¹². Бу бўлимлардан қайси бирини ўқиб чиқиш мадраса талабасининг хоҳиш-истакларига қараб аниқланган. Улар истасалар ҳар икки бўлимни ёки алоҳида мушқилот ё масала курсидан бирини ўқиб тамомлаши мумкин бўлган. Н.Ханиковнинг қайд этишича, мадрасада тўлиқ курсни ўқиб чиқиш учун талабалардан 137та китобни ўрганиб чиқиши талаб этилган ва булардан салмоқли миқдори фалсафа ва мантиқ фанларига тўғри келган³¹³.

Умумтаълим курси бўйича таҳсил олишни танлаган талабалар асосан Шамсия (мантиқ), Ҳошия (юқоридаги китобга қўшимча, шарҳ ва изоҳлар), Ақоид (Калом илми ёки ақидалар ҳақида таълимот-ислом илоҳиёти), Тазҳиб (диалектика), Ҳикмат ул-айн (метафизика ва физика дарслиги), Мулла Жалол (қисман мантиқ, қисман илоҳиёт), Тавзиҳ (Қуръон, ҳадис, ижмо ва қиёс ҳақида умумий тушунчалар берувчи фан), Мишқоти Шариф (ҳадислардан сабоқ берувчи фан), Тафсири Қози Байзавий³¹⁴ каби предметларни ўзлаштириш билан чекланган.

Мадрасаларда масала курси ўтилаётганда эса буларга қўшимча равишда Фикҳи Кайдоний (шартли ва шартсиз мажбурий амаллар, маъқуланувчи ва манъ этилувчи хатти-ҳаракатлар ҳақидаги таълимот), Мухтасар ул-виқоя (дин ва фуқаролик ҳуқуқининг қисқача баёни), Шарҳ ул-виқоя (Виқоянинг шарҳи), Ҳидоя-и-шариф (Мухтасар ул-виқояда қисқача кўриб чиқилган масалалар мукамал берилган китоб) каби китоблар ўқитилган.

Мадрасада айрим фанларни чуқур ўзлаштиришни истаган талаба алоҳида қўшимча дарс олиб, мустақил шуғуланган. Яхши, қобилиятли талабаларга бу даврда китоб ўқиш тавсия этилган. Бундай талабалар Қофиянинг шарҳларини ўқишган. Шундан кейин эса улар Шамсия, Шарҳи Ҳошия ва Мир-Саид-Шариф дарсликлари бўйича араб тили мантигини ўрганишган³¹⁵. Масалан, араб грамматикасини чуқур ўзлаштираётган бўлса, 1896 йилда Мавлавий Шариф томонидан ёзилган “Наҳв”³¹⁶ китоби (гаўда сўзларнинг ўзаро муносабатга киришиши усуллари, сўз бирикмалари ва уларнинг

³¹² ЎзР МДА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 61-тп, 22-варақ.

³¹³ Ханыков Н. Описание Бухарского ханства. – СПб, 1843. – С.222.

³¹⁴ ЎзР МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 333*-тп, 59-варақ.

³¹⁵ Маев Н. Туземная школа // Туркестанские ведомости, 1884. – 30 октябрь.

³¹⁶ Бухоро Давлат мейморий-бадвий музей-қўриқхонаси қўлёзма фойди. 27756/11 инвентар.

турлари, гап ва унинг тузилиши), “Нахв-и мир”³¹⁷ деб номланган рисола ва форс тилида ёзилган морфологик китоб – “Сарфи Мир маа такмила ва табсира”³¹⁸ (сўз туркумлари, от, сифат, сон, олмош ва феълларнинг вазлари тўғрисида) номли китобларни мустақил ўзлаштирганлар.

Бухоро мадрасаларида таҳсил олган талабалар кўпинча кунжаки домладан дарс олишган. Кунжаки домланинг асосий вазифаси мадрасада белгиланган муайян курс ёки китобни ўрганишда қўшимча шуғуллантиришдан иборат эди³¹⁹. Бошқача айтганда, ҳозирги замон репетитор домласига ўхшаб кетарди. Масалан, бир талаба кунжаки домла олдида кунда бир дарс, яъни “Қофия”, “Шамсия” (мантик) ёки “Матни ақоид”дан қўшимча дарс ўқир эди. Айнан шу талаба ушбу домла олдида ёки бошқа бирор кунжаки домла олдида дарсхонада ўқийдиган (яъни мадрасада белгиланган тартибдаги) дарсни ҳам ўқирди. Шундан кейин мазкур талаба дарсхонада ўқиши лозим бўлган дарсни дарсхона домласи (мударрис) бўлган катта домла олдида такрор ўқирди. Баъзан шундай ҳоллар ҳам бўлиб турардики, айрим сабабларга кўра (масалан, дарсни яхшироқ ўзлаштириш учун ёки домла билан яқинроқ алоқада бўлиш учун) бир талаба бирор дарсхонага бориб дарсни учинчи бор ўқиши ҳам мумкин эди. Шундай қилиб, талаба кундалик дарсни икки, уч, баъзан тўрт жойда ўқирди³²⁰.

Қўшимча дарсларни домла иқтидорли талабаларга ўз уйида ёки бирон мадрасанинг бирор хужрасида ўтиши мумкин эди. Масалан, мударрис Мулла Абдусаломнинг таклифига биноан, Садриддин Айний ундан “Мухтасари виқоя”- мусулмон ҳуқуқшунослигини ўрганган³²¹. Аммо Мулла Абдусалом каби фанни пухта билган, уни аниқ, равшан ва тушунарли қилиб талабаларга етказиб берадиган домлалар билан бир қаторида ўзи тўғрисида сохта шухрат орттирган домлалар ҳам бўлган.

Д.Н.Логофетнинг маълумотига қараганда, ўрта тоифадаги мадрасаларда мадраса талабалари 3-10 йил давомида араб тили, мусулмон ҳуқуқи, форс тили, форс адабиёти, шунингдек, мушкулот (фалсафа)ни ўрганганлар. Бундан ташқари, риёзиёт (арифметика) бутун сонлар ва тўрт амал доирасида, илм-ул фароиз, ҳандаса

³¹⁷ Ҷама жойда, 12924/11 швептар.

³¹⁸ Бухоро Давлат меъморий-бадний музей-қўриқхонаси қўлёзма фонди. 12779/11 швептар.

³¹⁹ ҶАР МДА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 20-шх, 6-варақ.

³²⁰ Маъл. Н. Туземташ шкoла // Туркестанские ведомости, 1884 – 30 октябр.

³²¹ Айний С. Бухара (Воспоминания). – Душанбе: Ирфон, 1981. – С.40-75.

(геометрия, мерос ҳуқуқи билан боғлиқ ерни ўлчаш, ҳисоблаш масалаларини ечишга қаратилган фан), ислом тарихи (турли китоблардан қисқартмалар тарикасида), жуғрофия, нужум фанлари ўқитилган. Олий мадрасаларда илоҳиёт, фалсафа ва ҳуқуқ фанлари кенгайтирилган ва чуқурлаштирилган тарзда ўрганилган. Бу ўқув юртида ўқиш камида 3-4 йил давом этган ва уни битирганлар олий даражадаги мутахассис ҳисобланган³²².

Демак, тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришига қараганда Ўрта Осиёда, жумладан, Бухоро амирлигида мавжуд бўлган мадрасаларда фақат диний асосдаги фанлар ўқитилмаган. Бундай йўналишдаги фанлар мадраса таълим тизимида катта ўрин эгаллаган, баъзиларида эса унинг асосини ташкил этган. Масалан, йирик мадрасалардан бўлган Нодир Девонбеги мадрасасида мударрислик қилган муфтий асосан фикҳ каби шаръий фанлардан дарс ўтган³²³. Айни пайтда мадрасаларда диний билимлардан ташқари мантиқ, нотиклик, математика (риёзиёт), геометрия (ҳандаса) каби фанлар ҳам ўқитилганлиги рус ҳукумати маъмурлари томонидан ҳам эътироф этилган³²⁴. Аммо мантиқ, фалсафа, ҳандаса, арифметика каби предметлар бўйича ёзилган дарсликларнинг кўпроқ араб тилида эканлиги мазкур соҳалардаги билимларни луғатлар ёрдамида ўзлаштиришни тақозо этган ва бу ҳол ўқув жараёнини янада мураккаблаштирган³²⁵.

Мадрасаларда таълимнинг қуйи босқичида дарс ўтилганларни такрорлаш билан бошланган. Билимларни текшириш мударрис берган саволлар орқали ўтказилган. “Шарҳи Мулло” китобини ўқишга ўтилгач, такрорлаш дарслари тўхтатилган.

Мадрасалар ўқув дастурларида мантиқ масалаларига бағишланган дарсликлар (“Ар-Рисолат уш-Шамсия” китоби³²⁶, Абу ал-Фатҳнинг “Мажмуайян мантиқ” рисоласи³²⁷ ҳамда “Мантиқ масалалари юзасидан” рисола³²⁸ ҳамда “Мантиқ” каби китоблар) алоҳида ўрин тутган. Масалан, араб тилида ёзилган муқаддима ва учта мақолани ўз ичига олган “Ар-Рисолат уш-Шамсия” китобида асосан мантиқ илми қондалари ҳақида баҳс юритилган³²⁹. Бундан

³²² Догофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. – С.340.

³²³ Жуманазар А. Мадорик. Ўргинмак китоби. – Б.88.

³²⁴ Напиккин В. Школа у түземцев Средней Азии // Туркестанские ведомости, 1898. – 8 августа.

³²⁵ Зинева Д. XIX аср охири-XX аср бошида Туркистонда анъанавий таълим тизими муаммолари // Тошкент ислом университетини илмий – таҳлилий ахбороти. – Тошкент, 2009. – №.3. – Б.10.

³²⁶ Бухоро Давлат мейморий-бадиий музей-қўриқхонаси кўлёма фонди. 10742/11 илвентар.

³²⁷ Бухоро Давлат мейморий-бадиий музей-қўриқхонаси кўлёма фонди. 23535/11 илвентар.

³²⁸ Ўша жойда, 2811и/и илвентар.

³²⁹ Ўша жойда, 10742/11 илвентар.

ташқари, мантиқ дарсида ўтилган Нажмиддин Насафий томонидан ёзилган “Ал-рисола ал-шамсия фи-л-қавоид ал-мантиқ” китоби мантиқ моҳиятини англаб етишни ўргатган³³⁰. Архив маълумотларига кўра, мадрасаларда олий мантиқ фани ҳисобланган “Тавсиҳ” дарсида Қуръон, ҳадис, ижмо ва киёс ҳақида умумий маълумот берувчи фан ўтилган³³¹.

Шунингдек, Бухоро мадрасаларида Қаҳистоний томонидан араб тилида ёзилган “Жомий ур-румуз” фикҳ китоби ҳам дарслик сифатида ўқитилган³³². Фикҳ китоблари асосан икки нарса устида баҳс юритади: 1) Аллоҳ таоло ва банда орасидаги муносабат (ибодатлар). 2) Инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар.

Бухоро мадрасаларидаги ўқув дастурига кўра “Талхиз” номли дарслик араб тилининг нозик жиҳатларини тушуниш, араб тили нутқини ўрганиш учун ёзилган бўлиб,³³³ бу китобга “Мухтасар ул-Маони” деб номланган “Шарҳи Талхиз” ёзилган ва шарҳланган.

Бундан ташқари, мадрасаларда “Тавсир-ул-Жалолайн”³³⁴ китоби ҳам ўрганилган. Бу китоб Қуръони Каримни тафсири бўлиб, Ҳусайн Воиз Кошифий қаламига маснуб ва жуда машҳур китоб ҳисобланган. Дунёнинг деярли барча мадрасаларида бу китоб ўрганилган.

Ўқиш жараёнида Қуръони Карим ва бошқа бир қанча мавбаларни ёд олиш мадраса талабаларининг хотирасини мустаҳкамлаган. Катта-катта парчаларни ёд олиш гарчанд “кўр-кўрона ёд олиш” дейилсада, аммо бу хотирани мустаҳкамлаган. Шу тўғрисида бўлса керак, мадрасаларни тугатганлар мушоҳада давраларида ўз мулоҳазаларини диний китоблар, Ҳофиз, Жомий, Фузулий, Навоий, Саъдий, Бедил асарларидан келтирилган фикрлар билан асослаб, ўз ҳозиржавобликлари билан эътибор қозонганлар.

Хуқуқшунос олим З.Муқимовнинг ёзишича, мадрасаларда ўқитиладиган мусулмон ҳуқуқи таълими ислом ҳуқуқий фалсафаси сифатида бир-бири билан боғланган олтига илмий соҳани бирлаштирган: 1) “Илм-ат-тафсир ул-Қуръон” - Қуръонни шарҳлаш ҳақидаги илм; 2) “Илм ул-Ҳадис” - Ҳадис илмлари; 3) “Илм ул-усул ад-дин” - дин асосларини ўрганадиган фан; 4) “Илм ул-фикҳ” - ҳуқуқ асосларини ўрганадиган фан; 5) “Илм ул-усул фикҳ” - фикҳ (ҳуқуқ)

³³⁰ Остроумов Н.П. Исламоведение. Введение в курс исламоведения. – Ташкент, 1914. – С.193.

³³¹ УЗР МДА, 1-фонд, 12-рўйхат, 1-итт, 88-89-вақчалар.

³³² Қаҳистонийнинг Жомий ур-румуз китоби Бухоро шаҳридаги Мир Араб мадрасасининг кутубхонасидан олинди.

³³³ Талхиз китоби Бухоро шаҳридаги Мир Араб мадрасасининг кутубхонасидан олинди.

³³⁴ Тавсир ул-Жалолайн китоби Бухоро шаҳридаги Мир Араб мадрасасининг кутубхонасидан олинди.

тармоқларини ўрганадиган фан; 6) “Илм ул-фароиз” - мерос ва уни бўлиш масалалари тўғрисидаги фан³³⁵.

Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг араб тилида ёзилган “Мухтасар ул-виқоя” деб номланган рисоласи Бухоро мадрасаларида дарслик сифатида ўқитилган. Бу китоб кўпинча “Мухтасар” деб юритилади. “Ҳидоя” китобидан 11 марта қисқартириб олинган фикҳий масалалар ҳам бу китобда ўз аксини топган. Масалан, бу китобнинг 5-бетига: “Ғуслда бўлмаган таҳоратсиз киши оёққа маҳси кийиб масҳ тортиши жоизлиги”³³⁶ айtilган. Ушбу китобнинг биринчи бўлимида намоз, таҳорат, закот ва ҳаж тўғрисида маълумотлар берилган³³⁷.

Бухоро мадрасаларида фикҳ илмини ўрганиш учун талабалар “Ҳидоя”, “Илми Фароиз”, “Илми Қироат”, “Мухтасар ул-виқоя”, “Шарҳ ул-виқоя”,³³⁸ “Усули фикҳ”, “Илми калом” каби китобларни тўла ўрганиб чиқишлари талаб этилган³³⁹. Қайд этилганлардан “Илми фароиз” бевосита фикҳга тегишли бўлиб, у мерос ҳуқуқини ўрганган, ворислар ўртасида молк-мулкни бўлиш масалаларини ҳал қилишда ёрдам берган, шу билан бирга риёзат (математика)ни ўрганиш шарт қилиб кўйилган. Чунки математик ҳисоб-китобни билмаган киши мерос қилинган мол-мулкнинг ҳисоб-китобини қилолмас ва турган гапки, адолатли ҳукм ҳам чиқара олмас эди³⁴⁰.

Математиканинг тўрт амали яхши ўзлаштирилгандан кейин геометрия фани ўқитила бошланган. Ер майдонларини ўлчаш, оддий фигуралар, учбурчак ва тўртбурчаклар тўғрисида маълумот берилган. Бу билимлар албатта ерни ўлчаш ва ворислар ўртасида ерни тақсимлаш, ерни сотиб олиш ва сотиш масалаларини ҳал қилиш учун керак бўлган. Шу маълумотлар билан математикани ўрганиш якунланган³⁴¹.

Мадрасаларда Муҳаммад Иззатнинг “Жоми ул-Муаллим” деб номланган китоби ҳам дарслик сифатида ўтилган. Ушбу дарслик Муҳаммад ибн Мусо Хоразмийнинг “Алжабр ва ал-муқобала” китоби асосида тузилган. Бу китоб алгебра фанини ҳамда тақвим жадвалларини ўз ичига олган. Бундан ташқари бу китобда

³³⁵ Муқимов З. Моавруннаҳр фикҳ мактаби. – Самарқанд, 1997. – Б. 42.

³³⁶ Бухоро Давлат меъморий-бадрий музей-қўриқхонаси кўлёзма фонди. 25988 / 11-инвентар.

³³⁷ ЎзР МДА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 61- иш, 22-варақ.

³³⁸ Остроумов Н.П. Исламоведение. Шарҳат. – Ташкент, 1912. – С. 18.

³³⁹ Бухоро Давлат меъморий-бадрий музей-қўриқхонаси кўлёзма фонди. 25298/1 Инвентар.

³⁴⁰ Бухоро Давлат меъморий-бадрий музей-қўриқхонаси кўлёзма фонди. 20453/1 Инвентар.

³⁴¹ ЎзР МДА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 61- иш, 22-варақ.

геометрияга оид муҳим масалалар, космография, механика ва ер билимларига оид соҳалар ҳам атрофлича ёритилган³⁴².

Садриддин Айнийнинг қайд этишича, Бухоро мадрасаларида дин илми билан барабар ҳисоб, ҳандаса, тарих, таботат, ҳикмати табибия, маънавия, адабиёт каби фанларга ҳам аҳамият берилиб, ўқитилар эди³⁴³. Шунингдек, Садриддин Айнийнинг қайд этишича, “Ҳисобни, умуман математикага оид дарсларни ўқишни истаган талаба бу фаннинг мутахассисини топиб, унинг олдида ўқирди. Адабиётни истаган одам у билан хусусий тарзда шугулланарди. Она тили бошланғич (анъанавий) мактабларда ва мадрасаларда дарс қилиб ўқитилмагани каби, ўқув китобларининг тили бўлган араб тили ҳам дарс қилиб ўқитилмас ва юқорида айтилгани каби фақат араб тилининг сарфу наҳви ўқитиларди. Она тилини ҳар бир талаба эски китобларнинг муталаасидан ўқир эди”³⁴⁴. Шунинг учун ҳам мадрасада таҳсил олган талаба мударрис раҳбарлигида форс тилида ёзма равишда ўз фикрINI баён эта олган,³⁴⁵ деб ёзган эди ўша давр матбуоти.

Ўз вақтида Бухорога ташриф буюрган А.Леманн, П.Демезон ва барон Мейендорф Бухоро мадрасаларида бўлиб, бу ерда жаҳон тарихи сифатида иккита асар: “Ҳабиб-ус-сияр” ва “Равзату-с-сафо” ўқитилгани, мударрислар Александр Македонский ҳақида маълумотга эга эканлигини ёзиб қолдиришган³⁴⁶. 1911 йилда Фотиг Каримов томонидан ёзилган “Тарих” деб номланган асар ҳам мадрасаларда дарслик сифатида ўқитилган³⁴⁷.

Айрим мадрасалар алоҳида ихтисослашганлиги боис, уларда махсус фанлар ўқитилган. Масалан, табиблар тайёрлашга мослашган Дору-ш-шифо мадрасасида Абу Али ибн Сино, ар-Розий, Абу Ҳасан Али ибн Ризвон Мисрий, Субҳонқулихон каби табибларнинг асарлари ўрганилган. Бундан ташқари 1511 йилда ёзилган, 101 бетдан иборат Муҳаммад Юсуфнинг “Тиббий Юсуфий” деб номланган рисоласи тиббиётга тааллуқли маълумотлар ҳақида

³⁴² Бухоро Давлат меъморий-бадний музей-қўриқхонаси қўлёзма фонди. 29011/11 инвентар.

³⁴³ Айний С. Бухоро инқилоб тарихи учун материаллар // Асарлар. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1963. 1 том. – Б. 184.

³⁴⁴ Айний С. Бухоро инқилоб тарихи умум материаллар // Асарлар. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1963. 1 том. – Б. 200.

³⁴⁵ Налькин В. Школа у түземцев Средней Азии // Туркестанские ведомости. 1898. – 8 августа.

³⁴⁶ Алке Фон Кюгельген. Легитимация среднеазиатской династии мангытов в произведении их историков (XVII-XIX вв.). – Алматы. Изд.: Дайк-пресс, 2004. – С. 177-178.

³⁴⁷ Бухоро Давлат меъморий-бадний музей-қўриқхонаси қўлёзма фонди. 27863/11 инвентар.

бўлиб, табибларни тайёрлайдиган мадрасаларда дарслик сифатида ўқитилган³⁴⁸.

Талабанинг турар жойи билан дарсхона бошқа-бошқа жойда бўлган ҳолларда талабалар икки-уч чақиримлик йўлни босиб ўтишларига тўғри келган. Талаба ўқиш вақтидан бошқа ҳар бир дарс учун икки-уч соат вақт сарф қилишга мажбур бўларди. Одатда, мадрасаларнинг мударрислари, айниқса, ном чиқарган катта домлалар бир кунда ўртача, соат саккиздан ўн иккигача (тушликкача) дарс беришни ўз зиммаларига олардилар³⁴⁹.

Мадраса дарсларини тамом қилган талабаларга Куръон тафсири, пайғамбар ҳадислари, фикҳи исломийдан дарс беришга ижозат берилган³⁵⁰.

Бухоро мадрасаларини тугатган талабалар махсус гувоҳнома берилган. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институтида Самарқанддаги Улуғбек мадрасасини тугатган балхлик Шамсиддин Муҳаммадга берилган гувоҳнома-санаднинг нусхаси сақланмоқда. Унда мадрасада ўқитилган фанларнинг номлари келтирилган³⁵¹. Қўлимиздаги айрим ҳужжатлар – *ижозатномалар*да устоз домлаларнинг ўз шогирдларига дарс бериш ҳуқуқини берганлари ёзилган.

Мадрасаларда ўқитиладиган ўқув фанларнинг таркиби, анъанавий тарзда ташкил топиши билан бирга, талабаларнинг факультатив, яъни ихтиёрий равишда ўрганадиган илмлардан ҳам ташкил топган.

Шу тарихда Бухоро мадрасаларида талабалар 18-20 йил давомида жуда кўплаб диний-фалсафий, диний-ҳуқуқий йўналишдаги китобларни, қўлланмаларни, шарҳларни (глоссарийлар), шарҳларга ёзилган шарҳларни (яъни субкомментарияларни) ўрганиб чиқишга мажбур эдилар. Мадраса талабаси, албатта, бу китобларнинг ҳаммасини мукамал ўзлаштира олмаган, асосан, улардан керакли жойларини ёд олиш, айрим қисмларини шарҳлаб бериш билан чегараланган. Мадрасадаги олий таълимнинг бутун қийинчилиги ва машаққати ҳам ана шунда эди. Араб тилини мукамал ўзлаштириш, китобларга ёзилган шарҳни ўрганиш кўп вақтни оларди. Тадқиқотчи Д.Х.Зияева таъкидлаганидек, “Иқтидорли талабаларни мустасно қилганда,

³⁴⁸ Ҳшл жойла, 13385/11 инвентар.

³⁴⁹ Млев Н. Тузминая школа // Туркестанские ведомости, 1884. – 30 октябрь.

³⁵⁰ Бухоро Давлат мезъорий-бадний музей-қўриқонаси қўлёзма фонди. 32352/1 Инвентар.

³⁵¹ Ахмедов Б. Улуғбек. Историческая повесть. – Ташкент: Камалак, 1994. – С. 109.

аксарият талабалар учун анча мураккаб бўлган, фақатгина дарс жараёнида қўлланилган, кундалик мулоқотда истеъмолда бўлмаган араб тилида таълим олиш ўқув жараёнини мураккаблаштирган”³⁵².

Дарҳақиқат, мадрасаларда кейинги асрларда хошиячиликка катта эътибор берилган³⁵³. Хошия-муайян китобга қўшимча, шарҳ ва изоҳлар,³⁵⁴ яъни Қуръондаги айрим тушунилиши қийин бўлган жумла ёхуд сўзни шарҳлаб, китоб хошиясига ёзиш ва шу юзасидан мунозара олиб боришдан иборат бўлган. Абдурауф Фитрат, хошияга шарҳнинг шарҳи деб таъриф берган³⁵⁵. Ҳақиқатан ҳам хошия (шарҳ)лар ҳар бир китобга ёзилган. Масалан, “Ақоид” китобига Хаёлий, Мулла Аҳмад, Абдулҳаким, Асомиддин, мулла Қосим Хорпутий, Сарихларнинг хошияси ёзилган³⁵⁶.

Кўп сонли хошия китобларини мадраса талабалари 7-10 йил давомида ёдлаганлар. Аммо нафақат мадраса талабалари, ҳатто мударрисларнинг ўзлари ҳам бу хошия китобларини яхши тушунмас эдилар. Шунинг учун ҳам Яқин ва Ўрта Шарқ мусулмонлари ва ҳатто Россиядаги мусулмон ўлкаларидаги мадрасаларнинг мударрислари ҳам ўқиган билан ҳеч қандай фойдаси бўлмаган бу хошия китоблардан аллақачон воз кечган эдилар. Аммо, Бухоро мадрасаларининг кўпчилигида бунга ҳамон катта эътибор бериларди.

1911 йилнинг бошларида Бухоро мадрасаларининг бир гуруҳ талабалари мадрасалардаги ўқитиш тизимини ислоҳ қилиш лозимлиги ҳақида амир Саид Олимхонга ариза топширдилар. Талабалар, мадрасаларда ҳеч бир тартиб ва қоида йўқлиги, асосий фанлар ўрнига аҳамиятсиз хошия ва шарҳлар ўргатилаётганлиги, талабаларнинг моддий аҳволи оғирлашиб кетганлиги, ажратилган вақфдан фойдаланишнинг имконияти йўқлиги ва бошқа камчиликлар устидан шикоят қиладилар. Амир аризада кўрсатилган камчиликларни тузатишга буйруқ берди. Лекин мутаассибчиларнинг талабига биноан қозикалон Баҳоҳўжа амирни биринчи буйруқнинг акси бўлган, яъни мадрасаларда ислохотларни манъ қилиш тўғрисида буйруқ чиқаришга қўндиради³⁵⁷.

³⁵² Зияева Д. XIX аср охири-XX аср бошида Туркистонда анъанавий таълим тизими муаммолари – Б.10.

³⁵³ ЎЗР МДА, 1010-фонд, 1-руйхат, 66-ши, 32-варақ.

³⁵⁴ Налишкин В. Что дает Средне-Азиатская мусульманская школа в образовательном и воспитательном отношении? С.-Петербург, 1900. – С. 242.

³⁵⁵ Фитрат А. Танланган асарлар. 1-жилд – Б. 57.

³⁵⁶ Фитрат А. Мунозара. – Б. 128-62.

³⁵⁷ ЎЗР МДА, 2-фонд, 1-руйхат, 268-ши, 7-13-варақлар.

Абу Наср ал-Курсавий (1776-1812), Шаҳобиддин Маржоний (1818-1889), Аҳмад Дониш (1827-1897) каби йирик уламо ва маърифатпарварлар Бухорода ислом динини ислоҳ қилиш фикри билан чиқиб, муайян дастурлар тузишган³⁵⁸.

XIX аср бошида Бухоро мадрасасида мударрислик қилган Абу Наср ал-Курсавий Бухоро шаҳридаги 200 га яқин мадрасани ислоҳ қилиш ғояси билан чиққан мударрисларнинг раҳнамоси эди. Аммо бу ҳаракат қаршиликка учради. XIX асрнинг бошида таниқли татар олими Абу Наср ал-Курсавий бошлаб берган диний-ислоҳотчилик ҳаракати XIX асрнинг охирига келиб анча жонланган эди. Бухоро амирлигида ушбу ҳаракатга татар маърифатпарвари Ш.Маржоний, бухоролик Хўжа Надомий, домла Ҳожибой, самарқандлик қози Абу Саид, вобкентлик Мўмин Хўжа, бойсунлик Мулло Худойберди бошчилик қилар эди. Буларнинг ҳаммаси Бухоро шаҳридаги мадрасаларда мударрислик қилар ва мадраса таълимини ислоҳ этиш тарафдорлари эди³⁵⁹. Улар мадраса таълимидан эскирган, кераксиз китобларни (шарҳларни) чиқариб ташлашни, мадрасада дунёвий фанларнинг ҳам ўқитилишини, Куръонни таржима қилишни талаб этишди. Аммо ислоҳотчилик ғояси билан чиққан Хўжа Надомий, домла Ҳожибой, Мулло Худойбердилар амир томонидан жазоланишди³⁶⁰. Шаҳобиддин Маржоний эса Бухорони тарк этди.

XIX аср охирида Аҳмад Дониш ҳам мактаб ва мадрасаларда ўқитишни ислоҳ қилиш ғояси билан чиқади. Садриддин Айнийнинг хотирлашича “Бухоронинг порлоқ юлдузи Аҳмад Дониш” ўз китобида расмий муллаларни кескин танқид қилиб, уламо ва умаро орасида бўлган тартибсизликларни очиб берган, дарс усулларининг нуқсонларини ва Бухоро мадрасаларида ўқитилатургон дарсларнинг бир нарсага ярамаслигини ҳеч кимдан кўрқмасдан ошкор этган³⁶¹. Аҳмад Дониш “Давлат қурилиши ва кишиларнинг ўзаро муносабатлари ҳақида рисола”сида Амир Музаффарга мурожаат қилиб, мамалакатда ислоҳотлар ўтказишни даъват этади. Аммо амир ва унинг яқинлари унинг бу ислоҳотчилик ғояларига жавоб беришни ҳам лозим топмайдилар. Аҳмад Донишнинг ғояларини замонасининг илғор зиёлиларидан Мулла Каромат, Дилқаш, Муҳаммад Солиҳ, Мулла Искандар, Қори Камол, Музтариб ва Мир Отажон каби қатор

³⁵⁸ Ризабов Қ. XX аср бошларида Туркистон ёнлари // Ҳуқуқ ва бурч. 2000. – №2. – Б.37.

³⁵⁹ // Учқул, 1923. – №2. – Б. 4-6.

³⁶⁰ Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар // Асарлар. – Тошкент: 1963. 1 том – Б.16.

³⁶¹ Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар // Асарлар. – Тошкент: 1963. 1-том. – Б.198.

замондошлари қўллаб-қувватлайдилар. Унинг “Наводир ул-вақое” номли китоби ҳам шу гоёлар билан суғорилган эди³⁶².

Абдурауф Фитрат “Мунозара” китобида “Фаранги” тилидан шундай дейди: “Ажабо, бир жумлани ўқиш бир кундан ортиқ вақт талаб қилмайди-ку?! Улар нима учун бир жумла кетидан бир йил югурадилар?” Фарангининг бу саволига бухоролик мударриснинг жавоби шундай: “Ҳошия ўқийдилар, ҳошия!”³⁶³. Бу ерда шу нарса англашилаяптики, мадраса талабаси араб тилида битилган китобга ёзилган шарҳни мукаммал ўрганиб олиши учун бир йил вақтини сарфлаган. Фитрат фаранги тилидан яна шундай дейди: “Бу не беҳудалик, нечук вақт ўтказишдирки, Бухоро мардуми бунга гирифтор бўлмиш? Ўттиз тўққиз йиллик кимматли ва азиз умрини бир муфтига беҳуда сарф қилгач, кейин мазкур пуч ва бемаъни тадқиқотнинг тадрисига (киноя билан айтилган: ҳақиқат дарсига) машғул бўлдилар, аммо, таҳсили вожиб бўлган Тафсир, Ҳадис, Фикҳ, Усули фикҳни ўрганиш вақти қачон келади ва яна бу йигирма йилда Наҳв, Мантик, Ақоид, Ҳикматдан ўқиган бўлсалар ҳам фақат уларнинг дебчаси экан. Мазкур илмларнинг аслини, фойдали асосий қисмини қачон ўқийдилар?”³⁶⁴. Қайд этилганидек, мадрасаларда диний фалсафа ва ислом ҳуқуқи асосларини ўргатувчи фанларга ҳошия ва шарҳлардан ортиб, навбат ҳам келмаган.

Бухоро шаҳридаги таниқли муфти, домла Икром ҳам исломни мутаассиблик, ақидапарастликдан халос этиш, таълим тизимини ислоҳ қилиш, маъносиз ва фойдасиз турли шарҳлар ва ҳошиялардан воз кечиш, ислом таълимотининг асосий манбаларини ўқитиш, дарс жадвалига дунёвий билимларни киритиш учун курашишга катта куч-ғайратларини сарфлайди. Бу борада амир, муфти, қози ва уламоларнинг сиёсатини танқид қилади. Уларнинг кирдикорларини очиб ташлайди. У ўзининг жаҳид мактаблари, умуман, Бухородаги халқ таълимига тегишли бўлган фикр ва изланишлари натижасини умумлаштириб бир рисола ёзади, уни чоп эттириб, халқ орасида тарқатади. 1910 йилда Янги Бухоро (ҳозирги Когон) шаҳрида нашр этилган ушбу рисола “Уйқудагиларнинг уйғониши ва нодонларнинг огоҳ бўлиши” деб номланиб³⁶⁵, унинг биринчи қисмида жамиятдаги умумий камчиликлар очиқ танқид қилинган бўлса, иккинчи қисми ҳокимлар, қозилар, уламоларга тегишли бўлиб, уларнинг фиску-

³⁶² Ахмад Доғиш. Путешествие из Бухары в Петербург. – Сталинабад: Таджикгосиздат, 1960. – С. 16-19.

³⁶³ Фитрат А. Мунозара. – Б. 128.

³⁶⁴ Уша жойда, – Б. 129.

³⁶⁵ Ражабов Қ. Еш бухороликлар // Бухоро мақаллари. 2005. – №2. – Б. 27.

фасодлари очиб ташланади, сўнгида эса илгари сурилаётган халқ таълимини ислоҳ қилиш гоълари шариат меъёрлари асосида исбот қилинади. Домла Икромнинг фаолияти албатта ҳукуматга ёкмайди. Амир уни икки марта Бухородан сургун қилади³⁶⁶.

Бухоро мадрасаларида ўқув жараёнида талабаларнинг кўп вақти асосий бўлмаган китобларни ўқишга, кераксиз бўлган жумлаларни мутолаа қилишга кетиши ҳақида С.Айний шундай ёзади: “Амир Музаффар даври салтанатида расмий дарсларда шарҳ ва ҳошияларга кўп эътибор қаратилиб, умумий фанлардан, тафсир ва ҳадисдан нишона қолмаган. Амир Абдулаҳад даврида бора-бора иш шул даражага келдиким, расмий шарҳлар ҳам орадан бутунлай йўқолиб, китобларнинг дебоча ва ҳошияларидан бир қадар жамлаб, мажмуаи исмида таъб қилдириб ўқидилар. Талабаларнинг 18-20 йиллик мадраса ҳаёти расмий китобларни тамом ўқимоқ нари турсин, мазкур китобларни кўрмасдан ўтиб кетатурган бўлди”³⁶⁷.

Садриддин Айний бу аҳволнинг сабабчиси сифатида шайбонийлар ҳукмдори Абдуллаҳон II томонидан мадраса мударрисни қилиб тайинланган шерозлик олим Мавлавий Мирзожонни кўрсатади. Абдуллаҳон мадрасаси мударрисни бўлган Мавлавий ўзининг шахсий изоҳ ва шарҳларини мадрасада ягона ўқув материали деб эълон қилган эди ва шундан кейин ҳадис ва тафсир ўрнига мазкур шарҳ ва ҳошиялар ўқиб келинди³⁶⁸.

Бухорода жадидчилик ҳаракатининг ташкил топиши, жадидларнинг маърифатпарварлик ишлари билан шугулланиши оқибатида мадраса таълимини ислоҳ қилиш гоъси илгари сурила бошланган. Мадрасаларни ислоҳ этиш ташаббуси билан чиққан илғор фикрловчи мударрислардан Домла Икром, Домла Аваз, Қори Бурҳон ва бошқалар шарҳлар, узундан узоқ ҳошиялардан воз кечишни талаб қилган³⁶⁹.

Бухоро амирлигидаги мадрасаларда талабаларнинг адабиёт, айниқса, шеърият билан шугулланиши учун бирмунча имкониятлар мавжуд эди. Фитратнинг маълумот беришича, Бухоро шаҳрида масжид ва мадрасалар қошида II та кутубхона бўлган. Уларга ажратилган вақфларнинг бир йиллик даромади 43100 танга

³⁶⁶ ЎзР МДА, 3-фонд, 2-руйхат, 320-қит, 19-20-врақлар.

³⁶⁷ Айний С. Бухоро индилоби тарихи учун материаллар // Асарлар – Тошкент: 1963. 1-том. – Б. 188.

³⁶⁸ Анке Фон Когеелен. Легитимизи среднесазавийской династии мюччюте в произведений их историков. XVIII-XIX в.) – Алматы: Дайк-пресс, 2004. – С. 419.

³⁶⁹ Гафаров Н. История культурно-просветительской деятельности даадилов в Бухарском эмирате. – Художеств. Государственное издательство имени Рахима Даадилова, 2000. – С. 84.

миқдорида бўлган³⁷⁰. Ажратилган вақф ҳисобига китоблар ўз вақтида таъмирланган ва кутубхоналар янги китоблар билан тўлдириб турилган. Қўшбеги архивида шундай маълумотлар бор. Масалан, 1881-рақамли йиғмажидда амир кутубхонасига сотиб олинган 403 китобнинг рўйхати берилган. Бу рўйхатга диний китоблар билан биргаликда Алишер Навоийнинг “Хамса”си каби бир қанча бадиий адабиётлар ҳам кирган. Ушбу далил, Бухорода мумтоз адабиёт, умуман, китобга нисбатан юкори даражадаги муносабатни билдиради³⁷¹.

Кутубхоналар ва кироатхоналар пойтахт Бухоро шаҳрининг деярли барча мадрасаларда, шунингдек, амирликнинг чекка ҳудудларида ҳам бўлган. Масалан, Шеробод, Бойсун, Денов бекликларида кутубхона ва кироатхоналар XX аср бошларида мавжуд эди³⁷².

Абдуллахон II нинг энг ишончли, обрў-эътиборли амалдорларидан бўлган Амир Қулбобо Қўқалдош томонидан Бухорода барпо этилган Қўқалдош мадрасасида вақф мулкига ўтказилган китоблар рўйхатида “Кутуби ҳадис”, “Тафсир”, “Фикҳ”, мантиқ ва тиббиётга оид китобларнинг номлари келтириб ўтилган. Қўқалдош мадрасасининг вақф ҳужжатида унинг муассиси қайд этган шартга кўра, вақфга ўтказилган китоблар икки мутаваллининг ихтиёрига берилган. Уларнинг бири мадраса вақфининг кўчмас мулк мутаваллиси, иккинчиси эса кутубхона мутаваллиси бўлган³⁷³.

Бухоро мадрасаларида кутубхона ва уларда хизмат кўрсатадиган махсус китобдор лавозими мавжуд бўлиб, у кутубхонада сақланаётган китобларнинг сони ва сифати учун жавоб берган. Бухоро мадрасаларида кутубхоналар махсус биноларда жойлашган, уларда ҳарорат ва ҳаво намлиги кузатиб борилган, китоблар аъло сифатли қоғозларга ёзилиб, чарм муқовалар билан муҳофаза қилинган ҳамда махсус чарм сандиқларда сақланган³⁷⁴.

Кутубхоналардаги китобларни сақлаш, шунингдек, кутубхонани китоб билан бойитиб бориш учун ҳам вақфлар тасис этилган. Четдан келган кишиларга иложи борича китоб берилмаган,

³⁷⁰ Фиграт А. Ҳинд сайёҳи кўрсати // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1991. – №8. – Б. 15.

³⁷¹ УЗР МДА, 126-фонд, 1-рўйхат, 1881-нш, 1-варақ.

³⁷² Турсуннов С. Шеробод тарихи. – Денов, 1993. – Б. 13.

³⁷³ Жўраев Г.А. Қўқалдош мадрасасининг вақф ҳужжати // Илмий-таълимий ва маданий мероси учунги мият йиллиқи. Бухоро ва Хива шаҳрларининг 2500 йиллигига бағишланган халқаро симпозиум тезислари. – Тошкент, Ўзбекистон, 1997. – Б. 129-130.

³⁷⁴ Айвӣн С. Бухара. – Душанбе: Ирфон, 1985. – С. 135.

фақат истисно тариқасида, айрим ҳолатлардагина улар китоб олишган.

Бухоро қадимдан илмий бир марказ сифатида ном чиқариб келгани боис мадрасаларда ислом оламида машҳур бўлган китобларнинг барчасини топиш мумкин эди. Қўлёзма китоблар жуда қимматбаҳо бўлгани учун уларнинг миқдори кўп бўлмас эди ва бунинг оқибатида китоб мутолаа қилувчиларга, хусусан, шогирд-талабаларга етишмас эди.

Мадраса кутубхоналарининг китобдори зиммасига китоблар сонини кўпайтириш, таркибини кенгайтириш билан бир қаторда уларни асраш, эскирганларини таъмирлаш каби вазифалар ҳам юклатилган. Масалан, Ғозиён мадрасасининг вақфномасида китобдорга нодир ва нафис китобларни мадрасадан ташқарига чиқармаслик; агар оддий китобларни мадрасадан ташқарида яшайдиган кишига берса, бу шахсдан гаров сифатида икки баробар қимматроқ китобни талаб қилиш; агар вақф китоби йўқолса, яроқсиз ҳолга келиб қолса, гаров китобини мадраса ихтиёрига ўтказиш ва олиб қолиш унинг вазифасига юклатилган.

Дониён оталиқ номидан берилган бошқа бир вақфномада эса китобдорга қўйилган талаблар янада қаттиқроқ бўлиб, вақф китобларини фақат Бухоро шахридан бўлган кишиларга бериш; китобга талабгор кишининг Бухородаги ҳовлиси ва лавозимини аниқлаш; китобга талабгор кишининг лавозими ва ҳовлиси манзилининг қози томонидан тасдиқланишини талаб этиш; қози тасдиқномасини мадрасада олиб қолиб, талабгорга китоб бериш талаб этилган. Агар китобдор ушбу вазифаларни бажаришда камчиликларга йўл қўйса, унинг алмаштирилиши таъкидланган³⁷⁵.

Бошқа бир мадраса вақфномасида вақф таъсисчисининг қайд этилган шартига кўра, мадраса кутубхонасидаги китоблардан муносиб ва ишончли одамларгина фойдаланиши мумкин бўлган, агар китобдор бирон китобни бошқа китобни гаровга қўйиш ҳисобига бераётган бўлса, гаровга қўйилаётган китобнинг нархи кутубхонаниқидан икки баробар юқори бўлиши керак, деб белгиланган³⁷⁶.

Бухоро мадрасаларида вақф қилинган мол-мулкдан белгиланган тартиб бўйича фойдаланиш учун алоҳида қондага амал қилиш талаб этилган. Масалан, талаба мадрасада таҳсил олиш, унинг ҳужрасида яшаш, молиявий таъминот олиш учун ўрнатилган ички

³⁷⁵ Қўлоқов Б. Бухоро эски мадрасаларида таълим ва тарбия // Бухорон шариф, 2008. – 28 июль.

³⁷⁶ Бухоро Давлат меъморий-бадиий музей-қўриқхонаси қўлёзма фонди. N11006/11 инвентар.

тартиб-қоидага риоя этиши шарт эди. Талабалар узрли сабабсиз мадрасани маълум муддатга тарк этиши мумкин эмасди. Акс ҳолда бундай талаба ўқиш ва яшаш жойидан маҳрум этиларди. Ушбу муддат ҳамма мадрасада ҳам бир хил қилиб белгиланмаган эди. Масалан, бу муддат Асирий мадрасасида 40 кун, Абдуллахон мадрасаларида (ғарбий ва шарқий) 60 кун, Авазбой араб мадрасасида эса 70 кун деб белгиланган³⁷⁷.

Бухоро мадрасаларида талабаларнинг тарбиясига алоҳида эътибор берилган. Айни ҳолда, талабаларнинг ялқовлик ва хусусан, ахлоқсизлик қилишига йўл қўйилмаган. Мадрасалардаги тарбия жараёнини шартли равишда иккига ажратиш мумкин: 1) таълим жараёни самарадорлигини таъминлашга қаратилган тарбиявий чоралар; 2) таълим билан узвий боғлиқ бўлган ахлоқий тарбияга йўналтирилган чоралар. Масалан, Ғозиён мадрасаси вақфномасида тарбиявий тадбирлар аниқ кўрсатилган. Кўпинча чора-тадбирлар моддий жазо шаклида бўлган. Дарсларни ўзлаштириш соҳасида таълим дастурининг бажарилмай қолган қисми аниқланиб, бундай талабаларнинг ўқиш натижалари қониқарсиз ҳисобланган ҳамда улар мадраса хужрасида яшаш ҳуқуқидан маҳрум этилган ва уларга нафақа бериш тўхтатилган. Яна бир жазо чораси: агар талаба бир ҳафта давомида дарсларга узрсиз қатнашмаса, унинг нафақаси тегишли миқдорда камайтирилган³⁷⁸, агарда талаба мадрасада олти ой кўринмаса у умуман нафақа олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган³⁷⁹.

Ахлоқий тарбия бериш ҳам моддий жазо асосига йўналтирилган эди. Абдуллахон мадрасасининг вақф шартига кўра, талаба тартибга хилоф ишлар билан шугулланса, хужрадан қувилиб, ўқишдан ҳайдалган³⁸⁰. Албатта, гуноҳкорларга нафақат моддий жазо, шу билан бирга маъмурий жазо чораси ҳам қўлланилганлигини манбалар тасдиқлайди. Хулқи яхши бўлмаган ва ношаръий ишлар билан машғул талабалар мадрасадан қувилган.

Амирлик ҳудудидаги мадрасаларда араб тилида ёзилган дарс жараёнларининг қоидаларига бағишланган тўпламда талабаларнинг юриш-туриши ва тартиб-интизомлари ҳақида маълумот берилган³⁸¹. Мадрасаларда кўнгилхушлик қилишга рухсат берилмаган. Масалан, Мир-Араб мадрасасининг вақфномасида келтирилишича, вақтин

³⁷⁷ ЎЗР МДА, 126-фонд, 1-рўйхат, 1995-нш, 4-варақ.

³⁷⁸ Қазоқов Б. Бухоро эски мадрасаларида таълим ва тарбия // Бухорон шариф, 2006. – 28 июн.

³⁷⁹ ЎЗР МДА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 20-нш, 7-варақ.

³⁸⁰ ЎЗР МДА, 323-фонд, 1-рўйхат, 55-нш, 2-варақ.

³⁸¹ Бухоро Давлат меъморий-бадвий музей-кўриқхонаси қўлёзма фонди. 14440/11 инвентар.

ўйин-кулгу, кўшиқ, куй эшитиш билан ёки бехуда амал билан машғул бўлиб, бемаъни нақш ва расмлар чизиб, вақтини зое кетказганлар беъмани ишлари учун огоҳлантирилиши, шунда ҳам улар қайтмаса, мадрасадан чиқарилиши алоҳида таъкидланган³⁸².

Садриддин Айнийнинг қайд этишича, мадрасаларда ўқитиш бир қанча қийинчиликлар билан боғлиқ бўлган. Айрим мадрасалардан жой олиш ёки мустақил таҳсил олиши учун домлага ҳақ тўлаш, китоб сотиб олиш билан боғлиқ сарф-харажатларни қоплаш, ўқиш давомига эҳтиёжларга зарур маблағни топиш учун талабага анчагина меҳнат қилишга тўғри келар эди. Кўпинча талабалар ота-онасининг бу харажатларни кўтаришга қурби етмаган³⁸³.

Туркистон ўлкасида фаолият кўрсатаётган мадрасалар рус ҳукумати назоратида бўлса, Бухорода назорат маҳаллий руҳонийлар, амир ҳукумати ихтиёрида эди. Бироқ 1912 йилга келиб Туркистон генерал-губернаторлиги маъмурияти вазиятни кескин ўзгартирди. Эндиликда Бухоро мадрасаларида таҳсил олаётган рус фуқаролигига мансуб талабаларнинг юриш-туриши устидан назорат қилиш ҳуқуқи рус полициясига берилди. Бундай вазиятда Россия империясининг Бухородаги сиёсий агентлиги жонбозлик кўрсатди. Бу хатти-ҳаракатлар натижасида талабалар сони 20-25 фоизга камайиб кетди³⁸⁴. Туркистон райони қўриқлаш бўлимининг 1914 йилнинг октябрида Туркистон ўлкасида мусулмон аҳолисининг кайфияти тўғрисидаги ҳисоботида, бу вақтга келиб Бухорода эллик мингга яқин талабалар бўлганлиги, уларнинг ичида хитойлик (қашқар), туркиялик, россиялик (татар) талабалар ҳам мавжудлиги қайд этилади³⁸⁵.

Ёшларнинг мадрасаларга эҳтиёжи катта бўлган ва бу борадаги чекланишлар қаршиликка учраган. Масалан, Бухоро полиция бошқармаси бошлигининг хабарномасида ёзилишича, Бухоро мадрасаларида ўқиш учун рухсатнома беришнинг камайитрилиши ҳақидаги кўрсатма талаба ва домлаларнинг жуда кучли эътирозларига сабаб бўлган ва шаҳардаги вазиятни мураккаблаштирган³⁸⁶.

Бухоро мадрасаларида таълим олиб, Бухорода бир қанча вақт яшаб, ижод этган зиёлилар XIX аср охири ва XX аср бошларида

³⁸² ЎзР МДА, 323-фонд, 1-рўйхат, 16 в-ни, 2-варақ.

³⁸³ Айний С. Эсдаликлар. — Тошкент: Бадий адабиёт, 1953. — Б. 157-232.

³⁸⁴ ЎзР МДА, 461-фонд, 1-рўйхат, 1720-ни, 76-варақ.

³⁸⁵ ЎзР МДА, 461-фонд, 1-рўйхат, 1720-ни, 76-варақ.

³⁸⁶ ЎзР МДА, 3-фонд, 1-рўйхат, 6361-ни, 21-варақ.

кўзга кўринган тараққийпарвар шоирлар бўлиб, жадид адабиётига ўзларининг катта ҳиссаларини қўшган эдилар. Булардан самарқандлик ҳожи Муин Шукрулло (бир неча вақт Бухорода истиқомат қилган жадид намояналаридан), истеъдодли шоир, драматург, йирик олим Абдурауф Фитрат, уламо ва шоирлар Мирзо Муҳсин Ақос Бухорий, Абдулла Кошоний, Мирзо Сирожиддин Ҳаким, Қори Ҳошим Шайх Бухорий, Қори Муҳаммад Шарифжон Маҳдум (Садр Зиё), Мирзо Шоҳ Фаёз Бухорий, Мулло Ҳоди Масрури Бухорий, Саид Маҳмуд Хожа Бухорий, ибн Муҳаммад Аминхожа, Қори Саид Низомий Бухорий, Аҳмаджон Бухорий (Ҳамди), Аҳмади Борбанд, Саид Маҳмуд хожа Низоми Усрушоний (Ўратена), Жавҳари Усрушоний ва бошқаларни айтиб ўтиш мумкин. Бундан ташқари Бухоро ижтимоий ҳаётини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшган Садриддин Айний, Файзулла Хўжаев, Усмон Хўжа, Ҳамид Хўжа Мехрий, Абдумажид Зуфунун, Яхёхўжа, Содикхўжа Гулшаний, Шамсуддин Шоҳин, Қори Абдулкарим Офарин, Ҳайрат Маҳдум, Абдуллахўжа Таҳсин каби тараққиёт учун курашган барча жадидлар ва давлат арбобларини ҳам кўрсатиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, XIX аср охири ва XX аср бошларида Бухоро амирлигидаги мавжуд мадрасалар, яъни ўқув юртлири сон жиҳатдан, ўқишни истаган барча ёшларнинг билим олиш эҳтиёжини қондириши учун етарли бўлса-да, ўқитиладиган фанларнинг таркиби асосан, ислом таълимоти ва мусулмон ҳуқуқи билан узвий боғлиқлиги, дунёвий билим етишмаслиги уларнинг тараққиётига тўсиқ бўлди. Бир томондан, мадрасалар талабаларнинг маънавий қиёфасини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этиб, уларда халқимизнинг минг йиллар давомида шаклланган анъаналари, урф-одат, ахлоқ-одоб меъёрлари, тарихий-миллий кадриятларини саклаб қолишга, уларни камтар, хушмуомалали, ростгўй, олижаноб, сабр-тоқатли, ҳалол қилиб тарбиялашга ёрдам берган. Иккинчи томондан, ўқитиш асосан XI-XII асрларда яратилган китобларни мутолаа қилиш билан чекланиб келганлиги, умумий тараққиётни кўзлаб аниқ тузилган дастурнинг йўқлиги, таълим тизимида бир қанча қийинчиликларни келтириб чиқарди ва жамиятнинг иқтисод, савдо, қишлоқ хўжалиги, фан, тиббиёт каби соҳаларида муаммоларни ечишга хизмат қилмай қўйди.

Мадрасаларда, асосан, илоҳиёт ва фикҳ масалалари бўйича билим берилиб, аниқ фанлар эътибордан четта қолди. Албатта, бу

ҳолат умумий тараққиётнинг сусайишига олиб келди ва бошқа мамлакатлардан орқада қолишга сабаб бўлди.

Хуллас, бу даврда Бухоро амирлигида мадрасалар фаолияти асрлар давомидаги анъаналар доирасида бўлган. Улар моддий таъминоти жиҳатидан давлатдан мустақил бўлиб, асосан хайрия асосида юзага келган вақф мулкчилиги даромадидан фаолият юритган. Мадрасалар бу даврда ҳам Бухоро амирлигида анъанавий маърифий маскан сифатида ўз аҳамиятини сақлаб қолди. Аммо таълим тизимининг диний билим доирасида чекланиб қолиб, дунёвий билимларга етарли эътибор қаратилмаганлиги, она тилида билим берилмаганлиги, замона талабларидан, ривожланган Европа мамлакатларида бу соҳада эришилган ютуқлардан четда қолганлиги сабабли у чуқур ислохотларга муҳтож эди.

III БОБ. XX АСР БОШЛАРИДА АНЪАНАВИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ИСЛОХ ҚИЛИШ ҲАРАКАТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ НАТИЖАЛАРИ

1-§. Ёш бухороликларнинг маърифатпарварлик ғоялари ва фаолияти

Бухоро амирлиги ривожланган мамлакатлардан орқада ва узок бўлмасин тараққийпарварлик ғоялари бу ҳудудга ҳам кириб кела бошлади. Бироқ янги ва илғор қарашларнинг амирликка кириб келиши катта тўсиқларга учради ва мураккаб кечди. Шунингдек, бу жараёнлар ўзига хос хусусиятларга эга бўлди. Ислохотларга талаб ва зарурият айниқса таълим тизимида кучли эди, чунки анъанавий таълим тизимидаги ўқитиш услуби ва ўрганиладиган фанларнинг таркиби давр талабига жавоб бермай қўйди. Мамлакатда савдо-сотик ва маҳаллий саноатни ривожлантириш учун Бухоро сармоядорларига замонавий билимлардан хабардор, ҳисоб-китобни яхши биладиган, янгича фикрлайдиган ёш кадрлар керак эди³⁸⁷.

Маҳаллий сармоядорлар, амалдорлар, зиёлилар Россиянинг йирик саноат марказларига, Европа шаҳарларига, Туркия ва бошқа мамлакатларга сафар қилиб, хориждаги кескин ўзгаришлар ва ютуқларга шохид бўлдилар. Замонавий таълим тизимида дунёвий билимларга муҳим эътибор қаратилганлигини англадилар. Мамлакат келажagini, юрт фаровонлигини ўйлаган тараққийпарварлар халқ таълимини ислох қилиш ғоясини илгари сура бошладилар³⁸⁸.

1908 йилда жадидлар ташкилоти сифатида шаклланган Ёш бухороликлар партияси фаолияти даврида дастлаб маориф ва маърифатпарварлик ишлари билан шуғулланди. Бу ҳаракатнинг мақсади: янги усул мактабларини очиш, болаларнинг саводхонлигини тезроқ чиқариш, мактаб, мадраса, ўқув тизimini ислох қилиш эди³⁸⁹.

Ёш бухороликлар ўз фаолиятлари доирасини кенгайтириб бордилар. Тошкент, Самарқанд, Фарғона водийси шаҳарларида фаолият кўрсатаётган мутафаккирлар билан алоқа боғладилар. Қрим, Туркияга талабалар юбориш, ўз сафларини ўсиб келаётган билимли ёшлар ҳисобига мустаҳкамлашга киришдилар. Шу мақсадда Бухоронинг илғор кучларини бирлаштириш учун жамият керак эди.

³⁸⁷ Назмов Н. Бухоро жадидлари. – Тошкент: Фан, 2000. – Б. 12.

³⁸⁸ Ушга жойда. – Б. 13.

³⁸⁹ Ражабов Қ. Ёш бухороликлар // Ўзбекистон миллий энциклопедияси, III жилд. – Тошкент: Ўз МЭ Давлат илмий нашриёти, 2002. – Б. 494.

Бухоролик жадидлар маориф ва тарбия ишларини жонлантириш учун 1908 йилда “Тарбия атфол” (“Болалар тарбияси”) яширин жамиятини ташкил этадилар³⁹⁰.

Садриддин Айнийнинг қайд этишича, “Жамиятнинг низомномаси эҳтиёж учун ёлғиз илмий бўлиб, сиеъатга қатнашмаслик шарт қилинган бўлса ҳам, жамият аъзолари халқни умумий ислохотга ташвиқ қилар, амирнинг идора фасодларини очиб кўрсатар, аҳолини ушбу идораи золимонага қарши кўзгатар эди”³⁹¹.

“Тарбия атфол” махфий жамиятининг раҳбарлари Садриддин Айний, Абдулвоҳид Мунзим, Аҳмадҷон Ҳамдий, Ҳамидхўжа Меҳрий, Ҳожи Рофеъ ва Мукаммал Бурҳоновлар жамиятнинг ёрдами билан янги усул мактабларида саводини чиқариб олган болаларни Оренбург, Қозон, Уфа, Қрим, Россия ва Туркияга ўқишга юбора бошладилар³⁹². Бундан ташқари “Тарбия атфол” жамияти жадид мактабларни ташкил этиш ва уларга ўқувчиларни жалб қилиш, шунингдек, талабаларни Бухородан Истанбулга ўқишга юбориш ишлари билан ҳам шуғулланганлар³⁹³. Жамиятнинг саъй-ҳаракати билан, 1908 йилда Истанбулда бухоролик ва туркистонлик ёшлардан 14 киши таҳсил олган³⁹⁴. Бадавлат оила болалари ўз ҳисобига, камбағал болалар эса жамият ҳисобидан ўқишга юборилар эди.

“Тарбия атфол” махфий жамияти аъзоларининг сони 1909 йил охирига бориб 20 кишига етди³⁹⁵. Садриддин Айнийнинг ёзишича, кейинги йилларда жамият аъзолари 28 киши бўлиб, ундан 14 киши мулла ва муллаларнинг ўғли, 3 киши мударрис эди³⁹⁶. Жамият фаолиятининг сўнгги йилларида жамият аъзолари сони 100 га яқин бўлиб, уларни Муҳиддин Мансуров, Садр Зиё моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаган.

Амирликда иш юритган император амалдорлари маориф ва илм масалалари билан шуғулланувчи жамият аъзоларини “давлатга қарши суикасд қилувчи” ташкилот деб ҳисоблаб, уни таъқиб эта бошлайди. Шу сабабли жамият фаолияти ўта сир тугилади.

Яширин жамиятга аъзо бўлиб кирган Садриддин Айнийнинг қайд этишича, “Тарбия атфол” жамияти фаолиятининг асосий

³⁹⁰ Ражабов Қ. Файзулла Ҳўжасъ. – Тошкент: Abu matbuot kompani, 2011. – Б. 6

³⁹¹ Айний С. Бухоро илмий тарихи учун материаллар // Асарлар. – Тошкент: Бадий адабиёт, 1963. I том. – Б. 252-253.

³⁹² Уша жойда. – Б. 67.

³⁹³ Аҳмад Зақий Валиди Тўғон. Бугунги Турк эли Туркистон ва яқин тарихи. – Истанбул, 1981. – Б. 354

³⁹⁴ Ражабов Қ. Тарбия атфол // Ўзбекистон моддий энциклопедияси, VIII жилд. – Тошкент: ЎзМЭ Давлат илмий нашриёти, 2004. – Б. 271.

³⁹⁵ Доғимов У. Туркистонда жадид мактаблари. – Тошкент: Университет, 2006. – Б. 61.

³⁹⁶ Айний С. Тарихи инқилоби Бухоро. – Душанбе: Адиб, 1987. – 232 сак.

мақсади: маърифат учун тарғибот олиб бориш, кимки билим олишга ҳаракат қилса, унга ёрдам бериш, янги адабиётлар яратиш, халқ орасида ахлоқий ва тарбиявий мазмундаги газета ва журналларни тарқатиш; жоҳилликка, нодонликка қарши, жаҳолатпарасликка қарши тарғиб этиш, жаҳолатпарастликнинг оқибатларини халққа тушунтириш; амирга қарши, унинг амалдорлари ва қозиларининг шафқатсизлиги, бераҳмлигига қарши тарғибот олиб боришдан иборат бўлган³⁹⁷.

“Тарбия атофол” яширин жамиятнинг дастурида қуйидаги вазифалар кўзда тутилган эди:

1) Илмга чанқоқ ёшларга ҳар жиҳатдан: ҳам иқтисодий, ҳам маънавий ёрдам кўрсатиш. Шу муносабат билан Россиянинг Қозон, Уфа, Боқчасарой ҳамда Туркияга ўқувчилар юбориш масаласига алоҳида эътибор берилди. Айниқса, Истанбул шаҳрида таълим олаётган бухоролик талабалар сони йил сайин ошиб, 1912 йилга келиб, 30 дан ошди. Чунки Бухоро мадрасалари илгор ислоҳотлардан анча йироқ, малакали мутахассислар тарбиялаб етиштиришга кодир эмасди.

2) Бухоро амирлигида газета ва журналлар нашр қилинмаса ҳам Россия мусулмон шаҳарларида ҳамда Туркия ва Эронда нашр қилинадиган матбуот намуналари билан бухороликларни таништириб боришга катта эътибор бериш. Россия сиёсий агентлигининг ҳар қандай таъқиб ва тўсиқларига қарамай, жамиятнинг саъй-ҳаракати билан бундай нашрлар амирликда ҳам кенг тарқала бошлади.

3) Ҳамма жадид мутафаккирлари каби ўринсиз сарф-ҳаражатларга, тўй ва маъракаларга сарф қилинадиган катта-катта ҳаражатларга, исрофгарчиликларга қарши чиқиш. Бундай маблағларни фарзандлар тарбиясига, уларни чет элларга ўқитиш учун сарф қилишга даъват этдилар³⁹⁸.

Жамият аъзоларининг фаолиятини Садриддин Айний шундай таърифлаган эди: “Жамият аъзоларининг ҳар бири доимо қўйнига икки-уч дона газета ва мажмуа ва бир-икки дона адабий, ахлоқий китоб тикиб, хоҳ бозорда бўлсин, хоҳ уйда бўлсин, хоҳ кишлоқларда бўлсин, хоҳ темир йўл сафарларида бўлсин, ҳулосаси, ҳар бир фурсат чиққунча, халққа ўқиб берар, бир оз рағбат кўрсатганларга

³⁹⁷ Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар // Асарлар. – Тошкент: Билим адабиёти, 1963. 1-том. – Б. 234-235.

³⁹⁸ Долимов У. Туркистонда жадид мактаблари. – Тошкент: Университет, 2006. – Б. 61.

мажоний янги адабиёт тарқатиб турар, жиддийроқ ва самимийроқ одам қўлга тушса, газета ва мажмуаларга муштарий қилар эди”³⁹⁹.

“Тарбия атфол” жамияти кўмаги билан А. Фитратнинг “Мунозара”, “Ҳинд сайёҳи баёноти”, “Сайҳа” асарлари, шунингдек, С.Айний, А.Бурҳонов, Икром домла ва бошқаларнинг китоблари Туркияда нашр этилиб, Туркистонда тарқатилди⁴⁰⁰.

Жамиятнинг ўз олдига қўйган бирламчи вазифаси Бухоро ўқув муассасаларини тубдан ислоҳ қилиш эди. Бухорода анъанавий мактабларни ислоҳ қилиш иши, амалда бошланган бўлса-да, олий ўқув юрти ҳисобланган мадрасалар ислоҳи бошланмаган, улар илмли ва малакали мутахассислар тайёрлашдан йироқ эди. Шунинг учун “Тарбия атфол” жамияти иқтидорли ёшлари Оренбург, Уфа, Қозон, Боғчасарой, Истанбул каби шаҳарларда ўқишга юборишни биринчи вазифа сифатида белгилади. Бунинг учун маблағ керак эди. Халқ истикболи, маърифати учун жон куйдирувчи мулкдорлар ҳам, иқтисодий ёрдам берувчи хомийлар-зиёлилар, давлат арбоблари ҳам топилди. Жамиятнинг катта саръ-ҳаракати натижасида фаолиятининг дастлабки йилидаёқ бир гуруҳ ёшлар Истанбулга ўқишга юборилди. Садриддин Айний бу ҳақда куйидаларни ёзади: “Икмоли таҳсил учун Усмоиҳўжа Пулатхўжа ўғли, унинг биродарлари Атохўжа, Мазҳар Маҳзум Бурҳон Маҳзум ўғли, Абдурауф Фитрат, Муқимбек Истанбулга сафар қилдилар. Абдурауф Фитрат мазкур талабаларнинг энг истеъдодлиси ва энг фезили эди”⁴⁰¹. Истанбулдаги ушбу жамиятда асосан бухоролик ва татар талабалари фаол иш олиб борадилар⁴⁰².

1909 йилда Бухорода жадидлар томонидан “Ширкати Бухорои Шариф” номи билан ширкат тузилди. Унинг асосий вазифаси янги усул мактаблари учун дарслик чоп этишдан иборат эди. Биринчи навбатда Садриддин Айнийнинг тажвид қоидаларини (Қуръоннинг махсус қоидаларини тўғри талаффуз қилиниши) ўз ичига олган “Тарти ул-Қуръон” номидаги дарслигини нашр қилишга қарор қилинади⁴⁰³. Уни татар муаллими воситаси билан Оренбург нашриётига топширадилар. Ўша йилнинг ўзида усули савтия (илм қоидалари усули) мактаблари билан танишмоқ учун ширкат

³⁹⁹ Айний С. Асарлар. – Тошкент: Бадийий адабиёт, 1963. 1-том. – Б. 234.

⁴⁰⁰ Ражабов Қ. Тарбия атфол // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. VIII жилд. – Тошкент: ЎзМЭ Давлат илмий нашриёти, 2004. – Б. 271.

⁴⁰¹ Айний С. Бухоро тизмақоби тарихи учун материаллар // Асарлар. 1-том. – Б. 233.

⁴⁰² Ўша жойда. – Б. 236.

⁴⁰³ Ўша жойда. – Б. 202.

томонидан Усмонхўжа, Ҳамидхўжаларни Боғчасарой, Истамбулга юборилади⁴⁰⁴.

Бухорода маърифат тарқатишда, китоб, газета, журналлар билан савдо қилишда, бухоролик ёшларнинг маърифий-сиёсий ҳаракатларининг жонланишида ушбу ташкилотнинг аҳамияти катта бўлди⁴⁰⁵. Бу ҳақда Садриддин Айний шундай деб ёзади: “Бу йил яширин жамиятнинг таъминоти билан икки муҳим иш бошланди. Буларнинг бириси “Маърифат” кутубхонаси, иккинчиси “Баракат ширкати” эди. Насрулло Қўшбеги ушбу кутубхона ва ширкатга расман рухсат берганлигидан, ёшлар ҳаётига яхши бир ёрдам етказди”⁴⁰⁶.

Ушбу хайрия ширкатининг топшириғига биноан Садриддин Айний Самарқандга келади ва бир неча йиллардан бери жадид мактаби очиб, фаолият кўрсатаётган Абдуқодир Шакурий мактаби, унинг ўқитиш усуллари билан яқиндан танишади.

“Баракат” ширкатининг таъсисчилари Фазлиддин Махзум, Абул Ҳаким Махзум, Мирзо Иззатулла Афанди ва Мирзо Абдулвоҳидлар эди. 1915 йилнинг 22 декабрида Бухоро ҳукумати ширкатнинг низомини тасдиқлаб, унинг очиқ фаолияти учун рухсат беради. Ширкат амирликнинг кўпчилик худудларида китоб дўконлари ташкил қилиб, зиё тарқатишни мақсад қилиб қўяди. А.Фитрат ширкат доирасида Туркияга ёшларни ўқишга жўнатиш учун маблағ тўплаш билан шуғулланади⁴⁰⁷. Садриддин Айнийнинг қайд этишича, “Халқ орасида ушбу ширкат “жадидлар ширкати” деб ном қозонган”⁴⁰⁸.

Туркияга ўқишга келган ёшлар томонидан Истанбулда Абдурауф Фитрат бошчилигида 1909 йилнинг охирида “Бухоро таълими маориф жамияти” (“Бухоро маорифини умумлаштирувчи хайрия жамияти”) номи билан очиқ ва расмий бир жамият ташкил этилди. Аҳмад Закий Валидий Тўғоннинг қайд этишича: “Бу жамият Истанбулда бир шўба очарок, бу шўба “Бухоро таълими маориф жамияти” номи билан расмий бир жамият шаклини олди. 1909 йилда Эрон йўли билан Истанбулга келган Фитрат ила Муқимиддин ва

⁴⁰⁴ Ўздоқова Н.А. Фитратнинг Раҳбари пажоат асаридан мухтасар фасллар. – Бухоро, 1996. – Б.3.

⁴⁰⁵ Абдуллаев Й. Янги усул мактаблари // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. X жилд. – Тошкент: ЎзМЭ нашриёти, 2005. – Б. 384.

⁴⁰⁶ Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар // Асарлар. – Тошкент: Балиғ дониш, 1963. I том. – Б. 246-247.

⁴⁰⁷ ЎзР МДА, 3-фонд, 2-рўйхат, 155-нш, 4-8-қараклар.

⁴⁰⁸ Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар // Асарлар. I том. – Б. 247.

Русия йўли билан келган Усмонхўжа, гулжалик Абдулазиз, Содик Ашур ўгли бу жамиятнинг қурувчилари эди”⁴⁰⁹.

Абдурауф Фитрат томонидан ишлаб чиқилган “Низомнома”нинг “Бухоро маорифини умумлаштирувчи хайрия жамияти”нинг хатти-ҳаракатлари” боби жамиятнинг мақсадларини ифодаловчи 14 моддадан ташкил топган:

1-модда. “Бухоро таълими маориф жамияти” Туркистонда ва билхосса, Бухорода нашри улум (илм ёйиши) ва таъсиси макотиб (мактаблар очиш) мақсадида қурилган бир хайрия жамияти бўлиб, ҳеч қандай сиёсий мақсад кўзламагани каби мавжуд жамият сиёсатга ҳам ҳеч бир муносабати йўқдир.

2-модда. Жамиятнинг кўзлаган ягона мақсади моддий имкониятлари доирасида Бухоро ва Туркистондан ҳар йили лозим кўрилгани қадар талаба келтириб, уларни Истанбул мактабларида ўқитмоқ.

3-модда. Талабалар жамиятнинг ҳимояси остида бўлиб, ахлоқи ва бошқа турли жиҳатлари назорат қилинади.

4-модда. Ўқишни тугатган талабаларнинг истиқболи ва маслаки отийсини(кељажақдаги иш ўрнини) жамият ҳал этади ва бу хусусида аксарият чиқариладиган қарорга ҳеч бир талаба хилоф иш тутмайди. Акс ҳолда, у таҳсил учун сарфлаган харажатларни қайтаришга мажбурдир.

5-модда. Бухорода очиладиган мактабларнинг қурилишига ва олиб келинадиган талабаларнинг йиллик таҳсил харажатларига кўмак бериш мақсадида Бухоронинг фидойи бойларига мурожаат сўнггида берилажақ иона (эҳсон)лар қабул қилинади.

6-модда. Таъсис этиладиган мактабларнинг идора ҳайъати ва таълимида фақат жамият томонидан тайинланадиган шахслар жамият кўядиган талабаларни қабул қилиш шарти билан фаолият юргизадилар.

7-модда. Таҳсил харажатларидан бошқа жамиятга йиллик эллик рубл беришни бўйнига ағниёнинг муҳодими (бойларнинг фарзандлари) жамиятнинг назорати ва ҳимоясида таҳсил ола биладилар.

8-модда. Мухбир аъзога ҳар уч ойда бир марта жамиятнинг тўплами юборилади.

⁴⁰⁹ Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Бугунги Турк эли: Туркистон ва яқин тарихи. – Б.354.

9-модда. Юборилган хужжатнинг баъзи жиҳатига мухбир аъзолар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар музокара сўнггида эътиборга олинади.

10-модда. Ҳозирча жамиятнинг шўъбалари йўқ. Бироқ бир неча ишончли вакиллари мавжуддир.

11-модда. Вакилларнинг жамият доктринаси (низом)га ҳилоф ҳаракат қилганлари маълум бўлиб қолган тақдирда аъзойи мушовари (маслаҳат кенгаши аъзолари) қарори билан умумий баённома чиқарилиб, мазкур кишига бериладиган ишончнома ҳукми бекор қилинади.

12-модда. Жамиятнинг бир кутубхонаси бўлади ва арбоби ҳамият (маслаҳат кенгани аъзолари) томонидан совға этилган китоб ва рисодалар билан тўлдирилади.

13-модда. Жамиятнинг хужжати расмий муҳр билан тасдиқланади.

14-модда. Жамият мақсад-ғояларини амалга ошириш (ривожлантириш) учун лозим бўлса, наشر ишларига ҳам мурожаат қилади⁴¹⁰.

Абдурауф Фитрат бошчилигида ташкил этилган мазкур “Бухоро маорифини умумлаштирувчи хайрия жамияти” ёшларнинг Туркияга келишини кўпайтириш ва мунтазамлаштиришда, уларни ҳам иқтисодий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда катта роль ўйнади.

“Низомнома”га биноан жамият аъзолари орасидан 14 кишидан иборат кенгаш ташкил қилинди. Жамият ўқувчиларни моддий томондан таъминлаш учун бир йиллик аъзолик бадалларидан тушган даромадларининг маълум қисмини сарф қилади, уларга ўқишга келиш ва кетишларининг йўл харажатини ҳам тўлашни жамият ўз зиммасига олган эди. Талабалар ва ўқувчилар Бухоро, Туркистон ўлкаларидан танлаб олинган. Жамият курсларни тугатгуналаригача ўқувчиларни ўз ҳомийлигига олган. Низомда кўрсатилишича, Бухоро ва Туркистон ўлкаларидан 10 ёшдан 15 ёшгача бўлган камбағал болалар жамият ҳисобидан, бойларнинг болалари ўз ота-оналари ҳисобидан ўқийдилар.

Жамиятнинг ҳатти-ҳаракати билан Истанбулнинг Галата кўприги ёнидаги Янги Жомеда Туркистон ва Бухоро болалари учун алоҳида мактаб ташкил этилади⁴¹¹. 1910 йилда мактабга Бухородан

⁴¹⁰ Дольмов У. Туркистонда яқиндаги мактаблари. – Тошкент: Университет, 2006. – Б. 62-63.

⁴¹¹ ЎзР МДА, 3-фонд, 2-рўйхат, 150-ши, 10-парақ.

30 бола ўқиш учун юборилган бўлса, 1911 йилда 15 бола, 1912 йилда 20 бола, 1913 йилда 16 бола юборилади⁴¹².

Жамиятнинг кўмаги билан Фитрат ва бошқа тараққийпарварларнинг асарлари Истанбулда нашр эттирилиб, Бухорога юборилади, яширин жамиятнинг кўрсатмасига кўра, унинг асарларини тараққийпарвар кишилар мамлакатнинг турли жойларига тарқатадилар.

Ёш бухороликлар партияси аъзолари ўзларининг яширин ташкилот сифатидаги йиғилишларини бир оз чеклаган бўлсалар ҳам, улар бундай ҳаракат мухлислари ва тарафдорлари билан анча кенг миқёсда учрашувлар ўтказиб турдилар. Бу йиғилишлар “таълимни яхшилаш чоралари муҳокамаси” баҳонаси билан кўпинча мактабларда, дарс бериладиган хонадонларда ўтказилар, уларда янги мактаб ўқувчиларининг ота-оналари қатнашар ва улар орқали омманинг фикри ўрганиб борилар эди. Бундай учрашувларда кўпинча хориждан келган газеталар, жумладан, Туркияда чиқарилган “Сирот-ул мустақим”, Афғонистонда чиқарилган “Сирож-ал-ахбор” газеталаридан намуналар ўқиб берилар эди⁴¹³.

Бухорода маърифатпарварлик ғояларини тартиб эгишда ташқаридан келтирилган газета ва журналлар ҳам катта таъсир кўрсатади. Масалан, Боқчасаройда чиқадиган “Таржимон” газетаси, Боқуда чиқадиган “Мулло Насриддин” ҳажвий журнали, Тошкент ва Самарқандда чиқадиган “Ислоҳ”⁴¹⁴ ва “Ойна” журналлари, Ҳиндистонда чиқадиган “Хаблул матн” газетаси, Мисрда турк ва форс тилида нашр этилган “Чехранома”, “Парвариш” каби журналлар Бухорога келтириб тарқатилди ва бу ердаги вазиятга сезиларли даражада таъсир этади⁴¹⁵.

“Ойна” журналининг 1914 йилдаги сонларидан бирида: “Дунёда мавжуд миллатлар тараққийни ибтидоий мактабдан бошланар. Ҳақиқатан, тараққий ва таоло учун биринчи йўл ва асос мактабдур. Мактаб ислоҳ қилинса умум ишлар ислоҳ ва тартибга кирди, деб бўладур”, – деб ёзган эди бухоролик муаллим Ниёзий Ражабзода⁴¹⁶.

⁴¹² ЎзР МДА, 2-фонд, 1-руйхат, 168-иш, 24-варақ.

⁴¹³ Элен Каррер п'Энсаус. Яширин жамиятлар даври (1910-1914). Ўрта Осиёда ислохот ва шикоят // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1994. – №1-2. – Б. 63-64.

⁴¹⁴ Бухоро Давлат аъморий-баддий музей-кўриқхонаси қўлёлма фонди. 10723/11 инвентар.

⁴¹⁵ ЎзР МДА, 11-фонд, 1-руйхат, 244-иш, 21-варақ.

⁴¹⁶ Ражабзода Н. Ибтидоий мактабларимизнинг тартибсизлиги ехуд тараққийнинг йўли // Ойна, 1914. – №38.

Татар газетаси бўлган “Аччиқ сўз” ҳам ўз саҳифасида “Бухоро ҳукуматининг Бухородаги янги усул мактаби ҳаракатига муносабати” деб номланган мақоласини эълон қилади ва мутаассиб руҳонийларни қўллаб-қувватлагани учун Бухоро ҳукуматини каттик танқид этади⁴¹⁷. Бухоролик мутаассиб руҳонийлар – Мулла Қамар, Мулла Холмурод, Мулла Абдурасул Махсум, Ғиёсиддин Садр қози калон Бурҳониддин ва Насрулло қўшбеги бошчилигида янги усул мактабларига қарши кураш олиб бордилар, газеталарни тарқалишига қарши чиқдилар. Ҳамма ёмон иллатлар, ўғрилиқ, янги усул мактаби билан боғлиқ деб халқни чалғитишга уриндилар⁴¹⁸.

Туркистон жадидлари “Тараккий”, “Хуршид”, “Шухрат”, “Тужжор”, “Садойи Туркистон”, “Садойи Фарғона” каби қатор газеталар нашр қилдилар. Ушбу нашрлар Бухоро маърифатпарварларига ҳам кучли таъсир кўрсатган эди.

Туркистонда кенг қулоч ёзган жадид матбуотида Бухородаги таълим муаммолари ҳақида танқидий мақолалар тез-тез чоп этиб турилган. Хусусан, “Садойи Туркистон” газетаси саҳифаларида бухоролик М.З.Мирзозоданинг “Илм ва маориф” деб номланган мақоласида Бухородаги илм-фан ҳолати таҳлил этилади. “XX аср-таълим, фан ва техника асридир. Ҳеч бир миллат, халқ фан ва таълимни тараккий эттирмасдан ривожлана олмайди. Айнан, мана шу фан ва таълим инсоннинг дин, миллат, она-Ватанни танишида муҳим роль ўйнади”-деб ёзади Мирзозода⁴¹⁹. “Садойи Туркистон”да “Ҳозирги Бухоронинг аҳволи” деб номланган мақола эълон қилинади. Унда Бухородаги ижтимоий-сиёсий вазият ва маориф ишларининг ачинарли ҳолати характерлаб берилган, танқидий таҳлил этилган⁴²⁰.

“Тарбияи афғол” жамияти ва Ёш бухороликлар партиясининг ўз олдига қўйган улуғ мақсадларидан яна бири ўз матбуот органига эга бўлиш эди. Жамиятнинг саъй-ҳаракати билан 1912 йилда Бухорода илк миллий матбуотга асос солинди ва 11 мартда “Бухоройи Шариф”(тожик тилида) ва 14 июлда “Турон”(ўзбек тилида) газеталари чоп этилди.⁴²¹ Газеталарни моддий жиҳатдан таъминлаш ва нашр ишларини йўлга қўйишда Муҳиддин Мансуров ва Мирзо Сирож Ҳаким муҳим роль ўйнашди. Бу рўзномалар Бухоро

⁴¹⁷ ЎзР МДА, 2-фонд, 1-рўйхат, 268-нш, 2-варақ.

⁴¹⁸ ЎзР МДА, 2-фонд, 1-рўйхат, 268-нш, 2-варақ.

⁴¹⁹ Мирзозода М.З. Илм ва маориф // Салон Туркистон, 1914. – 18 июль.

⁴²⁰ Ҳозирги Бухоронинг аҳволи // Садойи Туркистон, 1914. –12 июль.

⁴²¹ Ражабов К. Файзулла Хўжаев. – Тошкент: Abu matbuot konsalt, 2011. – Б.6.

халқини гафлат ботқогидан чиқишга даъват қилди ва маърифатга чорловчи мақолалари билан тезда эътибор қозонди. Масалан, “Бухороӣ Шариф” газетасида 1912 йилда чоп этилган “Тартиб лозимдир” номли мақолада муаллиф Бухоро амирлигидаги мадраса ва мактабларда таълим беришни такомиллаштиришнинг аниқ режа ва дастурлари ҳақида фикр юритиб, янги таълимий усулларни кенг ёзиш лозимлигини таъкидлайди⁴²². Ушбу газетанинг яна бир мақоласида Бухорода фақат ўғил болалар учун эмас, балки қизлар учун ҳам янги усулдаги мактабларни очиш кераклиги қайд этилиб: “Биз бухороликлар қизлар илм олишлари кераклиklarини тушунишга ҳаракат қилмаймиз. Мадомики, илм олиш ҳар бир одам учун диний ва дувёвий мажбуриятларга кирар экан, аёллар ҳам илм ўрганишлари шартдир. Бас аёлларни “агарда хату савод чиқариб илм олсалар гуноҳ қиладилар” дейиш, хато ва қабул қилиб бўлмайдиган хулосадир”, - деб ёзилади⁴²³.

Газета саҳифаларида М.Бехбудий ҳам амирликда янги усулдаги мактабларни кўпайтиришга қаратилган фикрлари билан чиқиб туради. Айниқса, унинг “Янги усул қандай?” деб номланган мақоласи жуда долзарб бўлган⁴²⁴. Бундан ташқари, янги усул мактаблари тўғрисида маълумотни “Бухороӣ Шариф” газетасининг 1912 йил март ойидаги саҳифасида кўришимиз мумкин: “Азиз биродарлар! Ҳозирги ва бугунги замон илм ва фанини фарзандларимизга ўргатайлик, уларни мактабларга олиб бориб, ҳар ҳафта болаларимизнинг билим даражасини текширайлик”⁴²⁵.

Бухоро амирлигидаги янги усул мактабларида ўқитувчиларнинг маоши ҳақидаги мақолалар “Бухороӣ шариф” рўзномасида ёритиб борилди. Масалан, ота-оналардан олинadиган пул ва совғаларни йўқотиш ва мактабларнинг ўқитувчиларига маош белгилаш тартиби кўрсатиб берилди⁴²⁶.

“Бухороӣ шариф” газетаси мақолаларида мактабда ўқитиладиган китобларнинг ўз она тилида бўлмаганлиги ачинарли ҳолат эканлиги, ислоҳ масаласи зарурлиги ўз аксини топди⁴²⁷. Ушбу газетанинг “Нима қилмоқ керак” номли мақоласида “Қадимда Европа варварликда яшаётган бир даврда Бухоро илмнинг маркази бўлган. Улар бир жойдан иккинчи бир жойга кўчиб юрганларида

⁴²² Тартиб лозимдир // Бухороӣ шариф, 1912. – 16 март.

⁴²³ // Бухороӣ шариф, 1912. – 27 март.

⁴²⁴ Ушбу жойда, // 1912. – 28 ноябр.

⁴²⁵ Ушбу жойда, // 1912. – 27 март.

⁴²⁶ Ушбу жойда.

⁴²⁷ // Бухороӣ шариф, 1912. – 27 март.

Бухоро маданияти юқори даражада ривожланган. Ҳозирда Бухорода илмсизлик, Бухоро деҳқони учун ўз уйи ва қишлоғидан бошқа жойни ёки дунёни билиши шарт эмасдай”, деган фикр берилган⁴²⁸.

Айрим муаллифлар мақолаларида Амир Олимхон тўғрисида ҳам ўз мулоҳазаларини билдирганлар. Масалан, бир мақолада “Биз Бухоро амирига ишонамиз ва уни қўллаб-қувватлаймиз, илм-фан ва маънавият душманлари айрим ҳокимлар, уламолар айбдор, амир эса фақат халқ гами билан яшайди”⁴²⁹ деб фикр юритган бўлса, бошқа бир мақолада Бухорода билимли кишиларнинг жамиятда қадрланмаслиги “Бухоро шаҳрида фозилу-дониш хордир. Катта обрў, нуфуз пули кўп саррофдадур” сатрлари орқали кўрсатиб берилган⁴³⁰.

Шунингдек, “Бухорои шариф” рўзномасида мактабдорларнинг саводлилик ва билим даражаси етарли эмаслиги ҳам ҳажвий мақолаларда ўз аксини топган⁴³¹.

Ёш бухороликларнинг Бухоро амирлигида савдо-сотикни ривожлантириш учун замонавий билимлардан хабардор бўлган, ҳисоб-китобни яхши биладиган ва янгича фикрлайдиган ёш кадрлар зарурлиги ва бунинг учун уларни хориж давлатларига ўқишга юбориш долзарб масала эканлиги тўғрисидаги мақолалари ҳам “Бухорои шариф” газетасида босилиб турди⁴³².

Мактабларни ислоҳ қилиш масалалари “Турон” рўзномасида ҳам ёритила борди. Газетада босилган “Бизга мадраса керакми ёки мактаб” деб номланган мақоласида муаллиф қуйидаги фикрни келтиради: “Бухоро амирлигида билимлиликлар жуда оз, шунинг учун биз биринчи навбатда мадраса эмас, усули савтия мактабларини очишимиз керак, бошлангич таълимни яхши йўлга қўйишимиз керак. Бунинг учун ўз фойдасини кўзлайдиган диний уламолар томонидан вақф ерларининг талон-торож қилишга йўл қўймаслик керак ҳамда мактабларни ислоҳ қилиш керак”⁴³³.

“Бухорои шариф” ва “Турон” газеталарида Абдурауф Фитрат, Самад Мансур, Мирзо Нарзулло, Ҳожи Мирбобо Мухсинзода, Мирзо Муҳиддин Мансуров, Файзулла Хўжаев, Мулло Икромча, Саҳбо, Мехри ва бошқаларнинг эълон қилинган мақолаларида маданият, маърифат ва маориф соҳасидаги муаммолар ошқора

⁴²⁸ Ушга жойда, // 1912. – 14 март.

⁴²⁹ Ушга жойда, // 1912. – 12 июл.

⁴³⁰ Ушга жойда, // 1912. – 6 июл.

⁴³¹ Ушга жойда // 1912. – 27 март.

⁴³² Ушга жойда // 1912. – 12 апрель.

⁴³³ // Турон, 1912. – 30 декабрь.

танкид остига олиниб, уларни ривожлантириш гоялари ташвик қилинади⁴³⁴.

“Бухороий шариф” ва “Турон” газеталари Бухорода маданий-маърифий ишларни жонлантиришда катта роль ўйнади. Бу газеталар амирликнинг барча шаҳарлари ва 11 туманида ҳам тарқатилар эди. Ҳатто Туркистонда ҳам уларнинг 100 дан ортиқ обуначилари бор эди.

Мирзо Сирож XX аср бошида дунёнинг турли мамлакатларида сафарда бўлиб, катта тажриба орттирган. У “Бухорои Шариф” ва “Турон” газеталарига ҳомийлик қилишни ўз зиммасига олган⁴³⁵. Мирзо Сирож чет элларда бўлганида у ердаги таълим тизимини, хусусан, олий таълимни ва мактаб таълимини жуда яхши ўрганади, уни Бухородаги таълим билан қуйидагича таққослайди: “Европада мактаб ва мадрасаларни кўриб ёдимга ўзимиздаги мактаб ва мадрасалар келди, эсладим у юрагим ғам ва афсусга тўлди. Нега бизни миллатимиз илмни шунча хор қилиб, уни тарк этади?”... “Эрон уламолари илмга ва санъатга гайратли, иштиёқли бўлиб, ҳамма шаҳарларида мактаблар очган. Техронда жадид анъанавий мактаблари, дорулмуаллимин, дорулфунун, сиёсий мадраса, ҳарбий мадраса, тиббий мадраса мавжуд. Муаллимлари Фарангистонда таълим олишган”⁴³⁶. Мирзо Сирож жадид мактабларини, европача таълим-тарбияни бухороликлар учун қанчалик аҳамиятли ва зарурий эканлигини тушунтиришда, тарғиб этишда жонбозлик кўрсатган. Ушбу газеталар амир ҳукумати томонидан тақиклаб қўйилганидан кейин, чекланган миқдордаги бошқа газеталар Россиянинг Волгабўйи ва Урал минтақараларидан бу ерга келтириб турилган⁴³⁷.

1913 йил 2 январда рус элчихонаси номидан Петров имзоси билан идорага ушбу мазмунда бир мактуб келди: “Бухоро амири жаноб олийнинг хоҳишлари билан ушбу кундан эътиборан “Бухороий шариф” ва “Турон” газеталари тўхтатилди”. Шундай қилиб, “Бухороий шариф” газетасининг 153 сони, “Турон” газетасининг фақат 49 сони чиқиб, улар ўз фаолиятини тўхтатди⁴³⁸. Бу газеталар 10 ойлик фаолиятида ҳар бир нарсадан хабарсиз Бухоро аҳолисини тарихдан, сиёсатдан, жуғрофиядан, Европанинг умумий

⁴³⁴ Йўлдошев Н. Маърифат фойдаси // Гулистон. – Тошкент, 1991. – №4-6. – Б. 20-21.

⁴³⁵ Ражабова С. Бехудий ва Бухоро жалиллари // Фан ва турмуш. – Тошкент, 2000. – №3. – Б. 19.

⁴³⁶ Мирзо Сирожиддин Ҳаким. Туҳафи аҳли Бухоро (Сафарнома). – Душанбе: Алиб, 1992. – 84-85 сак.

⁴³⁷ Анке Фон Кюгельген. Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII-XIX вв.). – С. 364.

⁴³⁸ Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар // Асарлар. – Тошкент: Бадий адабиёт, 1963. I-том. – Б. 242.

аҳволдан, мусулмонларнинг ҳалокат чуқурига тушаётганларидан хабардор қилдилар. Ёшлар бошига адабиёт, қалам ва ўқимок фикрлари тушди. Оталар эсларига бола тарбияси ва ўқитмоқ хаёллари келди⁴³⁹.

1912 йилда Бухоро шаҳридаги жадидларнинг яширин жамияти томонидан “Маърифат” деб аталган бошқа бир ширкат тузилган бўлиб, бу ташкилот шаҳар пассажида Ибн Сино номли китоб магазини ва кутубхона очдилар. Садриддин Айнийнинг қайд этишича, “Маърифат кутубхонасининг исми ва жисмига мувофик иши маърифат тарқатмоқдан иборат эди. Унинг мудирини яширин жамият аъзоларидан Муҳаммад Мусо бўлиб, хайъати идораси ҳам Мирзо Абдувоҳид, Қори Ҳошим ва Ҳожи Сирож каби яширин жамият аъзоларидан иборат эди”⁴⁴⁰. Бу жамият халқ орасида маърифат тарқатиш билан шуғулланиб ва матбаачилик соҳасида катта ишларни амалга оширди.

“Маърифат” кутубхонасининг ташкил этилиши муҳим воқеа бўлиб, у хорижда чиқарилган турли адабиётлар, рўзнома ва журналларни Бухорода тарқатиш билан шуғулланди⁴⁴¹. Шу йўл билан бошқа китоблар қаторида тақиқланган ва амирлик сиёсатиغا зид бўлган китоблар ҳам яширин сотилар эди ёки уларни кутубхонага келиб ўқир эдилар. Бу ишларда А.Бурҳонов, А.Ҳамдий, Мирзо Сирож Ҳаким фаоллик кўрсатишди. Бироқ уларнинг маърифатпарварлик интилишлари аввал Амир Олимхон томонидан катта қаршиликка учради.

Абдурауф Фитрат ташаббуси билан И.Гаспиринскийнинг “Дору-р-роҳат мусулмонларига” номли китобининг форс тилидаги таржимаси 1915 йилда “Маърифат” ширкати томонидан Петроградда нашр қилинди⁴⁴².

“Маърифат” ширкати 1912-1917 йиллар мабайнида маърифат тарқатиш ва матбаачилик соҳасида анчагина ишларни амалга оширди. Жамият бухоролик тараққийпарвар интеллигенция намоёндаларидан А.Фитрат, С.Айний, Шарифжон Маҳмуд, Мирзо Сирож кабиларнинг ҳукумат сиёсатининг танқидига доир асарларини Истанбул, Боғчасарой, Қозон, Оренбург, Петроград,

⁴³⁹ Уша жойда, – Б. 243.

⁴⁴⁰ Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар // Асарлар. – Тошкент: Балтий адабиёт, 1963, 1-том. – Б. 247.

⁴⁴¹ Ражабов К. Ёш бухороликлар // Ўзбекистон мислий энциклопедияси, III-жилд. – Тошкент: ЎзМЭ Давлат илмий нашриёти, 2002. – Б. 494.

⁴⁴² Иўлошев Н. А. Фитратнинг Раҳбари нажот асаридан мухтасар фасллар. – Бухоро, 1996. – Б.3

Самарқанд, Янги Бухоро каби шаҳарлардаги матбааларда нашр қилди ва халқ орасида тарқатди.

“Маърифат” магазини ва кутубхонаси 1917 йил апрел воқеаларигача давом этиб, жаҳидларга қарши террор бошлангач, бу жойлар амир ва мутаассиб руҳонийлар томонидан яқсон қилиб ташланган.

Ёш бухороликлар партиясининг раҳбарларидан бири бўлган Абдурауф Фитрат Бухоро таълим тизимида ислохотнинг амалга оширилиши зарурлигини шундай ифодалаган: “Дарс бериш усуллари хароб аҳволда. Замонавий эҳтиёжлар тақозосидан воқиф бўлган мударрисларга эга эмасмиз. Бухоро ҳукуматидан умидворлигимиз шулки, мадрасалар ислоҳини бизнинг нуқтан назардан бошласалар. Акс ҳолда бу мулк ҳолига вой, бу миллат толеъига афсус!”⁴⁴³

Россиядаги 1917 йил февраль инқилобидан кейин Ёш бухороликларнинг сиёсий ҳаракати фаоллашиб, улар амир олдига бир қанча талабларни қўядилар. Абдувоҳид Бурҳонов ва Абдурауф Фитратлар етакчилигида Ёш бухороликлар партиясини Петрограддаги Муваққат ҳукуматга мурожаат қилиб, амирликда демократик ислохотлар ўтказишни сўраб, икки марта телеграмма юборадилар. Улар янги усул мактабларини очиш, матбуотга эркинлик бериш, халқ ҳукумати тузиш талабларини илгари сурдилар.

Файзулла Хўжаевнинг кайд этишича, Ёш бухороликлар партиясининг ишлаб чиққан лойиҳасида ҳукуматнинг маориф соҳасидаги тадбирлари айнан қуйидагича баён этилган: “Халқ орасида маърифат тарқатмоқ учун маориф нозирлиги таъсис этилади, унинг зиммасига ҳамма вилоятларда хазина ҳисобидан иккинчи босқич халқ мактаблари, олий ўқув юртлари очиш, шу мактабларга ўқитувчилар тайёрлаш, барча типдаги ҳамма мактаблар учун дастурлар ишлаб чиқиш, шунингдек, уларни назорат қилиб туриш вазифаси юкланади. Ҳаммага мактаблар очиш ҳуқуқи берилсин. Вақфлар қарамоғидаги мактаблардан ташқари бу масалада ҳеч қандай чеклашга йўл қўйилмасин. Маориф нозирлиги имтиҳон комиссиясида иштирок қилгани ҳолда ўқишни тўла-тўқис тамомлаганларга ўқув юртларини битирганлиги тўғрисида шаҳодатнома беради”⁴⁴⁴. Ёш бухороликлар партиясини аъзолари ўртасида лойиҳани ишлаб чиқиш жараёнида кескин тортишувлар

⁴⁴³ Фитрат А. Бухоро ҳукуматининг ислохотроия қадамлари // Ойина, 1915. – №8.

⁴⁴⁴ Хўжаев Ф. Талдинган асарлар. – Тошкент: Фан, 1976. 1 том. – Б. 136.

бўлиб ўтади, чунки бу пайтда ҳаракат ўнг ва сўл қанотга бўлиниб бўлган эди. Сўл қанотнинг вакили бўлган Абдурауф Фитрат ўнг қанотнинг аччиғини келтирмаслик учун мураса йўлини тутган ва оқибатда ушбу лойиҳа монархия доирасида ишлаб чиқилган эди⁴⁴⁵.

Шу лойиҳа асосида 1917 йилнинг апрель ойида Бухоро амирининг махсус фармони эълон қилинади. Бу муносабат билан Ёш бухороликлар раҳбарлари намойиш уюштиридилар. Аммо 14 апрел куни амир Олимхон ўз фармонини бекор қилади. Амир фармонини қўллаш учун ўтказилган намойиш қувғин этилди ва жадиidlарга қарши қатагонлар бошланди. Ёш бухороликлар энди амир ҳокимиятига қарши яширин кураш йўлига ўтадилар.

1918 йилнинг январида Фитрат томонидан ёзилган Ёш бухороликлар партиясининг дастури тасдиқланади ва ислоҳот лойиҳаси сифатида эълон қилинади. Ўша йилнинг 23 мартида Миллер^{*} Ёш бухороликлар партиясини вакиллари билан учрашади. Партия раҳбарлари ўзларининг талабларида мактаб ва матбуот эркинлиги ва бир қатор тадбирларни қатъий талаб қиладилар. Бирок резидент Миллер бу талабларни ҳаддан ташқари катта ва хаёлпарастликдир деб атади⁴⁴⁶.

1918 йил мартида Туркистон АССР ХКС раиси Ф. Колесовнинг Бухорога муваффақиятсиз ҳарбий юриши баҳонасида жадиidlар ва уларга хайрихоҳ кишилар жазога тортилди⁴⁴⁷.

Амирнинг таъқиб ва таъзийқларидан қочиб, мамлакатни тарк этишга мажбур бўлган Ёш бухороликлар партиясини 1918 йил октябрда Туркистонда Файзулла Хўжаев бошчилигидаги Ёш бухороликлар партиясининг Туркистон бўлимини ташкил қилади. Ўша йилнинг 16 ноябрида Файзулла Хўжаев тайёрлаган партия бўлими дастури қабул қилинади. Дастурда кўйилган талаблар қаторида бошланғич таълимни жорий қилиш йўлида амалий чора-тадбирлар кўриш зарурлиги алоҳида таъкидланган эди. Бошланғич мактабларда ўқиш ўша қишлоқ, туман, шаҳарда қайси миллат кўпроқ яшаса ёки миллатларнинг хоҳишига қараб, яъни ўзбек ёки

⁴⁴⁵ Ўша жойда, — Б. 137.

^{*} Миллер Б.В. (1877-1956) - Россия империясининг Табриз, Марокко, Туркиядаги генерал-консули. 1914-1917 йилларда Бухоро амириликдаги элчиси. Шарқшунос, катта ҳўжамдаги форча-русча дугатини муаллифи. Бугун фаолиети Россиянинг мустақиллашчилик даврини мустақамлашга қаратилган.

⁴⁴⁶ ЎзР МДА, 3-фонд, 2-руйхат, 546-том, 1-парақ.

⁴⁴⁷ Жалдочилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Даврий тўпلام №1 - Тошкент Университети, 1999. — Б. 102.

тожик тилида, олий ўқув юртларида эса умумий адабий турк тилида олиб борилгани зарурлиги қайд этилади⁴⁴⁸.

Аммо Бухоро амирлигида 1917 йил апрелда қабул қилинган амир фармонидан сўнг янги усул мактабларининг фаолияти бутунлай тўхтади.

Хулоса қилиб айтганда, миллий истиқлол учун кураш, таълим тизимини ислоҳ қилиш, энг қобилиятли талабаларни дунёнинг ривожланган мамлакатларига ўқишга юбориш, чет эл технологияларини юртимизда жорий қилиш, хориж рақобатига бардош берадиган тижоратни йўлга қўйиш каби долзарб масалаларни кўтариб чиққан Ёш бухороликлар партияси аъзолари тарихда энг кўп азоб-уқубатларга дучор бўлдилар; тараққийпарварлик ва маърифатпарварлик фаолиятлари учун рус мустанлакачиларидан, янгилек тарафдорлари бўлганликлари учун амирликдан жазо олдилар, кейинчалик эса жадидчилик фаолиятлари учун совет ҳокимияти томонидан қатағон қилиндилар.

Хуллас, Ёш бухороликлар партияси вакиллари XX аср бошида таълим тизимини ислоҳ қилишга жиддий киришдилар. Улар шу мақсад йўлида турли ташкилотлар, хайрия жамғармалари, ширкатлар тузиб, мамлакатнинг нафакат марказида, балки чекка вилоят ва туманларида ҳам кенг олиб бордилар. Улар ташкил этган матбуот саҳифаларида ислоҳотчилик ғоялари, таълим тизимини ислоҳ қилиш муаммолари тўғрисида фаол мунозара олиб бордилар. Бухоролик жадидларнинг мактаб ва маориф ишларини йўлга қўйишларида Туркистон жадидларининг ёрдами катта бўлган. Бироқ уларнинг бундай маърифатпарварлик фаолияти амирлик тузуми даврида етарли даражада қадрланмади.

2-§. Янги усул мактабларининг очилиши ва муаммолари

Янги усул мактаблари — мусулмон мактабларининг дастурларини ва таълим усулини ислоҳ қилиб, болаларга ўз она тилида хат-савод ўргатишга қаратилган ўқув муассасалари бўлиб, илк бор Қримнинг Бокчасарой шаҳрида татар маърифатпарвари Исмоилбек Гаспиринский (Гаспирали)* томонидан 1884 йилда

⁴⁴⁸ Ёш бухороликлар. Туркистон Комитетининг дастури. — Тошкент, 1920.

* Исмоилбек Гаспиринский (1851-1914) - 1884 йилда Қримнинг Бокчасарой шаҳрида усули жадида мактабни очиб, 12 боланинг саводини 40 кунда чиқариб, болаларнинг ота-оналар олдига ўқувчилардан имтиҳон олиб шуҳрат қозонди. У аниқлави мактабнинг 5 йиллик таҳсилни 2 йилда ўқувчиларга бери олган.

ташқил этилган ва унга усули савтия тадрижия (ривожланувчи товуш усули) деб ном берилган.

Исмоилбек Гаспиринский таклиф қилган усулда мактаб ташқил этган ва газета нашр қилган ёшлар жадидлар деб атала бошланган. Бошқача айтганда, мусулмонлар жамиятини замонавий алоқа воситалари ва мулоқотнинг янги шаклларида фойдаланиш орқали ислоҳ қилишга уринувчи шахслар “жадидлар” деб аталган⁴⁴⁹. Аммо улар ўзларини жадид деб атамас эдилар. Кўпинча улар ўзларини тараққийпарварлар, мунавварлар ва кейинчалик ёшлар деб аташган⁴⁵⁰. “Жадид” термини арабчадан олинган бўлиб, янги, янгилик тарафдори деган маънони билдиради⁴⁵¹. Улар томонидан ташқил этилган мактаблар ҳам янги усул ёки жадид (усули жадида) мактаблари деб ном олган.

Анъанавий мактабдаги ўқитиш усули ёд олиш, яъни ҳарфлар ва матнларни ўқитувчи овозидан илиб олиниб, такрорлаш усулига асосланган бўлиб, унда савод чиқариш қийин кечарди. Исмоил Гаспиринский илгари сурган савтия, янги усул, яъни товуш усули ҳарфларни товуш чиқариб ўқиш тартиби эса осон ва тез савод чиқариш имконини берар эди. Шу сабабли бу янги таълим тизими усули савтия (товуш усули), усули жадид (янги усул) номларини олган эди⁴⁵². Янги усулда ўқиш ва ёзиш баробар ўргатилганлиги, айниқса, муҳим эди.

Исмоилбек Гаспиринский Туркистонда янги усул мактаблари ташқил қилиниши, янги усул афзалликлари ҳақида Туркистон генерал-губернатори Н.О.Розенбахга жўнатган мактубига рад жавобини олади. Шундан кейин у Бухоро амири Абдулаҳадхонга мурожаат этиб, янги усулдаги мактаблар очишга изн сўрайди. Амир Абдулаҳадхон (ҳукмронлик даври: 1885-1910) 1893 йилнинг бошида Боқчасаройда И.Гаспиринский билан танишиб, узоқ суҳбатлашади ва уни Бухорога таклиф этади. Бу таклифни мамнуният билан қабул қилган И.Гаспиринский 1893 йилнинг май ойида Бухорога ташриф буюради. Таъқидлаш жоизки, 1883 йил 12 октябрда И.Гаспиринский томонидан ташқил этилган “Таржумон” журналига амир

⁴⁴⁹ Лизов Ш., Лизова С. Маърифатпарварлик – иқтисодий-маданий ҳодиса. – Тошкент, 2008. – Б. 51.

⁴⁵⁰ Дике Фен Кюгельген. Легисляция среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII–XIX в.). – Алматы. Изд. Дайк-Пресс. 2004. – С. 364.

⁴⁵¹ Арабско-русский словарь. – М: Главная редакция восточной литературы, 1970. – С. 220.

⁴⁵² Турсунметова Г. XX аср бошларида Туркистон таълим-тарбия тизимиде жадид мактаблари //Тарихий хотира-маънавият асоси. – Бухоро, 2008. – Б.124.

Абдулахадхон ҳам обуна бўлган⁴⁵³. Амирнинг Шахрисабздаги ёлғи қароргоҳида бўлиб ўтган суҳбат чоғида И.Гаспиринский фикрларига кескин қаршилик билдирилмаса-да, уларни амалга татбиқ этиш осон кечмади. Бунинг асосий сабаби Бухоро амири Россия империяси ҳукуматидан изн олмай туриб, бирор масалани шахсан ҳал этиш эркидан маҳрум эди⁴⁵⁴.

Бухорода янги усул мактабларининг ташкил этилиши 1900-1903 йилларга тўғри келади. Айнан шу йилларда татар ўқитувчилари томонидан илк янги усул мактаблари очилади⁴⁵⁵.

1900 йилида Бухорода Пирмаст туманидаги Пўстиндўзон қишлоғидан бўлган Мулла Жўрабой томонидан амир Абдулахадхон рухсати билан янги усул мактаблари очилади, аммо орадан уч ой ўтгач, унинг фаолияти тўхтатилиб, муаллимлари қувғинга учрайди⁴⁵⁶. Садриддин Айнийнинг ёзишича, Бухорода бу пайтда мавжуд бўлган янги усулдаги татар мактаби татар тилида бўлганлигидан бухороликларнинг фойдаланишлари қийинроқ эди. Шу сабабли маҳаллий тараққийпарварлар ўзлари янги усул мактаби очиш ҳаракатига тушдилар⁴⁵⁷. Бу мактабларда миллий жадидлар билан биргаликда татар миллатига мансуб муаллимлар ҳам дарс берардилар.

Янги Бухоро (Когон)да ҳам янги усул мактаби татар муаллимлари томонидан очилиб, унга жойини амир ҳукуматининг ўзи кўрсатиб берган эди. Дастлаб унда татар муаллимлар, кейинчалик эса маҳаллий муаллимлар дарс беради. Бу мактаб учун ҳукумат 20 минг рубл (сўм) инъом этади. У бир неча бор ёпилиб, яна фаолият кўрсатган.⁴⁵⁸

Бухорода илк маҳаллий янги усул мактаблари 1903-1904 йиллардан очила бошланган⁴⁵⁹. 1903 йилга келиб Бухорода 6 та янги усул мактаби ташкил этилган эди⁴⁶⁰.

1908 йилда Бухоро амирлигига И.Гаспиринский мактаб ислоҳоти масалалари юзасидан ташриф буюради. Бухорода у илғор фикрли татар зиёлиларидан Собитов билан учрашган. И.Гаспирали

⁴⁵³ Анже Фон Кюгельсги. Легитимизмизни среднеазиатской династии мангытов в произведениях их историков (XVIII-XIX вв.) – Алматы: Изд. Дайк-Пресс, 2004. – С. 364.

⁴⁵⁴ Мехмет Сарий. Турк дунёсида маориф ислоҳоти ва Гаспирали Исмоий (Туркия) – Анкара, 1987. – Б. 49.

⁴⁵⁵ ЎзР МДА, 126-фонд, 1-рўйхат, 268-ип, 20-варак.

⁴⁵⁶ Бюллетень САГУ. №16. – Ташкент: САГУ, 1927. – С. 83.

⁴⁵⁷ Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар // Асарлар – Тошкент: Бадийи адабиёт, 1963. 1 том. – Б. 200.

⁴⁵⁸ ЎзР МДА, 126-фонд, 1-рўйхат, 1988-ип, 2-варак.

⁴⁵⁹ ЎзР МДА, 2-фонд, 1-рўйхат, 268-ип, 20-варак.

⁴⁶⁰ Тоҳир Каҳҳор. Ҳўр Туркистон учун. Тошкент, 1994. – Б. 28-29.

муаллим Низом Собитовга⁴⁶¹ янги усул мактаблари учун ўзи ёзган (кейинчалик 27 марта қайта-қайта нашр этилган) “Хўжайи Сибиён” (“Болалар муаллими”) номли биринчи дарслик асосида иш бошлашни тавсия этади. Ушбу дарсликда фойдали маслаҳатлар, ҳикоялар берилган эди⁴⁶². Собитов татар болаларини ёш хусусиятларига қараб синфларга бўлади. Ўртача бир кунда 5 соат дарс, ҳар бир дарсдан сўнг 10 дақиқа танаффус жорий қилинади. Биринчи босқичда ўқувчиларга ҳарфлар ўргатилади, ўқувчи бир дарсни ўзлаштирмаса, иккинчисига ўтолмасди. Болаларни ёруғ хоналарда, кўргазмали куруллар, глобус ва хариталар орқали ўқитиш йўлга кўйилган⁴⁶³. Бу мактаб анъанавий усулдаги мактаблардан нафақат шарт-шароитлари, балки ўқувчилар тезда саводини чиқариши билан ҳам афзал эди. Уларга 10 ойлик таҳсилдан сўнг таътил берилган, ҳафта мобайнида жума ва байрам кунлари дам олиш кунлари ҳисобланган.

Бухородаги Н.Собитовнинг татар мактабини нафақат татар болалари, балки бухороликларнинг болалари учун ҳам расмийлаштироқчи бўладилар. Мактабни И.Гаспиринский шарафига Исмоилия деб номлашга қарор қилинади. Аммо И.Гаспиринский бунга рози бўлмайди ва мактабни марҳум амир Музаффархон номига бағишлаб Музаффария деб аташни таклиф этади. И.Гаспиринский амир Абдулаҳадхон билан учрашиб, мактаб очиш, унинг биноси ва бошқа ташкилий ишлар тўғрисида гаплашиб олади. Бироқ бухоролик мутаассиб уламолар қаршилиги туфайли ушбу мактабни расмийлаштириш иши тўхтаб қолади. Собитовнинг бухоролик болалар ҳам ўқиб турган татар мактаби Ҳомид Бурнашевнинг ҳовлисига кўчирилади ва бир йилга яқин шу тахлитда фаолият кўрсатади⁴⁶⁴.

Ҳатто уламоларнинг илғор фикрли айрим вакиллари, хусусан, Муфти Икром янги усул мактаби шариатга хилоф эмаслигини тан олади⁴⁶⁵.

Илк жадид мактаби Бухоро халқининг илғор қатлами вакилларини ўзини жалб эта бошлади. Маҳаллий аҳоли вакиллари ўз

⁴⁶¹ Низом Собитов - Бухорога Марказий Россиядан кўчган татар оилаларидан биринчи фарзанди бўлиб, мадраса таҳсилни олган. Бухорода биринчи усул жадид мактабнинг очташлардан бири, 1918 йил бутун оиласи билан амирлик томонидан ваҳшийларча ўлдирилган. Н.Собитовнинг исмини абадлаштириш учун 1-Бухоро доримуаллимига БХСР даврида унинг номи кўйилган.

⁴⁶² Хайитов Ш., Бадриддинов С. Бухоро тарихидан наваҳалар (XIX-XX асрлар) - Бухоро, 2007 - Б. 13.

⁴⁶³ Бецриков К. Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане. - С. 378.

⁴⁶⁴ Бюллетень САГУ, №16. - С. 85.

⁴⁶⁵ Zenkovsky S. A. *Ran-Turcism and Islam in Russia*. - Camb. Massachusetts: Harvard University Press, 1967. - P. 86.

фарзандларини татар мактабларига бера бошладилар. Бирок ушбу мактаб кўп ўтмай ёпилди.

1908 йилнинг октябрь ойида Бухоронинг Дарвозаи Саллоҳхона гузарида Мирзо Абдулвоҳиднинг уйида ўқиш маҳаллий тилда олиб бориладиган янги усул мактаби расман очилади ва унга Мирзо Абдулвоҳид муаллим этиб тайинланади⁴⁶⁶. Янги усул мактабини ташкил этиш иши, уни ташкил этганларнинг янги усул ва қоидадан хабарсизлиги туфайли анча қийин кечди⁴⁶⁷.

Шу сабабли татар мактаби ўқитувчилари билан олиб борилган ҳамкорлик натижасида ишлар анча жонланиб, таълим бериш сифати яхшиланди. Орадан бир оз муддат ўтгач, Мирзо Абдулвоҳид катталар учун кечки мактаб,⁴⁶⁸ курслар очади ва ёши 20-30 га етган шаҳарликларни йиғиб, ҳар куни 2 соатдан таълим бера бошлайди. Кўп йиллар давомида анъанавий мактабга қатнаб, хат ва саводи чиқмаган кишиларни Мирзо Абдулвоҳид 40-50 кунда ўқиш ва ёзишга ўргатади. Бу воқеадан кейин Бухоро аҳолиси янги мактабга ниҳоят даражада ихлос кўядилар⁴⁶⁹.

Маҳаллий зиёлилардан Садриддин Айний бошланғич мактабнинг тўрт синфдан иборат бўлишини таклиф қилади⁴⁷⁰. Шу сабабли янги усул мактабларидаги синф хоналарида география хариталари, глобуслар ва бошқа кўргазмалар қўлланмалар бўлган. Хат-савод болаларнинг она тилида, товуш усули(усули савтия)да ўргатилган. Янги усул мактаблари, асосан, 1-4 синфдан иборат бошланғич мактаб бўлган⁴⁷¹.

Мактаб ишини тўғри йўлга қўйиш, ўқитишни самарали ташкил этиш, усул ва қоидаларни яхши ўзлаштириб олиш учун Бухорода фаолият кўрсатаётган татар мактаблари низомидан фойдаланилади. “Биз мактабчилар шу кунгача Бухородаги татар мактабидан хабарсиз эдик. Орадан фурсат ўтказмай, тўғри мазкур мактабга бордим. Мактаб муаллими мени ниҳоят мамнуният билан қабул қилиб, ҳар тўғрида ёрдам беришни ваъда қилди. Дарсларни кўрсатди. Таълим қоидаларидан бир оз маълумот берди. Ибтидоий мактаб дарс

⁴⁶⁶ Абдулвоҳид Бурхонов (1877-1934) – Муазим таҳаллусли билан шеърлар битган шоир, журналист, таржумон ва хаттот.

⁴⁶⁷ Бухоро Давлат меъморий-бадний музей-қўриқхонаси қўлёзма фонди. 1573-инвентар.

⁴⁶⁸ Айний С. Қисқача таржиман ҳолим // Асарлар – Тошкент: Бадний адабиёт, 1963. 1 том. – Б. 20.

⁴⁶⁹ Бухоро Давлат меъморий-бадний музей-қўриқхонаси қўлёзма фонди. 1573-инвентар.

⁴⁷⁰ Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. // Асарлар – Тошкент: Бадний адабиёт, 1963. 1 том. – Б. 203-204.

⁴⁷¹ Айний С. Таҳдид ус-сибён. – Б. 8-14.

⁴⁷² ЎзР МДА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-инш, 41-парақ.

китобларидан намуна бўларлик бир донадан ва таълим-тарбияга доир бир китоб берди”, - деб ёзади С.Айний⁴⁷².

Янги усулдаги мактабларда янги дунёвий билимлар ўқитилиб, эскириб қолган ўқитиш услубидан эса воз кечилса-да, лекин ўқувчиларнинг маънавий дунёсини шакллантиришда ислом дини асос қилиб олинди. 1908 йилда Садриддин Айний янги усулдаги татар мактабларининг тажрибасига таяниб, татар мактаби муаллими Бувала Абдурахмон Саидий билан биргаликда дарсликлар ёзади. Шулардан бири “Тартил ул-Қуръон”, яъни Қуръони Каримни ўқиш ва талаффуз қилиш қондаларини ўрганишга бағишланган китоб, “Таҳзиб ус-сибиён” – ахлоқий тарбия, яъни одобнома китоби эди. Унда “Тарбия кўрган бола”, “Одобли бола”, “Ота-она”, “Устоз-муаллим”, “Марҳаматли Аҳмаджон”, “Мактаб қондасига дояр ҳикоят”, “Мактаб қандай бўлиши керак”, “Ҳикояти Тош”, “Ақлли одам ва юксак бахт соҳиби”, “Бадбахт одам”, “Араббен ва унинг дўстлари” каби ўнлаб кичик ҳикоялар ахлоқий тарбияга қаратилган эди⁴⁷³.

Мактаблар иши секин-аста халқ орасида шухрат қозона бошлади. Садриддин Айнийнинг ёзишича, “Бир неча йил эски мактабларда юриб хат ва савод чиқара олмаганларнинг ёки эски мактабга бўйсунмаганларнинг оталари бизнинг мактаб ўқувчиларининг икки ойлик маълумотларини кўриб, камоли ихлос ва иштиёқ билан болаларини келтириб топшира бердилар”⁴⁷⁴.

Бухорода ташкил этилган янги усул мактабларида ўқитиш жараёнини самарали бўлишини таъминлаш учун жаҳид муаллимлари дарслик, қўлланма ва адабиётларга эҳтиёж кучайиб борди. “Шунинг учун, – деб қайд этади С.Айний ўз хотираларида китоб ҳозирламоқ орзуси билан ўз орамызда бир ширкат тузиб, биринчи навбатда тажвид қондаларини “Тартиул-Қуръон” исмида нашр қилишга қарор берилди. Буни татар муаллими воситаси билан Оренбург матбаасига топширдик”⁴⁷⁵, - деб ёзади С.Айний. Мактабларда ўқитишнинг янги усулини ўзлаштирган муаллимлар тайёрлаш учун бир қатор бухоролик муаллимлар Қрим ва Туркияга

⁴⁷² Айний С. Бухоро шайхлиби тарихи учун материаллар. Асарлар. – Тошкент: Бадвий адабиёт, 1963. 1 том. – Б. 201.

⁴⁷³ Садриддин Айнийнинг 1917 йилда Самарқандда нашр этилган Таҳзиб ус-сибиён асарининг аса нуسخаси Бухоро шайхлиги Арк музейида сақланмоқда. Маълумотлар шу ердан олинди.

⁴⁷⁴ Айний С. Бухоро шайхлиби тарихи учун материаллар. // Асарлар. – Тошкент: Бадвий адабиёт, 1963. 1 том. – Б. 202.

⁴⁷⁵ Уша жойида.

юборилади. Хусусан, Усмон Хўжа ва Ҳомид Хўжа Боқчасарой ҳамда Истанбулга юборилади⁴⁷⁶.

1908 йилда Бухоронинг Саллоҳхона маҳалласида татар мактаби муаллимлари ўқувчиларни имтиҳон қилиб, улар қўллаган усул қандай самара берганини намоён этидилар⁴⁷⁷. Мазкур воқеани Садриддин Айний қуйидагича таърифлайди: “Баҳор фаслида татар мактабида умумий имтиҳон бўлди. Имтиҳон мажлисида татар ва бухоролик болаларнинг оталари ҳозир бўдилар. Биз ҳам ўз мактабимиздан бир-икки шогирдни эргаштириб бордик. Имтиҳон мажлиси осудалик ва тинчлик билан ўтди. Бу муносабат билан биз, шахримизнинг янги мактаб тарафдорлари билан танишдик. Улар ҳам Бухорода ўз бухороликлари тарафидан янги мактаб очилганини англаб зиёдаси-ла қувондилар. Ушбу кундан бошлаб бизнинг мактабимиз шухрат чиқарди”⁴⁷⁸.

1909 йилнинг кузида Мирзо Абдулвоҳиднинг мактабида ҳам худди татар мактабидаги каби ошкора имтиҳон ташкил этилади. Имтиҳонда Бухоро кўшбегиси Остонақул, қози калон Бурҳониддин ва раиснинг вакиллари иштирок этишади, Бухоро муфтийларидан янги усул тарафдори бўлган Домла Икром (Икромча), Самарқанддаги янги усул мактабидан Мулло Абдулқодир Шакурий ҳам катнашади. Имтиҳон мажлиси эртадан оқшомгача давом этади. Садриддин Айнийнинг қайд этишича, Бухоронинг воқеаталаб кишиларининг кўпчилиги қизиқиш билан имтиҳонга келадилар⁴⁷⁹. Имтиҳон келганларда жуда зўр таассурот қолдирган. Бировлар болаларнинг тайёргарлигини кўриб, қувонганидан йиглаб юборган, яна кимлардир ушбу янги усул мактаби учун янги бино ҳозирлаш ҳақида фикр қилган. Мажлисида катнашган муфти Домла Икром ва Бухорода энг биринчи газета ўқиган 80 яшар Бўрибой афандининг “Мен умидворманки, ўн йилгача Бухорода инқилоб воқеа бўлур, ватан авлоди бу кунги разолат ва сафолатлардан қутулур. Эсизки, у кунни мен кўра олмайман, сиз ёшлар, кўрасиз. Минг қатла

⁴⁷⁶ Ушбу жойда.

⁴⁷⁷ Эргашев Б. Идеология национально-освободительного движения в Бухарском эмирате. – С. 24.

⁴⁷⁸ Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. // Асарлар. – Тошкент: Бадий адабиёт, 1963. 1 том. – Б. 202.

⁴⁷⁹ Остонақулбек кўшбегига-Бухоро амирлигида 1910 йил январда янги берган шиа-сунний қирғини пайғили кўшбегисидан четлаштирилган.

⁴⁸⁰ Қози Мулло Мир Бурҳониддин-Бухоронинг машҳур уламо ва амалдорларидан, Бухоро амирлигининг қози калони бўлган 1917 йил баҳорда Бухорода бўлган жадиidlар намоёнлиги арасида ўз вақифасида озод қилинган 1920 йили қизил аскарлар ва Бухоро инқилобчилари томонидан ўлдирилган.

⁴⁷⁹ Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. // Асарлар. – Тошкент: Бадий адабиёт, 1963. 1 том. – Б. 205.

шукурким, ишнинг бошланганлигини кўрдим” деб кўзига ёш олиб, мажлис аҳлига қилган мурожаати тўпланганларга катта таъсир этган⁴⁸⁰. Домла Икром эса шундай деган: “Ёш болаларнинг оз бир фурсатда шунча керакли нарсаларни ўрганганликларини ўз кўзимиз билан кўрдик. Мен, бу мактабни шариатга мувофиқ ва мусулмонларга нофё (фойда) деб билдим”. Мажлис иштирокчиларининг аксарияти домланинг фикрларига қўшиладилар⁴⁸¹. Худди шундай имтихон Самарқандда Шакурий мактабида ҳам ўтказилган эди.

Мирзо Абдулвоҳид мактабидаги ошкора имтихондан кейин янги усул мактаби тўғрисидаги фикр билдирувчилар икки гуруҳга бўлинган. Иштирокчилар ўртасида катта баҳс бошланиб кетган. Бу баҳснинг келиб чиқишига, биринчидан, янги мактабга баҳо бериш масаласи, иккинчидан, мактабда қандай фанларни ўқитиш масаласи сабаб бўлди.

Вазият мураккаблаша бошлади. Бундан хавфсираган Бухородаги Россия сиёсий агентлиги ходими Лютин 1909 йилнинг 12 декабрида Туркистон генерал-губернатори номига мактуб йўллади. Мактубда, жумладан, Бухоро шаҳридаги мутаассиб муллалар ва уларнинг ҳатти-ҳаракатлари, янги усул мактабига муносабатлари ҳақида фикр билдирилади. Амирнинг янги усул мактабини шаҳар ташқарисига чиқариш фикри маълум қилинади⁴⁸².

Янги усулдаги мактабларни ташкил қилиш масалалари 1910 йиллардан бошлаб ҳокимиятга алоқадор шахслар ўртасида муҳокама қилина бошланди. Бухоро муфтиларидан бири, домла Икромча анъанавий мактабларни жадид мактаблари билан алмаштириш ҳақида кенг тарғибот ишларини олиб боради ва мадраса талабалари, кўпчилик сармоядорлар, шаҳарнинг 700-800 нафар нуфузли кишлари уни қўллаб қувватлайдилар⁴⁸³.

Домла Икромнинг форс-тожик тилида ёзилган “Уйқудагиларнинг уйғониши ва нодонларнинг огоҳ бўлиши” номли рисоласининг 1910 йилда Янги Бухоро (Когон)да нашр этилиши катта аҳамият касб этди. У муфтий сифатида Бухородаги жадид мактабларини Мулла Абдураззоқ бошчилигидаги қадимийчи гуруҳларнинг тажовузларидан ҳимоя қилган⁴⁸⁴. 1914 йил 25 январда

⁴⁸⁰ Уша жойда, – Б. 210.

⁴⁸¹ Айниқ С. Кўрсатилган асар, – Б. 210.

⁴⁸² УЗР МДА, 2-фонд, 1-руйхат, 268-иш, 29-парақ.

⁴⁸³ УЗР МДА, 2-фонд, 1-руйхат, 268-иш, 20-парақ.

⁴⁸⁴ Ражабов Қ. Ёш бухороликлар // Бухоро мавжлари. 2005. – №2. – Б. 27.

юкори мартабали уламоларнинг йиғилишида Домла Икром жадид мактабларини очиш тўғрисидаги дастур лойиҳасини тақдим этади.

Домла Икромчанинг фаолияти тортишувга сабаб бўлади. Лекин у ўз дастурини қатъият билан ҳимоя қилади ва муайян натижага эришади. Ҳаттоки, қози калон ҳам, агар амир розилик берса, жадид мактабларининг фаолиятига қарши эмаслигини билдиради. Домла Икромчанинг таъкидлашича, “бир вақтлар илмнинг маркази бўлган Бухоро таълим тизимида фақат саноқли иктидор эгалари олим даражасига етишиши, ўқитиш усуллари ўзгарса, минглаб ҳақиқий олимлар етишиб чиқиши мумкин эди”⁴⁸⁵.

Шу тариқа, Мулла Икром бошчилигидаги бир гуруҳ (илгор фикрли уламолар гуруҳи) нуфузли кишилар янги мактабларни шакл жиҳатидан ҳам, мохият-эътибори билан ҳам халқ учун, мамлакат равнақи учун фойдали ва бу янги мактабларда дин ёки давлат манфаатларига зид келадиган ҳеч бир нарса йўқ, деб ҳисоблаб, маориф тизimini ислох этиш тарафдори бўладилар.

Мулла Абдурузиқ бошчилигидаги иккинчи гуруҳ (қадимийчилар гуруҳи) эса янги усул мактабларини дин ва давлат манфаатларига зид бўлган зарарли мактаблар деб тонди ҳамда бу мактабларга қарши жамият ва давлат қураш олиб бориши зарур деб ҳисобляди⁴⁸⁶. Улар болаларнинг парталарда ўтиришини, арифметика, табиагашунослик, география каби фанларни “мусулмончиликка-зид” деб ҳисоблаб, уларнинг ўқитилишини қераладилар.

Аmmo, Бухоро кўшбегиси янги усул мактабини ижобий баҳолаб, ўз ҳукмларини уламоларга маълум қилиши билан улар тўполон кўтардилар ва шундай шарт қўйдилар: “Агар ушбу мактаб ёпилмаса, фитна кўзгатамиз, кўшбеги ва қозикалонга ҳужум қиламиз. Муфти Икромни орадан йўқотамиз, мактабнинг муаллимини ўлдирамыз. Болаларнинг оталарини уйларини талон-тарож қиламиз. Уларни мусулмонликдан чиқарамиз”⁴⁸⁷. Иш бу даражага етиб келганидан кейин кўшбегии ва қози калон мактабни ёпиш учун тайёрланган фатвога муҳр босишга мажбур бўлдилар. Мактаб расман ёпилди. Шундай қилиб, иккинчи гуруҳ, яъни қадимийлар гуруҳи устун чиқиб, янги усул мактабининг ёпилишига эришди. Мутаассиблар бу билан ҳам чекланмай, Мирзо Абдулвоҳидни оломон қилиб ўлдирмоқчи бўладилар. У Бухородан

⁴⁸⁵ У.Р. МДА, 2-фонд, 1-руйхат, 268-иш, 16-варак.

⁴⁸⁶ Хужаяв Ф. Таълиқан асарлар.—Тошкент, 1976. 1 том. — Б. 96.

⁴⁸⁷ Айни С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. Асарлар, 1 том. — Б. 210.

қочиб, маълум муддатга Қаршида яшашга мажбур бўлади ва Садриддин Айний ҳам бирмунча вақт яшириниб юради.

1910 йилда Туркистон матбуотида “Бухорода усули жадид” деб номланган мақолада шундай ёзилган эди: “Янги усул масаласи Бухорода ҳар хил фикрларга сабаб бўлибди ва ҳар жойларда тафтиш бўлиниб, Бухоро ҳукуматдорлари нўғай (янги) муаллимларни ва ирқий муаллимларни текшириб, қоровул кўймоқда эмишлар. Абдурахмон номли бир муаллим кундуз кунлари катта ва кичик одамларни хат ёзмоққа таълим бера бошлаган экан. Қўшбеги тарафидан 4 нафар кумуш камарлик кишилар келиб, манъ қилибдур. Баъзи хабарга қараганда бу ишни татар Қамариддингина қиладурган эмиш. Унинг маъмурлар ила муносабати бор экан. Шундан фойдаланиб, усули жадиднинг авом орасига тарқатишдан хавф қилиб, бу ишни қилган эмиш. Яна Петербургдан бир тафтишчи келиб, Кўкалдош мадрасасига халқни йиғиб, бир неча савол сўраиш. Саволларнинг бари усули жадид экан. 27 мартда Кўкалдош мадрасасида бир мажлис бўлиб, қозикалон эшон, раис эшон, аълам, ўн бир муфтий ва бир неча мударрислар ҳозир бўлиб, тахминан юз нафар одам жамъ бўлган экан. Петербургдан келган муфаттиш русча ҳамда форсча сўзлашадур эмиш. Саволлари: 1. Мактаб жадидни нима учун манъ қиласиз, бунга сабаб нимадур? 2. Мадрасаларда хужраларни байъ ишро қиласизлар эмиш, бу шариятга дурусму? 3. Зироатлардин подшоликга олунадурган ушр ва хирож шариятга мувофиқму? Шул уч саволнинг жавобларига ривоят топиб муҳр босиб берингизлар деб уламо ҳаммалари иттифоқ ила бу ишни эшони аъламга топшурдилар. Эшони аълам 10 кун муҳлат олиб, жавоб бермакчи бўлубдурлар. Бул хусусда уламолар орасида кўп мухолафат бўлубдур⁴⁸⁸. Кўриниб турибдики, янги мактаб масаласи билан нафақат амир ҳукумати, балки рус ҳукумати ҳам қизиқиб қолган.

1910 йилда Бухоронинг мутаассиб руҳонийларига қарата ҳажвнома ёзганлиги учун амирликнинг Зиёвуддин беклигига сургунга жўнатилган Домла Икромнинг пойтахтга қайтиб келиши ислохотчиларни янада дадиллантирди. Ислох қилинган мактабларнинг гўёки очик расмий тус ола бошлагани ва тез суръатлар билан кўпая бошлагани сезила бошлади⁴⁸⁹.

⁴⁸⁸ // Туркестанская туземная газета, 1910. — 6 май.

⁴⁸⁹ Элен Каррер д'Энкаус. Яширин жамиятлар даври (1910-1914). Ўрта Осиёда ислохот ва инқилоб // Ўзбек тили ва адабиёти. — Тошкент: 1994. — №1. — Б.61.

Тез орада Бухоро, Карки, Шахрисабз, Қарши ва бошқа шаҳарларда ҳам янги усулдаги мактаблар очилади ва ўз самарасини бера бошлади⁴⁹⁰.

1911 йилнинг бошларида Мукомилддин Бурҳонов томонидан Бухорода янги усул мактаби очилади. Ушбу мактабдаги ўқувчилар сони 40 нафардан ортиқ бўлган⁴⁹¹. Бухородаги жаҳид мактаблари ичида Мукомилддин Бурҳонов ташкил этган мактаб ўзининг жиҳозланиши билан ажралиб турган, унда ойналик деразалар, темирдан ясалган печкалар мавжуд эди. Янги ўқувчини қабул қилиш, синфдан синфга кўчириш, мактабни битириш қатъий тартибда бўлган, ўқувчилар билимини баҳолаш 6 баллик тизим билан амалга оширилган, имтиҳонлар ташкил этилиб, улар тарғибот мақсадида ошкора, намоёншкоруна тарзда ўтказилган⁴⁹².

Бухорода Амир Олимхон томонидан амалга оширилган тadbирлардан бири – мавжуд кичик-кичик (баъзан 3-4 нафар ўқувчидан ташкил топган) мактабларни йирикрок қилиб бирлаштирилиши, мактаб ўқитувчилари учун хазинадан маош тайинланиши бўлиб, бу соҳага озроқ бўлса-да ҳукуматнинг аралашаётганлигидан далолат берар эди⁴⁹³. Бу ҳақда ўша давр матбуоти хабар қилади.

“Бухорода янги ислоҳотлар” деб номланган ва 1911 йилда нашр этилган мақолада амир ҳукумати томонидан амалга оширилаётган ислоҳотларни қуйида билдирилган фикрлардан яққол билиб олишимиз мумкин: “Ўтган апрелни аввалида Бухородаги мактаб муаллимлари кўшбеги жаноблари тарафидин Регистонга чақирилиб, ҳар бир муаллимга 15 сўмдан ойлик вазифа берилибдур. Чунки бу йил яқин вақтларда Бухородаги муаллимлар ҳар қаюларига баробар ҳазрат амир тарафларидан 15 сўмдан вазифа тайин қилинган экан. Ойлик вазифалари берилгандан кейин болаларнинг таълим ва тарбияларига таъллуқ вазирлар бошлуғи бўлган кўшбеги ила уламолар бошлуғи жаноб қозикалон тарафларидин нутқ сўзланибдур. Кўшбеги жанобларининг нутқларини мазмуни ушбу экан: Муаллим афандилар! Ватанимизнинг ёш болаларининг таълим ва тарбиясига кўб ортуқча диққат этингизлар. Аларни ҳеч вақт урмангиз. Ўқумоқча тарғиб ва ташвиқ учун аларни доимо мактабга

⁴⁹⁰ Ўша жойда. – Б.60-61.

⁴⁹¹ Ёқулдошев Н. Милрифат фидойилари // Гулистон. – Тошкент, 1991. – № 4. – Б.20-21.

⁴⁹² Гафаров Н. История культурно-просветительской деятельности джадидов в Бухарском эмирате. – С. 86.

⁴⁹³ // Туркестанские ведомости, 1911. – 14 апрель.

мухаббат этмоқға саъй қилингиз. Бир соат ўқутуб бир неча дақиқа танаффус этингиз”⁴⁹⁴.

Бухорода амалга оширилган ислохот ишлари хусусида Абдурауф Фитратнинг фикр-мулоҳазалари “Ойина” журналида нашр этилган мақолада қуйидагича кўрсатилган: “Ана, жаноби олий бизнинг маърузаларимизни назари эътиборга олиб, аввало, Бухоро мактаблари ислоҳи учун ҳиммат кўргуздилар. Аммо улардаги мавжуд дарс бериш тарзини ўзгартириб, бесавод мактабдорларни алмаштирили ўрнига, ўша кўҳна мактабга мояна тайин қилиб, асли таълим усулини қолдириб, муаллимлар устидан умумий бир муфаттиш қўйиб қўйдилар”⁴⁹⁵. Аммо мактаблардаги кўнгина ўқитувчилар ислохотдан беҳабар бўлиб, уларнинг таълим усули эски ҳолда эди. Шунинг учун ҳам ўқитувчиларга маош тайинланиши, улар фаолиятини назорат қилиш учун тафтишчи қўйилиши унчалик самара бермаган. “Бир неча фурсат ўтиб, мактабдорлар ва ўртамиёна муфаттиш (тафтишчи) лар бир-бирларини топдилар. Бир нави қилиб маслаҳатни бир жойга қўйдилар. Мактаблар асли ҳолича қолди. Кетгани ҳукуматнинг пули бўлди. Бекордан бекорга мактабдорлар чўнтагига кетди. Яъни, фарёдларимиз ва жаноби олий ташаббуслари зоеъ кетди”⁴⁹⁶.

1911-1912 йилларда Бухоро амирлиги ҳудудида янги усул мактабларининг сони 57 тага етади⁴⁹⁷.

1912 йилнинг 9 октябрида Чоржўйда Отахўжа (Отаулла Хўжаев)нинг янги усул мусулмон мактаби очилади. Бу мактабга Чоржўй ҳоқими томонидан хайрия қилинганлигини 1912 йил 28 июндаги 1243 рақам остидаги кўшбеги фармонидан кўришимиз мумкин⁴⁹⁸. 1912 йилнинг бошларида Ёш бухороликларнинг фаол аъзоларидан бўлган Усмон Хўжа жадид мактабларидан бирини қайта ташкил этади⁴⁹⁹.

Усмон Хўжа ташкил этган жадид мактабларида таълим-тарбия жараёнлари бутунлай янги тартиблар асосида йўлга қўйилган эди. Болаларни ёшларига қараб синфларга бўлиш, бир кунда 4-5 соатдан ортиқ дарс ўтмаслик, ҳар бир дарсдан сўнг 10 дақиқалик танаффус жорий қилиш, асосий эътиборни дунёвий фанларни ўқитишга қаратиш, асосан, биринчи босқичда ўқувчиларнинг саводини

⁴⁹⁴ // Туркестанская туземная газета, 1911. – 15 май.

⁴⁹⁵ Фитрат А. Бухоро ҳукуматининг ислохотроҳи қадимлари // Ойина, 1915. – № 8.

⁴⁹⁶ Ўша жойда.

⁴⁹⁷ Бендриков К. Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865-1924). – С. 260.

⁴⁹⁸ ЎзР МДА. 126-фонд. 1-руйхат, 1988-иш, 1-варақ.

⁴⁹⁹ Ражабов Қ., Хайитов Ш. Усмон Хўжа. – Тошкент: Abu marbut konsalt, 2011. – Б. 8.

чиқариш, жума ва якшанба кунлари дам олишни жорий қилиш, 10 ойлик таҳсидан сўнг болаларга таътил бериш, ўқувчилардан вақти-вақти билан имтиҳон олиб туриш, болаларни ёруғ ва мумкин қадар шинам хоналарда ўқитиб, ўқитиш жараёнида кўргазмали қуроллар, глобус ва хариталардан фойдаланиш қоидаларига эътибор қаратишган.⁵⁰⁰

1912 йилнинг охирларида Усмон Хўжанинг қариндоши Латиф Хўжа томонидан Говкушон маҳалласида янги мактаб очилади. Шаҳар савдогарлари хомийлигида ишлаган ушбу мактаб 2 синфдан иборат бўлиб, ҳар бир синфда 3 та глобус, китоблар, ўтириш ва ёзини учун парталар, ўқувчиларга бериладиган дафтарлар, ўқув қуроллари, деворий тахта (доска) бўлган. Битта синфда бошланғич таълим олувчилар, иккинчисида эса олти ой таълим олганлар ўқиган. Дарсларни Усмон Хўжа ва Ёш бухороликлар партияси аъзоси Мулла Ғулом Қодирали олиб борган. Дарслар Самарқандда нашр этилган форс-тожик тилидаги дарсликлар асосида олиб борилган. 30 кишидан иборат икки синф ўқувчиларининг барчаси Бухородаги бой савдогарларнинг фарзандлари бўлиб, улар тез ва тўғри ўқийдиган бўлишган. Мазкур мактабда тан жазоси қўлланилмаган.⁵⁰¹

1912 йилда Бозори Нав гузаридида ўқитувчи Мулло Ҳамидхўжа уйида янги мактаб очилади, унда 32 нафар ўқувчи бўлиб, дарслар рус тилида олиб борилган. Ўқитувчи Мулла Вафо дарсларни Граменицкий дарслиги асосида олиб борган. Кўп ўқувчилар олти ойда рус тилида раво ёзиб ва ўқиб билган.⁵⁰² Мулла Вафо мактабида 30-35 бола ўқиган. Бундан ташқари яна бир канча мактаблар фаолият кўрсатган. Бундай мактаблар Бухоро халқининг эътиборини қозонган ва ўзининг келажиги қорлоқ эканлигини кўрсатган.⁵⁰³

Айрим жадид мактабларида, масалан, Усмон Хўжа, Ҳамидхўжа Мехрий мактабларида бир неча ўқитувчи ишлаган, шунинг учун педагогика кенгаши фаолият кўрсатган, танаффус пайтида ўқитувчилар навбатчилик қилишган.⁵⁰⁴

Мактаблар кўпинча унинг ташкилотчилари томонидан таъминлаб турилган, айрим ҳолларда, уларга бой-бадавлат кишилар хомийлик қилиб туришган. Булардан ташқари, мактабларнинг

⁵⁰⁰ Ҷаъид жойида.

⁵⁰¹ ЎзР МДА, 2-фонд, 1-руйхат, 268-иш, 9-10-варақлар.

⁵⁰² Қаранг: // Ойиша, 1914. – 28 январь.

⁵⁰³ ЎзР МДА, 2-фонд, 1-руйхат, 266-иш, 9-13-варақлар.

⁵⁰⁴ // Ойиша, 1914. – 28 январь.

таъминоти ота-оналар томонидан бериладиган ўқиш пули ҳисобидан ҳам йўлга қўйилган. Масалан, Абдулвоҳид Мунизим (Бурҳонов) ташкил этган мактабда ўқиш пули ойига 3 сўмни ташкил этган. Ўқувчиларнинг 15-20 %и, асосан камбағалларнинг фарзанди бўлиб, улар бепул ўқитилган⁵⁰⁵. Шуни ҳам эътироф этиш лозимки, янги усул мактабида ўқиш пули анъанавий мактабга нисбатан анча юқорироқ бўлган, бу ўқув жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ эди: анъанавий мактабда 6-10 йил ўқилса, янги усул мактабида 4 йил ўқитилган. Жаҳид мактабларида ўқитиш босқичлари, ўқитиш усуллари ва ўқитиладиган фанлар аниқ бўлган.

Жаҳид мактаблари икки босқичда ташкил қилинган. Биринчи босқич бошланғич, иккинчи босқич ўрта деб аталди. Биринчи босқичда таҳсил муддати 4 йил (1-4синфлар) бўлиб, биринчи йили форсча, арабча ёзув ва ўқиш ўргатилган. Қуръони Каримдан суралар ёд олинган. Ҳисоб илми ўргатилган. Иккинчи йилида Ҳафтияк, иймон ва эътиқод дарслари, туркий, форсий ва арабий тилларда шеърлар ўқитилган. Учинчи йилида эса Қуръони Карим, ислом ибодати, тажвид (қироат-илми), Саъдийдан насиҳатлар (ахлоқ илми), туркий ва форсий тил (тилшунослик илми) ўргатилиб, ундан иншолар ёздирилган. Ҳисобдан турли тақвимий ва иш юритиш каби зарурий жиҳатлар ўқитилган. Тўртинчи йилда Каломи шариф тафсири, муфассал тажвид, туркий ва форсий тилида назму наср (адабиёт), туркий ва форсий тил, ҳисоб, тарих ва жуғрофия ўқитилган⁵⁰⁶.

Шунигиндек, жаҳид мактабларида арифметика, география, табиатшунослик (қаттиқ асос, газ, ҳаво, иссиқ, совуқ), табиий билим асослари (шу жумладан, минералогия ва ҳаттоки анатомия; химия ва физика элементлари) ўқитилган⁵⁰⁷.

Мирзо Абдулвоҳид мактабининг ёпилиши билан ҳам мутаассибларнинг кўнгли жойига тушмаган. Чунки Мирзо Абдулвоҳиднинг мактаби ёпилганидан кейин 50 дан ортиқ ўқувчилар татар мактабига кириб ўқий бошлайдилар. Ушбу ҳолга чидай олмаган бухоролик уламолар Бухоро ҳукуматига мурожаат қилиб татар мактабининг ҳам ёпилишини талаб қиладилар. Аввалига Бухоро ҳукумати ҳам, Россия элчихонаси ҳам бу ишни ҳал қила олмади, чунки татарлар Россия фуқароси бўлиб, улар Бухоро

⁵⁰⁵ ЎзР МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 1148-ши, 234-парақ.

⁵⁰⁶ Қаранг: Турсунметова Г. XX аср бошларида Туркистон таълим-тарбия тизимида жаҳид мактаблари. – Б.124.

⁵⁰⁷ Қаранг: // Ойина, 1914. – 28 январь.

чиқариш, жума ва якшанба кунлари дам олишни жорий қилиш, 10 ойлик таҳсилдан сўнг болаларга таътил бериш, ўқувчилардан вақти-вақти билан имтиҳон олиб туриш, болаларни ёруғ ва мумкин қадар шинам хоналарда ўқитиб, ўқитиш жараёнида кўргазмали қуроллар: глобус ва хариталардан фойдаланиш қоидаларига эътибор қаратилган.⁵⁰⁰

1912 йилнинг охирларида Усмон Хўжанинг қариндоши Латиф Хўжа томонидан Говкушон маҳалласида янги мактаб очилади. Шаҳар савдогарлари хомийлигида ишлаган ушбу мактаб 2 синфдан иборат бўлиб, ҳар бир синфда 3 та глобус, китоблар, ўтириш ва ёзиш учун парталар, ўқувчиларга бериладиган дафтарлар, ўқув қуроллари, деворий тахта (доска) бўлган. Битта синфда бошланғич таълим олувчилар, иккинчисида эса олти ой таълим олганлар ўқиган. Дарсларни Усмон Хўжа ва Ёш бухороликлар партияси аъзоси Мулла Фулом Қодирали олиб борган. Дарслар Самарқандда нашр этилган форс-тожик тилидаги дарсликлар асосида олиб борилган. 30 кишидан иборат икки синф ўқувчиларининг барчаси Бухородаги бой савдогарларнинг фарзандлари бўлиб, улар тез ва тўғри ўқийдиган бўлишган. Мазкур мактабда тан жазоси қўлланилмаган.⁵⁰¹

1912 йилда Бозори Нав гузарида ўқитувчи Мулло Ҳамидхўжа уйида янги мактаб очилади, унда 32 нафар ўқувчи бўлиб, дарслар рус тилида олиб борилган. Ўқитувчи Мулла Вафо дарсларни Граменицкий дарслиги асосида олиб борган. Кўп ўқувчилар олти ойда рус тилида равон ёзиб ва ўқиб билган.⁵⁰² Мулла Вафо мактабида 30-35 бола ўқиган. Бундан ташқари яна бир қанча мактаблар фаолият кўрсатган. Бундай мактаблар Бухоро халқининг эътиборини қозонган ва ўзининг келажаги порлоқ эканлигини кўрсатган.⁵⁰³

Айрим жадид мактабларида, масалан, Усмон Хўжа, Ҳамидхўжа Меҳрий мактабларида бир неча ўқитувчи ишлаган, шунинг учун педагогика кенгаши фаолият кўрсатган, танаффус пайтида ўқитувчилар навбатчилик қилишган.⁵⁰⁴

Мактаблар кўпинча унинг ташкилотчилари томонидан таъминлаб турилган, айрим ҳолларда, уларга бой-бадавлат кишилар хомийлик қилиб туришган. Булардан ташқари, мактабларнинг

⁵⁰⁰ Ҷаъфари.

⁵⁰¹ ЎзР МДА, 2-фонд, 1-рўйхат, 968-иш, 9-10-варрақлар.

⁵⁰² Қўрағон // Ойина, 1914. – 28 январь.

⁵⁰³ ЎзР МДА, 2-фонд, 1-рўйхат, 266-иш, 9-13-варрақлар.

⁵⁰⁴ // Ойина, 1914. – 28 январь.

таъминоти ота-оналар томонидан бериладиган ўқиш пули ҳисобидан ҳам йўлга қўйилган. Масалан, Абдулвоҳид Мунзим (Бурҳонов) ташкил этган мактабда ўқиш пули ойига 3 сўмни ташкил этган. Ўқувчиларнинг 15-20 %и, асосан камбағалларнинг фарзанди бўлиб, улар бепул ўқитилган⁵⁰⁵. Шунини ҳам эътироф этиш лозимки, янги усул мактабида ўқиш пули анъанавий мактабга нисбатан анча юқорироқ бўлган, бу ўқув жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ эди: анъанавий мактабда 6-10 йил ўқилса, янги усул мактабида 4 йил ўқитилган. Жадид мактабларида ўқитиш босқичлари, ўқитиш усуллари ва ўқитиладиган фанлар аниқ бўлган.

Жадид мактаблари икки босқичда ташкил қилинган. Биринчи босқич бошланғич, иккинчи босқич ўрта деб аталди. Биринчи босқичда таҳсил муддати 4 йил (1-4синфлар) бўлиб, биринчи йили форсча, арабча ёзув ва ўқиш ўргатилган. Қуръони Каримдан суралар ёд олинган. Ҳисоб илми ўргатилган. Иккинчи йилида Ҳафтияк, иймон ва эътиқод дарслари, туркий, форсий ва арабий тилларда шеърлар ўқитилган. Учинчи йилида эса Қуръони Карим, ислом ибодати, тажвид (кироат-илми), Саъдийдан насиҳатлар (ахлоқ илми), туркий ва форсий тил (тилшунослик илми) ўргатилиб, ундан иншолар ёздирилган. Ҳисобдан турли тақвимий ва иш юритиш каби зарурий жиҳатлар ўқитилган. Тўртинчи йилда Каломи шариф тафсири, муфассал тажвид, туркий ва форсий тилида назму наср (адабиёт), туркий ва форсий тил, ҳисоб, тарих ва жуғрофия ўқитилган⁵⁰⁶.

Шунингдек, жадид мактабларида арифметика, география, табиатшунослик (қаттиқ асос, газ, ҳаво, иссиқ, совуқ), табиий билим асослари (шу жумладан, минералогия ва ҳаттоки анатомия; химия ва физика элементлари) ўқитилган⁵⁰⁷.

Мирзо Абдулвоҳид мактабининг ёпилиши билан ҳам мутаассибларнинг кўнгли жойига тушмаган. Чунки Мирзо Абдулвоҳиднинг мактаби ёпилганидан кейин 50 дан ортиқ ўқувчилар татар мактабига кириб ўқий бошлайдилар. Ушбу ҳолга чидай олмаган бухоролик уламолар Бухоро ҳукуматига мурожаат қилиб татар мактабининг ҳам ёпилишини талаб қиладилар. Аввалига Бухоро ҳукумати ҳам, Россия элчихонаси ҳам бу ишни ҳал қила олмади, чунки татарлар Россия фуқароси бўлиб, улар Бухоро

⁵⁰⁵ ЎзР МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 1148-иш, 234-варақ.

⁵⁰⁶ Қаранг: Гурсулметова Г. XX аср бошларида Туркистон таълим-тарбия тизимида жадид мактаблари. — Б.124.

⁵⁰⁷ Қаранг: // Ойина, 1914. — 28 январь.

хукуматига бўйсунмас эдилар. Ниҳоят, бир чорани топадилар: бухоролик болаларни ўқишга олмаслик шарти билан татар мактабини ишлашига рухсат этилади⁵⁰⁸. Шунингдек, татар мактабининг ҳам ёпиб қўйилиши Бухорода норозиликни келтириб чиқарган. Бухорода яшаётган татарлар ва янги усул мактаби тарафдорлари бўлган Ёш бухороликлар партияси аъзолари мактабларнинг ёпилиши ҳусусида шикоят мактуби тайёрлаб, уни И.Гаспиринскийга топширганлар. “Таржимон” газетасида бухоролик муллалар номига битилган очик мактублар ҳам эълон қилинади⁵⁰⁹. “Русиядаги мусулмон газета ва мажаллалари, узун мақолалар ёзиб, Бухоро ҳукумати ва уламосини тўғри танқидлар қила бошлади. Айниқса, ҳажвий “Мулла Насриддин” мажмуаси бу воқеа муносабати билан маънодор расмлар билан Бухоро уламоси ҳақида бир саҳифада, бир китоб маънини ифода қилатурган нарсаларни бутун саводли ва саводсизларнинг кўз олдидиларига қўйди”, — деб ёзган эди Садриддин Айний⁵¹⁰.

Амирликдаги диний уламоларнинг янги усул мактабларига нисбатан муносабатларини Файзулла Хўжаев қуйидагича ифодалайди: “Дунё бузилди, мусулмонликдан қайтган бир неча бойлар жадид мактаблари очиб, оҳишта-оҳишта болаларимизни диндан чиқаралар. Олти ойда болаларнинг хат ва саводини чиқарсалар мадрасалар хароб бўлур. Дехқон болалари доно бўлгондан кейин амирга солиқ бермайдилар, хазина бўшаладур, ҳаммамиз оч қолурмиз”⁵¹¹.

Ўз вақтида амир ҳукумати ва жадидлар ўртасидаги муносабатларнинг гувоҳи бўлган Мирзо Салимбекнинг хотирлашича, янги усул мактабларида болалар жуда қисқа фурсатда савод чиқара боргани боис, унинг обрўйи ошиб борган. Эски мактабдан кўпчилик юз ўгириб, муллалар, ҳарбий-сипоҳлар, савдогарлар, дўқондорлар болаларини янги мактабга ўқишга бера бошлашган. Янги усул мактабларидаги дарсликларнинг ҳаммасида диний қондаларига алоҳида эътибор берилган эди⁵¹². Аммо кейинчалик бу мактабларда дунёвийлик кучайиб борган.

Янги усул мактаблари нафақат Бухоро шаҳрида, балки амирликнинг барча беклик ва туманларида ҳам фаолият кўрсатади.

⁵⁰⁸ Айний С. Бухоро шайхони тарихи учун материаллар. // Асарлар, 1 том. — Б. 213.

⁵⁰⁹ Бюллетень САГУ. №16. — С.85.

⁵¹⁰ Айний С. Бухоро шайхони тарихи учун материаллар. // Асарлар, 1 том. — Б. 213.

⁵¹¹ Хўжаев Ф. Хотирамда // Бухоро ахбори. 1921. — №48.

⁵¹² Мирза Салимбек. Тарихи-Савоми (источник по истории Бухарского эмирата). — Ташкент: Академия, 2009. — С. 207.

1908-1912 йилларда Каркида татар болалари учун мактаб, рус тилини ўрганувчилар учун тўғарақлар очилиб, кутубхоналар ишга тушади. Қори Йўлдош Пўлатов, Фазлиддин Махсум, Ҳожи Жўракул, Абдуфаттоҳжонлар бу жараёнда фаол иштирок этишган. Амирликнинг Шаҳрисабз беклигида Исломул Тўқсабо ўз уйида янги усул мактаби очиб, унда ишлаш учун Тошкент ва Самарқанддан бир неча муаллимларни таклиф этган⁵¹³. Ушбу муаллимлар томонидан кейинчалик бир неча мактаблар ташкил этилган.

1913 йилда амирликнинг Гиждувон туманида Абдул Ҳаким Хўжа бир неча янги усул мактабини очишга муваффақ бўлган. Унинг ўзи очган мактаблари учун дарсликлар ёзган, ёши катталар учун кечки мактаблар ташкил этилган⁵¹⁴.

1913 йилда Қоракўл туманида амлоқдор Гулом Қодир билан Қози Икром бир мактаб очиб ўз болаларини ва хоҳловчиларнинг болаларини ўқитишни ташкил этган. Бу ерда Сулаймонхўжа томонидан газета тарқатилиб, китоблар келтирилиб, кутубхона иши йўлга қўйилган. Шофиркон ва Вобкент туманларида ҳам ёшлар билан ишлаш, адабиётлар тарқатиш ва мактаблар очиш иши ташкил этилиб, татар муаллимларидан фойдаланилган⁵¹⁵.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, янги усул мактаблари 1910, 1911, 1912, 1913 йилларда амирлик хуудлари бўйлаб кенг тарқалган, гарчанд, уларнинг ўқувчилари унчалик кўп бўлмаса-да, янги усулдаги мактаблар тўғрисидаги тасаввурни шаклланишига ҳамда аҳолининг ушбу мактабга нисбатан хайрихоҳ бўлишига ёрдам берган. Амирлик ҳукумати чекланган тарзда бўлса ҳам таълим тизимини ислоҳ қилиш ишига бир мунча муддат эътибор беради. Садриддин Айний таъкидлаганидек, ушбу мактаблар “ним (ярим) ёллоҳ мактаблари” эди.

1912-1913 йилларда мактаб очиш, унинг ўқув жараёнларини тўғри ташкил этиш ишида маълум даражада силжиш кузатилган. Қози Бурҳониддин каби мутаассибларнинг Бухородан қувилиши, айрим мансабдорларнинг вазифасидан четлаштирилиши оқибатида мактаблар масаласида вақтинчалик мўътадиллик вазияти юзага келади.

⁵¹³ // Бухороий шариф, 1912. – 18 июль.

⁵¹⁴ Уша жойда.

⁵¹⁵ Айний С. Бухоро шикмобин тарихи учун материаллар. Асарлар, 1 том. – Б 245.

1912-1913 йилларда Бухоро шаҳрида мулло Абулқосим, Мукомolidдин Махсум, Гийс Махсум Хусайн томонидан яширин мактаблар очилиб, уларда 100 дан ортиқ бола ўқишган⁵¹⁶.

Говкушон ҳовузи бўйида, Ҳовузи Арбоб гузарида мактаблар ишлай бошлайди. Пойи Остона гузарида рус ва мусулмонча мактаб очилади. Хиёбон гузарида Мирзо Исмоилбекнинг укаси томонидан катталар учун савод чиқариш мактаби ташкил этилиб, унда хат-савод ўргатиш, ҳисоб ва география ўқитилади⁵¹⁷.

Бухоро шахрининг Мор Кушон ва иккинчи Хиёбон гузарларида очилган мактабларни шаҳарнинг бой савдогарлари таъминлаб турган. Абул Қосим мактабидаги ўқувчилар сони 300 нафардан ортиқ бўлиб, ўқув икки сменада олиб борилиб, дарслар Техрон (Эрон)да нашр этилган дарсликлар асосида ташкил этилган⁵¹⁸.

Бухорода жадидчилик ҳаракатининг жонқуярларидан бири Ота Хўжа Пўлатхўжаев (Отаулла Хўжаев)дир. У маслакдошлари билан янги усул мактабини очади, бир неча ойдан сўнг бу мактаб амир ҳукумати томонидан ёниб қўйилади. Шундай бўлса-да, у таъқиқларга қарамай, Бухорода яширинча кечки мактаблар очишда фаол қатнашади. Абдурауф Фитратнинг ўзи ҳам 1913-1914 йилларда Ота Хўжа Пўлатхўжаев билан бирга Шаҳрисабз ва Қаркида мактаблар очиш билан машғул бўлган⁵¹⁹.

1914 йилда Бухорода ном чиқарган, машхур Усмон Хўжанинг мактабида 200 нафар⁵²⁰, Эшон Ҳомид Хўжанинг мактабида (Бозори Нав гузарида) 100 нафар, Мулла Вафонинг мактабида 80 нафар ўқувчи таълим олган⁵²¹. Булардан Мулла Вафонинг мактабида дарслар рус тилида олиб борилган⁵²². Рус тилидаги мактабга асосан, савдогар, тижоратчиларнинг болалари борган. Янги усул мактабларининг кўпчилигида майда савдогар ва камбағалларнинг болалари таълим олишган. Бунинг асосий сабаби-ҳукумат томонидан жадид мактабига тазйиқ ўтказилиши эди. Шу боисдан бой табақа янги усул мактабидан хавфсирар эди.

1914 йилга келиб Бухородаги барча янги усул мактаблари қаттиқ қаршиликка учрайди. Амирликнинг ўта мутаассиб руҳонийлари жадид мактаблари хусусида шундай “фатво”

⁵¹⁶ Ўша жойда. – Б 270-275.

⁵¹⁷ Ўша жойда. – Б 245.

⁵¹⁸ // Бухороий шариф, 1912. – 29 ноябрь.

⁵¹⁹ Шарипов Р. Туркистон жадидчилик ҳаракати тарихидан. – Тошкент: Ўқитувчи, 2002. – Б. 107.

⁵²⁰ ЎзР МДА, 3-фонд, 1-рўйхат, 268-инв, 3-варак.

⁵²¹ Бюллетень САГУ. №16. – С.91.

⁵²² Ўша жойда. – С.86.

беришади: “У (яъни мактаб) шариятга қарши. Биринчи йилда ўқувчилар газета ўқийди, иккинчи йилда озодлик талаб қилади, учинчи йилда эса олий ҳазратларини тахтдан ағдаради”⁵²³.

Амирликнинг чекка худудларидаги янги усул мактаблари ҳам тазйиққа учрайди. Масалан, Қоракўлдаги амалдор Ғулом Қодирнинг мактаби ҳам 1914 йилда амирнинг фармони билан ёпилади⁵²⁴.

1914 йилда “Ойна” журналида Мирзо Улуғбек жоме масжидининг муаззини 5-6 минг киши ҳузурда “ким боласини усули жаҳид мактабига берса, ўзи кофир, хотуни талоқ”, деб айтгани ҳақида маълумот берилади⁵²⁵.

Шунга ўхшаш маълумотни “Туркистон вилояти газетаси”да учратдик. Бу маълумотда: “Баъзи уламоларнинг фикрича, усули жаҳидни ўқиган бола кофир бўлар эмиш. Шунинг учун болаларни у ерга юборманглар деганлар. Аммо у ерда Куръон қоидалари, фарз-айн каби ислом асослари ўқитилар эди. Яна муллаларнинг баъзиси усули жаҳид мактабларида болалар стол-стулларда ўтиришини кўриб, бу кофирларнинг стули дер эдилар”⁵²⁶.

1914 йил 4 июлда амир Олимхон одатдагидек жума намозига борган пайтида мутаассиб руҳонийлар янги усул мактабларини ёпиш тўғрисида шикоят қилишади. Қозикалон Бурҳониддин жаҳид мактабларини бадном қилувчи ва бу мактабларни тезда ёпишга қаратилган куйидаги мазмунда амир Олимхонга ариза ёзади: “Амир марҳум даврларида уламанинг фатволари билан усули жаҳид мактабларининг ҳаром ва бидъатлиги собит бўлиб, жаноби олийнинг амрлари билан ёпилган эди. Бир неча вақтдан бери яна муфсид жаҳидлар бош кўтариб, шаҳарнинг ҳар тарафида мактаблар очиб, халқнинг болаларини бузиб, фитна ва фасод кўзғатиб юрибдурлар. Агар жаноби олийнинг амрлари билан ушбу мактаблар тезлик билан боғланмаса, муллабаччалар бу бидъатни барҳам бермоқ учун ўзлари кўзғалишлари аниқдир. У ҳолда мамлакатда фитна ва фасодлар кўпайиб, давлати олийга зарар етиши эҳтимолдир”⁵²⁷.

1914 йилнинг 5 июлида амир Саид Олимхоннинг фармони билан Бухородаги барча жаҳид мактаблари ёпилади, уларнинг кўзга кўринган раҳбарларидан бир қисми шаҳардан чиқариб юборилади,

⁵²³ УЗР МДА, 2-фонд, 1-рўйхат, 268-нш, 20-29-парақлар.

⁵²⁴ Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. Асарлар, 1 том. – Б. 245.

⁵²⁵ Факултода тақфир (кофирга йўйити) // Ойна, 1914. – №12.

⁵²⁶ // Туркестанская туземная газета, 1906. – 28 март.

⁵²⁷ Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. – Б. 210.

яна бир қисмига яширин тўпланиш таъқиқлаб қўйилади. Шунингдек тўғарак тузиш, газета ўқиш ва уни муҳокама қилиш ман этилади⁵²⁸.

Бухоронинг мутаассиб, диний уламолари амир Саид Олимхонга мактуб ёзиб, янги усул мактабларини ёпиш кераклигини айтиб нўписа қиладилар: “Олампаҳоқ бохабар бўлинг, сизнинг подшоҳлигингизда нохушлик бўлмасин”⁵²⁹. Шундан сўнг амир фармони асосида қўшбеги ва қози калон бошчилигида мавжуд бўлган янги усул мактабларини очмаслик учун ўқитувчи ва ота-оналардан тушунтириш хати олинади.

Амир Саид Олимхоннинг янги усул (жадид) мактабларини ёпиш тўғрисидаги фармони 1914 йилнинг июлида қўшбеги Насрулло орқали амалга оширилди. Бухоро шаҳрида машҳур саналган Усмон Хўжа, Ҳамид Хўжа, Мукомилиддинлар томонидан ташкил этилган янги усул мактаблари ўз фаолиятини тўхтатди. Мактабларга қатнайдиغان болаларнинг ота-оналаридан ўз фарзандларини янги усул мактабига юбормаслик ҳақида тилхат олинди⁵³⁰.

Амирнинг фармонида кўра, қўшбеги Насрулло ва қози калон Бурҳониддинлар янги усул мактаблари ташкилотчиларидан, муаллимларидан бундай мактабни очмасликлари тўғрисида мажбурий тилхат олдилар. Янги усул мактабига қатновчи ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари ҳақида маълумот олинди. Вилоят ва туманлардаги (Шахрисабз, Ғиждувон, Шофиркон, Қорақўл) мактаблар ҳам ёшилди⁵³¹.

Шундай қилиб, 1914 йилнинг иккинчи ярмида Бухорода фаолият юритувчи барча янги усул мактаблари амирлик ҳукумати томонидан ёпиб қўйилади. Ушбу чорани Россия империясининг Бухородаги сиёсий агентлиги ҳам қўллаб-қувватлади.

Бироқ амирлик худудида яширинча ва норасмий равишда фаолият кўрсатаётган мактаблар сони ортиб борган. Ўзига тўқ, бой-бадавлат оилалар ўз уйларида индивидуал шаклда ўқитишни ташкил эта бошлаган. Чунки Бухорода янги усул мактаблари ўзларининг самарали ва фойдали эканлигини амалий жиҳатдан исботлаб бўлган эди. Ана шундай вазиятда болаларни европача усулда 4 йиллик бошланғич мактабда ўқитиш гояси туғилади ва Россиянинг Бухородаги сиёсий агентлигига бир гуруҳ бухороликлардан имзосиз илтимоснома юборилади. Унинг мазмуни қуйидагича эди: “Сизга

⁵²⁸ Бюллетень САГУ. №16. – С.93.

⁵²⁹ ЎзР МДА, 2-фонд, 1-руйхат, 268-шл, 7-варак.

⁵³⁰ ЎзР МДА, 2-фонд, 1-руйхат, 268-шл, 34-варак.

⁵³¹ ЎзР МДА, 2-фонд, 1-руйхат, 268-шл, 14-варак.

маълумки, болаларимиз қисқа фурсатда савод чиқариб, ўқиш ва ёзишни ўрганадиган янги усул мактаблари икки-уч нафар мулланинг шикоятга асосида амир зоти олийлари томонидан ёпиб қўйилди. Мана бир ойдан ошмоқдаки, болаларимиз ўқимасдан, кўчада дайдиб юришибди. Сизга жуда яхши маълумки, биз бухоролик фуқаролар, асосан, савдо ва тижорат аҳли, хунармандлар саводсизмиз. Биз истардикки, болаларимиз тез саводини чиқарса, бизни ишимизни давом эттириб, савдо-сотик ҳисобини олиб борса. Биз ўзимиз етти-саккиз йил давомида эски усул мактабида таҳсил олганимиз учун ҳозирда саводсизмиз. Шу туфайли сиздан ёпилган янги усул мактабларини яна очишга рухсат беришингизни сўраймиз⁵³². Аммо сиёсий агентлик томонидан бу мурожаат эътиборсиз ва жавобсиз қолдирилади.

Амир ва унинг амалдорлари янгилик тарафдорлари бўлган талабалар ва мударрисларни сиқувга олди, таъкиб қилди. Мадраса талабаси Собиржон Мустафоевнинг уйи тинтув қилинганда таъқиқланган китоблар чиқди. Заргарон мадрасаси талабаси Муҳаммад Мустафоевнинг уйидан ҳам А.Фитратнинг тақиқланган “Мунозара” асари ва бошқа адабиётлар топиб олинди. Улар амирнинг буйруғига биноан 75 дарра билан калтаклаб зиндонга ташланди⁵³³.

Катта ёшдаги кишилар учун савод чиқариш курслари ҳам аста-секин кўпайиб борган. Бироқ 1914 йилда Бухоро кўшбегиси Насрулло ушбу курслар муаллимларини ҳам аркка тўплаб, бундан кейин муаллимлик қилмаслик тўғрисида улардан тилхат олади ва агар ким муаллимлик қилса, сургун этилади, деб огоҳлантиради⁵³⁴.

Эски Бухоро полицияси бошлиғи Вильманнинг 1914 йил 14 июлдаги билдиришномаси (рапорти)да шундай дейилади: “Жорий йилнинг июн ойида маҳаллий руҳонийлардан бўлган машхур эшоннинг пайгамбар ёшига тўлгани муносабати билан ўтказган зиёфатида меҳмонлар билан Мулла Икром ўртасида тўқнашув юз берди. Мулла Икром йиғилишдан фойдаланиб, усули қадим тарафдорларини фош қилувчи нутқ сўзлади⁵³⁵. Анъанавий мактаб тизимини ҳимоя қилиб чиққан Бурҳониддинга қарши Мулла Икром мунозара сўнгида қуйидаги сўзларни баён этди: “Ҳозир ҳам Бухоро ўз олимларига эга. Аммо булар ўз ҳаётини бутунлай илм-фанга

⁵³² Бюллетень САГУ. №16. – Ташкент, 1977. – С.93-94.

⁵³³ ЎзР МДА, 3-фонд, 2-руйхат, 150-нш, 19-варак.

⁵³⁴ Айний С. Қиссача таржиман ҳолим. Асарлар, 1 том. – Б.68

⁵³⁵ ЎзР МДА, 3-фонд, 2-руйхат, 30-нш, 19-варак.

багишлаган ўн минглаб кишилар орасидан чиққан бахтли инсонлардир. Нима учун биз Бухоронинг гуллаб-яшнаши ва равнақи учун ҳукуматдан эски усулни янгиси билан алмаштиришни талаб қилдик? Агар Бухорода бошқача шароит бўлганида, бундай олимлар сони мингларга ҳам етган бўларди. Мен амалдорлар билан руҳонийлар орасида ўзимга мадад топмасам, муқаддас иш учун очик кураш майдонига кириб, жабр чекишга ва ўз ўлимимни қабул қилишга ҳам тайёрман⁵³⁶.

Аmmo бу муаммонинг расмий жиҳати бўлиб, амалда ёпилган тўрт мактаб ўрнига муаллим ва ўқитувчиларнинг уйларида 45 та норасмий яширин мактаблар ўз фаолиятини бошлади⁵³⁷. Шу йилларда Бухорога кўшни бўлган Фарғона вилоятида 30та янги усул мактаблари мавжуд бўлган бўлса, Етгисув вилоятида 12та мактаб⁵³⁸, Сирдарё вилоятида 16та янги усул мактаби фаолият юритган⁵³⁹.

Янги усулдаги таълимни Бухорода таъқиқлашни тўла-тўқис амалга ошириб бўлмас эди, чунки бу даврга келиб либералларнинг қарашлари ва янги усул таълими илдиз отиб улгурган эди. Бухоронинг бой табақалари вакиллари эндиликда ўз болаларини хусусий тарзда жадидларда ўқитаётган эди⁵⁴⁰.

1914-1915 йилларда газеталар ва янги усул мактабларининг ёпилиши амалдаги ҳокимиятнинг жадидлар томонидан илгари сурилаётган маърифий ғояларни амалга оширишга йўл бермаслигини кўрсатиб берди. Жамиятда ўзгаришлар бўлиши учун сиёсий ҳокимиятни ўзгартириш зарур эди⁵⁴¹.

Бухорода ташкил этилган янги усул мактаблари фаолиятини таҳлил этиш шуни кўрсатадики, ушбу мактабларда таълим-тарбия жараёни қатъий режа асосида олиб борилмаган, уларнинг бирон жойда расман тасдиқланган ягона ўқув режаси, дастури бўлмаган. Одатда, дарслар тегишли мактаб раҳбари, ташкилотчиси ва муаллимлари томонидан тузилган ўқув режаси ва дарслик асосида олиб борилган.

Янги усул мактабларида дунёвий фанлар ҳам, диний фанлар ҳам ўтилган. Дунёвий фанлардан физика, кимё, геометрия,

⁵³⁶ Шарипов Р. Туркистон жадидчилиқ ҳаракати тарихидан. – Б. 38.

⁵³⁷ ЎзР МДА, 2-фонд, 1-руйхат, 268-шч, 9-13-варақлар.

⁵³⁸ ЎзР МДА, 47-фонд, 1-руйхат, 955-шч, 196-201-варақлар.

⁵³⁹ ЎзР МДА, 47-фонд, 1-руйхат, 955-шч, 224-варақ.

⁵⁴⁰ Zenkovsky S.A. Pan-Turkism and islam in Russia. – Cambridge-Massachusetts: Harvard University Press, 1967. – P.88.

⁵⁴¹ Алимова Д. Бухара конц XIX – начало XX века и зарождение джадидизма // Общественные науки в Узбекистане. 1997. – № 9. – С.92.

география, арифметика, айрим мактабларда рус тили ҳам ўқитилган. Алифбе китоби билан Алифбойи Куръоний ҳам ўргатилган.

Дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини яратиш, мактабларда улардан фойдаланишда ягона ёндашув бўлмаган. Дунёвий фанлар бўйича ўзбек ва тожик тилидаги қўлланмалар, дарсликлар йўқ бўлиб, муаллимлар мазкур фанлар бўйича татар ва турк тилида нашр этилган қўлланмалардан фойдаланишган. Айрим муаллимлар ўзлари дарсликлар ёзиб, шу асосда дарс олиб борган. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Бухоро амирлиги янги усул мактабларида асосий дарслик қаторида Абдулвоҳид Бурҳонов томонидан ёзилган “Раҳбари хат” номли алифбоси⁵⁴², Садриддин Айнийнинг “Болалар тарбияси” номли дарслиги⁵⁴³, Абдурауф Фитратнинг бошланғич мактабларнинг сўнги синфлари учун мўлжаллаб ёзган ўзбек тилидаги “Ўқув” номли⁵⁴⁴, Исматиёнинг ўзбек тилида ёзилган “Усули ҳандаса”⁵⁴⁵ рисоласи (геометрияга оид илк маълумотлар), Шарифуллоҳ ибн Камолиддин томонидан “Иймон рисоласи” китоби⁵⁴⁶, “Забони форси” дарслиги (ўқиш китоби, форс тилидаги асарлардан парчалар), Муҳиддин Курбоналиевнинг I-синфлар учун “Ҳисоб масалалари” деб номланган татар тилидаги арифметика дарслиги, “Китоб ас-соний” дарслиги (ҳадислар тўплами), “Ажойиб ал-олам”⁵⁴⁷, Абдурауф Фитратнинг форс тилида яратган “Мухтасар ислом тарихи”⁵⁴⁸ номли рисоласи (Муҳаммад пайғамбар ҳаёти ва фаолияти, Уммавий ва Аббосий халифалар ҳақида), Хайрулло Хўқондий томонидан ёзилган “Умдат ул-ислом”⁵⁴⁹, яъни ислом динининг асослари деб номланган рисола, ўзбек тилида ёзилган “Жумбоқ мажмуаси” деб номланган топшимоқлар тўплами, “Раҳбари форси”⁵⁵⁰ рисоласи (форс тили дарслиги) ўқитилган.

Архив маълумотларига кўра юқорида кўрсатилган дарсликлардан ташқари Мунаввар Қорининг “Адиби аввал” (ўқиш, ёзиш ва дин асослари), “Усули ҳисоб” (арифметика), “Ҳаваиж диния” (дин асослари), “Адиби соний” (ёзув), “Тавжид” (Қуръонни тўғри ўқиш қоидалари) китоблари, Сўфи Оллоёрнинг “Сабот ул-оҷизин”, Муҳаммад Расулнинг “Раҳбари Форсий” (форс тили),

⁵⁴² Табаров С. Муқим. – Душанбе: Ирфон, 1991. – С.29.

⁵⁴³ Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. Асарлар, I том. – Б. 202.

⁵⁴⁴ Педагогика тарихи. – Тошкент, 1996. – Б. 309.

⁵⁴⁵ Исматиё. Усули ҳандаса. – Қозон: Сабоқ китобхонаси, 1908. – Б. I.

⁵⁴⁶ Бухоро Давлат меъморий-бадний музей-қўриқхонаси қўлёзма фонди. 26839/11 инвентар.

⁵⁴⁷ Бухоро Давлат меъморий-бадний музей-қўриқхонаси қўлёзма фонди. 24919/11 инвентар.

⁵⁴⁸ Фитрат А. Танланган асарлар. Илмий рисоалар. – Тошкент: Маънавият, 2001. V жилд. – Б.285.

⁵⁴⁹ Бухоро Давлат меъморий-бадний музей-қўриқхонаси қўлёзма фонди. 23540/11 инвентар.

⁵⁵⁰ Уша жоҳид, 12256/11 инвентар.

Гаспринскийнинг “Сарфи туркий” (ўзбек тили грамматикаси) дарсликлари бўйича фанлар ўрганилган.⁵⁵¹

Бухоро амирлигида ташкил этилган янги усул мактаблари фаолиятини жонлантириш, уларнинг услубий таъминотини яхшилаш, дарсларни самаралироқ ташкил этишда Туркистон жадидлари яқиндан ёрдам берганлар. Айниқса М.Бехбудий, А.Шакурий, С.Сиддиқийларнинг Бухоро тараққийпарварларига маънавий мадади ва амалий ёрдами катта бўлган. Самарқандда жадид мактаби 1893 йилдаёқ очилган бўлиб, энг яхши мактаб сифатида Абдуқодир Шакурийнинг мактабини кўрсатиш мумкин эди⁵⁵². Айнан ана шу мактаб таъсири билан Бухорода ҳам янги усул мактаблари ташкил этилган эди.

Хулоса қилиб айтганда, Бухорода дастлаб татар болалари учун очилган янги усул мактабларида ўқувчилар тезда савод чиқарганликлари сабабли улар қисқа фурсатда оммалашиб шухрат қозонди ва маҳаллий аҳолини ўзига жалб этди. Дастлаб амир ҳукумати томонидан у қадар қўллаб-қувватланмаган янги усул мактаблари 1910-1914 йилларда кенг тарқалиб, бутун мамлакатни қамраб олди ва ўз афзалликларини тўла намоён этди. Янги усул мактаблари ўқув курсининг қисқалиги (4 йил), белгиланган дунёвий билим асосларининг ўқитилиши, синф-дарс тизимида фаолият юритиши, мактабнинг молиявий таъминоти, санитария-гигиена ҳолатининг анча яхшилиги, ўқитувчиларнинг салоҳияти, мактабнинг жиҳозланиши билан анъанавий мактаблардан кескин фарқ қилган.

Аммо 1914-1915 йилларда янги усул мактаблари мутаассиб шахслар ва амир амалдорлари томонидан қаттиқ қаршиликка учраши, уларнинг ҳукумат томонидан ёпилиши бу жараёнга жиддий тўсиқ бўлди. Янги усул мактаблари ягона умумий дастурга эга эмаслиги, қатъий белгиланган тартибдаги дарслик ва ўқув қўлланмаларининг старли даражада бўлмаганлиги, ўқув жараёнини ташкил этишдаги молиявий қийинчиликлар каби бир қатор муаммоларга ҳам дуч келган. Янги усул мактаблари, асосан бошланғич мактаб шаклида бўлиб, тўлиқ ўрта маълумот бермас эди. Анъанавий мактаблар каби янги усул мактаблари ҳам давлат қарамоғига ўтмаган, уларнинг кўпчилиги хусусий кўринишда ёки хайрия асосида фаолият кўрсатадиган мактаблар эди.

⁵⁵¹ ЎзР МДА. 640-фонд, 1-руйхат, 5-иш, 45-46-парақлар

⁵⁵² Гафаров Н. История культурно-просветительской деятельности дворян в Бухарском эмирате. – Художник, 2000. – С.57.

ХУЛОСА

Бухоро амирлигида таълим тизими тадқиқ этилаётган даврда ҳам ўтган асрлар анъанаси сингари бошланғич (мактаблар) ва юқори (мадраса) босқичларидан иборат эди. Бошланғич таълим муассасаларида асосан араб алифбосида савод чиқариш, ислом асосларини эгаллаш, ахлоқий тарбияга ургу берилган. Уларнинг моддий асосини вақф мулклари, айрим шахслардан тушган хайри-эҳсонлар ташкил этиб, асосан хусусий ва жамоа маблағлари ҳисобидан таъминланган. Улардаги шарт-шароит санитария-гигиена талабларига, таълим-тарбия услублари эса замон талабларига жавоб бермас эди. Хусусан, таълим жараёнида ҳарфлар ва матнларни араб тилида ёд олиш, ўқиш ва ёзишни алоҳида ўзлаштириш, тан жазоси каби ҳолатлар шулар жумласидан эди. Айни пайтда мактаблар то ислохотлар бошлангунга қадар савод чиқариш, ахлоқий ва маънавий қадриятларни тарбиялашга хизмат қилган ягона ўқув-тарбия муассасаси бўлиб келди.

Бухоро мадрасалари ўзининг ислом дунёсидаги мавқеи ва нуфузини бу даврда ҳам йўқотмаган эди. Жамият тараққиёти даражасидан келиб чиқиб, мадрасалар ўша вақтда давлатнинг ҳукмрон сиёсати ва ислом таълимотига хизмат қилган. Бухоро мадрасалари нафақат ўқув юрти, балки маҳаллий меъморчиликнинг энг нодир намунаси ҳисобланган. Мадрасадаги таълим тизими ҳокимиятнинг назаридан четда бўлмай, ўз олдига қўйилган вазифаларни мамлакатнинг тараққиёт даражасидан келиб чиқиб бажариб турган. Мадрасаларнинг молиявий-хўжалик таъминоти вақф мулкчилигига асосланган. Бухоро амирлиги мадрасаларининг қурилиши, моддий-хўжалик таъминоти масалалари давр талабларига жавоб бера олмаса-да, уларнинг фаолияти маънавий ҳаётда алоҳида ўрин эгаллаган.

Бухоро амирлигида таълим тизимининг юқори босқичи бўлган мадрасалар шарият, таълим ва бошқарув тизимига кадрлар тайёрлаш, ислом асосларини ўрганиш, адабиёт, мантиқ каби фанларни ўргатувчи маскан сифатида нафақат Ўрта Осиёда, балки мусулмон дунёсида яхши маълум эди. Амирликдаги мадрасалар ҳам худди бошланғич мактаблар каби ўтган асрлар анъанаси асосида фаолият юритган. Бу даврда бопқа мусулмон мамлакатларида мадрасалар фаолияти, ўқув дастури фаол ислох қилинаётган бўлса-да, Бухоро мадрасаларида бу жараён деярли кузатилмади.

Бухоро мадрасаларида ягона ўқув режаси ва ўқув дастурларининг амалда мавжуд эмаслиги, дарслик ва ўқув кўлланмаларининг замон талабларига жавоб бермаслиги, мактабхона таълими билан мадраса таълими ўртасида давомийлик принципларига риоя қилинмаганлиги, асосий фанлар эмас, шарҳ ва хошияларга зўр берилиши, мутаассиблар ва айрим уламоларнинг салбий таъсири туфайли мадраса таълими кутилган натижани бермай, таракқиётдан ортда қолди.

Бухоро амирлигида таълим тизимини ислоҳ қилишда таракқийпарвар кучларнинг маърифатпарварлик ғоялари ва фаолияти муҳим роль ўйнади. Ёш бухороликлар фирқаси фаоллари мамлакатда энг аввало бошланғич мактабларни ислоҳ қилиш, янги усул мактаблари очиш ғоялари билан чиқиб, уни амалга ошириш учун турли хайрия ташкилотлари ва ширкатлар очдилар, дарсликлар ва ўқув кўлланмалари яратдилар. Қрим, Қозон (Россия), Истанбул (Туркия) ва бошқа шаҳарларга бориб, тажриба алмашиб келдилар. Бухоролик жадидларнинг маърифатпарварлик фаолиятида мусулмон оламидаги ислохотчилик ҳаракатлари катта роль ўйнади.

Бухоро амирлигида фаолият кўрсатган янги усул мактабларида ўқувчиларнинг “усули савтия”, яъни ҳарфларни товуш усулида ўқиш ва ёзиш оркали тезда савод чиқариши, машгулотларни синф-дарс тизимида уюштирилиши, диний билимлар қатори дунёвий билимларга катта эътибор қаратилиши, таътил ва имтиҳон тартибларининг жорий этилганлиги, ўқувчиларни эркин фикрлашга ўргатиш каби омиллар ўша давр учун катта янгилик эди. Аммо бу мактаблар амирликдаги диний мутаассиблар томонидан кескин қаршиликка учради ва ўз фаолиятини муваффақият билан давом эттириш имкониятига эга бўлмади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Абдуллаев Й. Эски мактабда хат-савод ўргатиш. – Тошкент: Ўрта ва олий мактаб, 1966. – 149 б.
2. Абдуллаев Ю. Очерки по методике обучения грамоте в узбекской школе. – Ташкент: Учитель, 1966. – 160 с.
3. Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий. Бухоро тарихи. / Форс-тожик тилидан А.Расулов таржимаси. – Тошкент: Фан, 1966. – 120 б.
4. Абдурашидов З. Исмаил Гаспиринский и Туркестан в начале XX века: связи отношения - влияние. – Ташкент: Akademnashr, 2011. – 384 с.
5. Алимова Д. История как история, история как наука. В 2-х томах. Т. II. Феномен жадидизма. – Ташкент: Узбекистан, 2009. – 184 с.
6. Алимова Д. XX асринг дастлабки ўттиз йиллигида Ўзбекистонда маданият муаммоларини ўрганиш тарихидан // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Тошкент, 1995. – №10-11-12. – Б. 93-95.
7. Алимова Д. Бухара конца XIX – начало XX века. И зарождение джадидизма // Общественные науки в Узбекистане. 1997. – № 9-10-11. – С.92.
8. Айний С. Асарлар. Саккиз томлик. 8-том. Мақолалар. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1967. – 420 б.
9. Айний С. Танланган илмий асарлар. Нашрга тайёрловчи Ё.Исоқов. – Тошкент: Фан, 1978. – 336 б.
10. Айний С. Намунаи адабиёти тожик. – Москва, 1926. – 533 с.
11. Айний С. Бухоро инкилоби тарихи учун материаллар. – Москва: СССР халқлари марказий нашриёти, 1926. – 148 б.
12. Айний С. Бухоро инкилоби тарихи учун материаллар // Асарлар. Саккиз томлик. I том. Нашрга тайёрловчи Маждид Ҳасаний. – Тошкент: Ўз ССР Давлат бадий адабиёт нашриёти, 1963. – Б. 181-350.
13. Айний С. Асарлар. Саккиз томлик. IV том. Повестлар. – Тошкент: Ўз ССР Давлат бадий адабиёт нашриёти, 1965. – Б. 430.
14. Айний Садриддин. Таърихи инкилоби Бухоро. – Душанбе: Матбуот, 1987. – 232 сах.

15. Айний С. Қисқача таржима ҳолим. Н.Маликов таржимаси. – Тошкент: Ўз ССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1960. – Б. 136.
16. Айний С. Асарлар. Эсдаликлар (I-II қисмлар). – Тошкент: Ўз ССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1953. – Б. 312.
17. Айний С. Ёдошҳо. – Сталинобод, Нашриёти давлати Тожикистон, 1949. – 247 сах.
18. Айний С. Бухара. Воспоминания. Авторизованный перевод с тожикского С.Бородина. (1-2-часть.) – Москва: Советский писатель, 1951. – 312 с.
19. Айний С. Эсдаликлар (I II қисмлар) // Асарлар. Саккиз томлик. V том. – Тошкент: Ўз ССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1965. – Б. 312.
20. Айний С. Эсдаликлар (III қисм) // Асарлар. Саккиз томлик. VI том. – Тошкент: Ўз ССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1965. – Б. 240.
21. Айний С. Эсдаликлар (IV қисм) // Асарлар. Саккиз томлик. VII том. – Тошкент: Ўз ССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1965. – Б. 312.
22. Ақобиров Ю., Харисов Ш. Айни. – Москва: Молодая гвардия, 1968. – 144 с.
23. Амир Саййид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. / Форсийдан А.Ирисов таржимаси. – Тошкент: Фан, 1991. – 32 б.
24. Арабско-русский словарь. – Москва: Русский язык, 1970. – 644 с.
25. Анке фон Кюгельген. Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII-XIXвв). – Алматы: Дайк-Пресс, 2004. – 516 с.
26. Арифджанов Э.Қ. XX аср бошларида Бухоро маданияти: ҳақиқат ва афсоналар. – Тошкент: Ўз Р. ИИВ Академияси, 1998. – 101 б.
27. Аҳмад Дониш. Путешествие из Бухары в Петербург. – Сталинабад: Таджикгосиздат, 1960. – 298 с.
28. Аҳмад Дониш. Наводир ул-вақос (Нодир воқеалар). Форс-тожикчадан А.Ҳамроев ва А.Шокиров таржимаси. – Тошкент: Фан, 1964. – 412 б.
29. Аҳмад Махдуми Дониш. Рисола ё мухтасаре аз таърихи салтанати хонадони мангития. – Сталинобод: Нашриёти давлати Тожикистон, 1960. – 97 с.

30. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – 432 б.
31. Баркамол авлод орзуси. – Тошкент: Шарқ, 1998. – 141 б.
32. Бартольд В.В. Бухара. Её памятники и их судьба / Сочинения. Т.IV. – Москва: Наука, 1966. – С. 70-79.
33. Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. – Ленинград: АН СССР, 1927. – 256 с.
34. Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865-1924). – Москва: Педнаук РСФСР, 1960. – 510 с.
35. Билолов Г.М. Хоразмда халқ маорифи тараққийси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1969. – 134 б.
36. Билялов Г.М. Из истории культуры и просвещения в Хорезме. – Ургенч: Б.И., – Т.: 1977. – 39 с.
37. Бобровников Н.А. Русско-туземные училища, мактабы и мадресы Средней Азии. – СПб: Б.И., 1913. – 90 с.
38. Бобровников Н. А. Русско-туземные училища, мактабы и медресе в Средней Азии // Журнал Министерства народного просвещения. – 1913. № 45. – С.189-241; № 46. – С.49-84.
39. Болтаев Х. Талабни қондирмаган инқилоб // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1991. №1. – Б 131-133.
40. Болтабоев С. Туркистонда вақф мулклари тарихи (XIX аср охири - XX аср бошлари). – Наманган: Нашриётсиз, 2005. – 54 б.
41. Богоутдинов А.М. Очерки по истории таджикской философии. – Сталинабад: Таджикгосиздат, 1961. – 29 с.
42. Бурхониддин ал-Марғиноний. Ҳидоя. 1-жилд. Салоҳиддин Муҳиддин ва б. таржимаси. – Тошкент: Адолат, 2000. – 848 б.
43. Вамбери А. История Бухары или Трансаксонии с древнейших времен до настоящего. Т. I II. – СПб: Б.И., 1873. – 372 с.
44. Воҳидов Ш. Қўқон хонлиги ва Бухоро амирилигида унвон ва мансаблар. – Тошкент: Нашриётсиз, 1996. – 26 б.
45. Воҳидов Ш., Чорисв З. Садрӣ Зия и его библиотека (Из истории книги и книжной культуры в Бухаре в начале XX века). Книга 1. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. – 184 с.
46. Гафаров Н. История культурно-просветительской деятельности джадидов в Бухарском эмирате. – Худжанд: Госиздат, 2000. – 176 с.
47. Гулнор ал-Фарғоний. Туркистон ўлкаси маҳаллий мактаблари тарихидан // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Тошкент: 1997. №5. – Б.52-57.

48. Гаспринский И. Хаёт ва мамот масаласи. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2006. – 320 б.

49. Долимов У. Эски мактаб // Тафаккур. 2010. №1. – Б. 66-73.

50. Долимов У. Исҳоқхон Ибрат. – Тошкент: Университет, 1994. – 8 б.

51. Долимов У. Туркистонда жадид мактаблари. – Тошкент: Университет, 2006. – 125 б.

52. Дўстқориев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи (1-қисм). Дарслик. – Тошкент: Гафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 2009. – 380 б.

53. Жадидчилик: ислохот, янгиликлар, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Даврий тўплам №1. – Тошкент: Университет, 1999. – 219 б.

54. Жуманазар А. Ўргимчак (Биринчи рисола). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. – 95 б.

55. Зияева Д.Х. XIX аср охири - XX аср бошида Туркистонда анъанавий таълим тизими муаммолари // Тошкент ислом университети. Илмий-таҳлилий ахборот. 2009. № 3. – Б.10-12.

56. Зияева Д.Х. XX аср бошида Ўзбекистонда анъанавий таълим тизими / XX аср Ўзбекистонда маданият тарихидан очерклар: анъаналар ва трансформация жараёнлари. – Тошкент. 2011. – Б.18-20.

57. Исмоил Гаспринский ва Туркистон (ўзбек ва рус тил.) Мақолалар тўплами. Масул муҳаррир Н.Каримов. – Тошкент: Шарк, 2005. – 288 б.

58. Ислом. Энциклопедия. – Тошкент: Ўз МЭ Давлат илмий нашриёти, 2004. – 221 б.

59. Игнатъев Н.П. Миссия в Хиву и Бухару в 1858 году. – СПб.:Б.И., 1897. – 82 с.

60. История Бухарской Народной Советской Республики (Сборник документов). – Ташкент: Фан, 1976. – 145 с.

61. Ишанов А.И. Бухарская Народная Советская Республика. – Ташкент: Узбекистан, 1969. – 392 с.

62. Йўлдошев Н. Абдурауф Фитратнинг “Раҳбари нажот” (Кутқарув йўли) асаридан мухтасар фасллар. – Бухоро, 1996. – 77 б.

63. Йўлдошев Н. Матбаа ва матбуот тарихидан // Бухоро ҳақиқати. 1990. – 15 август.

64. Йўлдошев Н. Маърифат фидойилари // Гулистон. 1991. №4-6. – Б. 20-21.

65. Каримов Р.Х. XIX аср охири – XX аср бошлари Бухорода маънавий ҳаёт. Бухоро тарих саҳифалари. Мақолалар тўплами. – Бухоро, 1999. – 182 б.

66. Кары-Ниязов Т. Н. Очерки истории культуры Советского Узбекистана. – М.: Академия Наук СССР, 1955. – 560 с.

67. Костенко Л. Ф. Путешествие в Бухару русской миссии в 1876 году. – СПб: Б.И., 1871. – 107 с.

68. Логофет Д. Н. Бухарское ханства и его современное состояние. – СПб: Б.И., Изд. В. Березовского, 1909. – 357 с.

69. Логофет. Д. Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. Т. 1. – СПб Изд. В. Березовского, 1911 – 340 с.

70. Логофет Д. Н. История завоевания Бухарского ханства. – СПб. Изд. В. Березовского, 1906. – 340 с.

71. Лунин В. Б. Средняя Азия в дореволюционном и советском востоковедении. – Ташкент: Фан, 1965. – 408 с.

72. Маҳмудов Ғ. Жадид адабиётисида миллий истиқлол мавзуси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 112 б.

73. Мирза Олим Маҳдуми Ҳожи. Тарихи Туркистон. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – 242 б.

74. Мирза-Ахмедова П., Рашидова Д. Джадиди: кто оны? // Звезда Востока. – Тошкент, 1990. №9. – С. 138-139.

75. Мирза Салимбек. Тарихи Салими (источник по истории Бухарского эмирата). Перевод с персидского Н. Норкулов. – Ташкент: Академия, 2009. – 330 с.

76. Мирзо Салимбек. Кашкўли Салимий. Таворихи мутақаддимин ва муттаахирин. Форс-тожик тилидан Нарзулло Йўлдошев ўғирган. – Бухоро, 2003. – 344 б.

77. Мирза Абдалазим Сами. Тарихи салатин-и мангитийа (История мангитских государей). Издание текста и перевода Л. Епифановой. – Москва: Восточной литературы, 1962. – 180 с.

78. Мирзо Сирожддини Хаким. Тухафи аҳли Бухоро. – Душанбе: Адиб, 1992. – 272 саҳ.

79. Муфти Маҳмудхўжа Бехбудий. Бухоро хонлигига саёҳат // Ҳаёт ва иқтисод. – Тошкент, 1990. – №1 – Б. 39.

80. Муқимов З. Моварауннаҳрда фикр мактаби. – Самарқанд: Зарафшон, 1997. – 102 б.

81. Мўминов И. М. Ўзбекистон ижтимоий-фалсафий тафаккури тарихидан. – Тошкент: Ўзб ССР Фанлар Академияси, 1960. – 288 б.

82. Мухтасар (Шариат қонунарига қисқача шарҳ). – Тошкент: Чўлпон, 1994. – 335 б.
83. Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи нофеий (Фойдали тарих). Тоҷик тилидан таржима, сўз боши ва изоҳлар муаллифлари Ш.Воҳидов ва З.Чориев. – Тошкент: Академия, 2001. – 122 б.
84. Муҳаммаджонов М. Турмуш урунишлари. 3-нашри. – Тошкент: Ўз ССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1964. – Б. 180.
85. Мунавварқори Абдурашидхонов. Хотираларимдан (Жадидчилик тарихидан лавҳалар). Нашрга тайёрловчи С.Холбоев. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 128.
86. Наймов Н. Бухоро жадидлари. – Тошкент: Фан, 2000. – 22 б.
87. Наймов Н. Мен яшашни истайман. – Бухоро, 1994. – 26 б.
88. Наливкин В. Местная школа Средней Азии // Туркестанские ведомости. – Ташкент, 1889. – №32 – С.104.
89. Ниёзий Ражабзода. Ибтидоий мактабларимизнинг тартибсизлиги ёхуд тараққийнинг йўли // Ойна. – Самарқанд, 1914. – №38.
90. Орифжонов Э. XX аср бошларида Бухородаги жадид мактаблари // Халқ таълими, 1997. №3. – Б. 50-53.
91. Остроумов Н.П. Исламоведение. Введение в курс исламоведения. – Ташкент: Туркестанских Ведомостей, 1914. – 96 с.
92. Остроумов Н.П. Исламоведение. Шариат. – Ташкент: Туркестанских Ведомостей, 1912. – 86 с.
93. Педагогика тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 309 б.
94. Ражабов З. Садриддин Айни-историк таджикского народа (Краткий исторический очерк). – Сталинабад: Таджикгосиздат, 1951. – 22 с.
95. Ражабов З. Из истории таджикского народа во второй половине XIX и в начале XX век. – Сталинабад: Таджикгосиздат, 1957. – 460 с.
96. Ражабов Қ.К. Мустақил Туркистон фикри учун мужодалалар (1917-1935 йиллар). – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 32 б.
97. Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш: тарих ҳақиқати (1920-1924 йиллар). – Тошкент: Маънавият, 2002. – 144 б.
98. Ражабов Қ. Файзулла Хўжаев. – Тошкент: Abu matbuot-konsalt, 2011. – 43 б.
99. Ражабов Қ., Ҳайитов Ш. Усмои Хўжа. – Тошкент: Abu matbuot-konsalt, 2011. – 35 б.

100. Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи (1917-1924 йиллар). Ўқув қўлланмаси. –Тошкент: Университет, 2002. – 168 б.

101. Ражабов Қ. Ўчиб, сўниб... яна ёниш бор // Жамият ва бошқарув. 1997. №2. – Б. 37-45.

102. Ражабов Қ. Ёш бухороликлар // Бухоро мавжлари. Бухоро, 2005. № 2. – Б.26-29.

103. Ражабов Қ. Ёш бухороликлар // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: Ўз МЭ Давлат илмий нашриёти, 2002. 3-жилд. – Б.494-496.

104. Ражабов Қ. “Тарбия атфол” // Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. – Тошкент: Ўз МЭ Давлат илмий нашриёти, 2004. 8-жилд. – Б.271.

105. Ражабов Қ. XX аср бошларида Туркистон ёшлари // Ҳуқуқ ва бурч. 2008. № 1. – Б. 40- 43; № 2. – Б. 35-37.

106. Рахимов М. Садриддин Айний – Тошкент: Фан, 1970. – 61 б.

107. Рашидов У., Рашидов Ў. XX аср бошларида Бухоро амиригидаги сиёсий ва иқтисодий жараёнлар. – Бухоро, 2011. – 68 б.

108. Ремпель Л.И. Далекое и близкое. Страницы жизни быта, строительного дела, ремесла и искусства Старой Бухары: Бухарские записи.–Ташкент:– Изд литературы и искусства, 1981. – 301 с.

109. Ризаев Ш. Жадид драмаси. – Тошкент: Шарқ, 1997. – 87 б.

110. Ртвеладзе Э. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. – Ташкент: Университет мировой экономики и дипломатии, 2005. – 288 с.

111. Саиджонов М. Бухоро шаҳри ва эски бинолари // Маориф ва ўқитувчи. 1927. №3-4. – Б.8-11.

112. Саидов А.Х. Бухоро ва Хива фикҳ мактаблари анъаналари тарихидан // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1997. №7-8. – Б 50-51.

113. Самойлович А.Н. Первое тайное общество младобухарцев // Восток. 1922. – № 1. – С.97-99.

114. Саййид Мансур Олимий. Бухоро - Туркистон бешиги. / Форс тилидан Ҳ.Тўраев таржимаси. – Тошкент: Маънавият, 2004. – 128 б.

115. Саидкулов Т. Очерки историографии истории народов Средней Азии. – Ташкент: Ўқитувчи, 1992. – 190 б.

116. Сагдуллаев А., Аминов Б. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. 1-қисм – Тошкент: Академия, 2000. – 208 б.

117. Солижонова Г. Мактабхона, мактабшунослик / Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: Ўз МЭ Давлат илмий нашриёти, 2003. 5-жилд. – Б. 412-413.

118. Солижонова Г. Мадраса / Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: Ўз МЭ Давлат илмий нашриёти, 2003. 5-жилд. – Б. 376-377.

119. Сухарева О.К. Бухара XIX – начало XX в. – М.: Наука, 1966. – 327 с.

120. Сухарева О.К. Истории городов Бухарского ханства. – Ташкент: АН. Уз ССР, 1958. – 145 с.

121. Сухарева О. Позднофеодальный город Бухара конце XIX – начало XX века. – Ташкент: АН. Уз ССР, 1962. – 194 с.

122. Сўфи Оллоёр. Сабот ул-ожизин. – Тошкент: Мехнат, 1991. – 94 б.

123. Табаров С. Мунзим. – Душанбе: Ирфон, 1991. – 29 с.

124. Ташкулов Д. Младобухарцы: эволюция политика-правовых взглядов // Человек и политика. 1991. №6. – С. 75-77.

125. Тохир Қаххор. Хур Туркистон учун. – Тошкент: Чўлпон, 1994. – 112 б.

126. Турсунметова Г. XX аср бошларида Туркистон таълим – тарбия тизимида жадид мактаблари // Тарихий хотира-маънавият асоси. – Бухоро, 2008. – 227 б.

127. Турсунов С. Шеробод тарихи. – Денов: Нашриётсиз, 1993. – 13 б.

128. Тухтаматов Т.Г. Русско-Бухарские отношения в конце XIX начала XX. – Ташкент: Фан, 1966. – 178 с.

129. Тухтаматов Т.Г. Россия и Бухарский эмират в начале XX века. – Душанбе: Ирфон, 1977. – 208 с.

130. Умняков И.И. К истории новометодной школы в Бухаре // Бюллетень САГУ. – Ташкент: 1927. – №16. – С.98 – 99.

131. Файзулла Хўжаев замондошлари нигоҳида // Бухоро мавжлари. 2006. – № 2. – Б. 18-19.

132. Файзулла Хўжаев. Ёш бухороликлар тўғрисида // Улуғ Туркистон, 1918. – 11 июнь.

133. Файзулла Хўжаев. Кун туғди // Бухоро ахбори. 1920. – 9 сентябрь.

134. Файзулла Хўжаев ҳаёти ва фаолияти ҳақида янги мулоҳазалар. Маъсул муҳаррир Д.Алимова. – Тошкент: Фан, 1997. – 176 б.

135. Файзулла Хўжаев. Бухоро инқилобининг тарихига доир. – Тошкент: Ўздавнашр, 1926. – 126 б.
136. Файзулла Ходжаев. К истории революции в Бухаре. – Ташкент: Уздавнашр, 1926. – 78 с.
137. Файзулла Хўжаев. Танланган асарлар. 3 томлик. I том. – Тошкент: Фан, 1976. – 535 б.
138. Фитрат А. Мунозара // Шарқ юлдузи. 1997. – №1. – Б.121.
139. Фитрат А. Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври. – Тошкент: Минҳож, 1992. – 64 б.
140. Фитрат А. Нажот йўли (Раҳбари нажот) – Тошкент: Шарқ, 2001. – 176 б.
141. Фитрат А. Бедил (Бир мажлисда). – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1996. – 48 б.
142. Фитрат А. Спор бухарского мударриса с европейцем в Индии о новометодных школах / Перевод с персидского полковника Ягелло. – Ташкент. 1911. – 48 с.
143. Фитрат А. Танланган асарлар. 1-жилд. Шеърлар, насрий асарлар, драмалар. – Тошкент: Маънавият, 2000. – 208 б.
144. Фитрат А. Танланган асарлар. 4-жилд. Дарслик ва ўқув қўлланмалари, илмий мақола ва талқиқотлар. – Тошкент: Маънавият, 2006. – 332 б.
145. Фитрат А. Танланган асарлар. 5-жилд. Илмий рисоалар. – Тошкент: Маънавият, 2010. – 304 б.
146. Фитрат А. Бухоро ҳукуматининг ислохкорона қадамлари // Ойина. – Самарқанд, 1915. – №8. – 199 б.
147. Ханыков Н В. Описание Бухарского ханства. – СПб: Императорской Академии Наук, 1843. – 308 с.
148. Херман Вамбери. Бухоро ёхуд Моварауннахр тарихи. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1990. – 96 б.
149. Хотамов Н. Свержение эмирского режима в Бухаре. Душанбе, 1997. – 348 с.
150. Шамсий П. Улум ва маориф // Ойина. 1915. №8. – Б.199-200.
151. Шарипов Р. Туркистон жадидчилиқ ҳаракати тарихидан. – Тошкент: Ўқитувчи, 2002. – 176 б.
152. Эргашев Б. Идеология национально-освободительного движения в Бухарском эмирате. – Ташкент: Фан, 1991. – 84 с.
153. Эргашев Б.Х. Из истории общественно-политической жизни Бухары начала XX века // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1992. №2. – Б. 49-52.

154. Элен Каррер д'Энкаус. Яширин жамиятлар даври (1910-1914) // Ўзбек тили ва адабиёти. 1994. – №1-2. – Б. 60-65.
155. Ўзбек педагогикаси тарихи. Олий ўқув юртлари учун қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – 194 б.
156. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиқ даврида. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 464 б.
157. Ўзбекистон ССР тарихи. Қадимги даврлардан ҳозирги кунларгача Мўминов И. М. таҳрири остида. – Тошкент: Фан, 1974. – 658 б.
158. Ўзбек педагогика анталогияси (Икки жилдли) 1-жилд. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – 272 б.
159. Ўзбекистон тарихи: янги нигоҳ. Жадиждлар ҳаракатининг миллий мустақилликка қадар. Давра суҳбати материаллари. – Тошкент: Эддинур, 1998. – 94 б.
160. Ўқиш китоби. (Эски ўзбек ёзуви намуналаридан.) – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – 37 б.
161. Қазоқов Б. Бухоро эски мадрасаларида таълим ва тарбия / Бухорои шариф. 2006. – 28 июнь.
162. Қобилов Қ. Нурли дарғалар. – Бухоро, 2000. – 5 б.
163. Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Тошкент: Маънавият, 2002. – 178 б.
164. Қосимов Ф.Х. Халқ дарди билан яшар эди // Бухоро мавжлари. – Бухоро, 2006. – № 2. – Б.12-13.
165. Ганиев А. Садриддин Айнийнинг педагогик фаолияти ва таълим –тарбия тўғрисидаги фикрлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1965. – 84 б.
166. Ғулом Ғ. Танланган асарлар. – Тошкент: Бадий адабиёт, 1953. – 462 б.
167. Ҳасанбоева О, Ҳасанбоев Ж, Ҳомидов Х. Педагогика тарихи – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 448 б.
168. Ҳошимов К, Нишонов С, Иномова М, Ҳасанов Р. Педагогика тарихи – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 309 б.
169. Ҳайитов Ш., Бадриддинов С. Бухоро тарихидан лавҳалар. – Бухоро, 2007. – 126 б.
170. Ҳофиз Таниш Ал-Бухорий. Абдуллонома (Шарафномаий Шоҳий). 1-китоб. Форс тилидан С.Мирзаев таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 1999. – 416 б.

171. Файзулла Хўжаев. Бухоро инкилоби тарихига доир. — Тошкент: Ўздавнашр, 1926. — 126 б.

172. Фитрат Абдул-Рауфа. Рассказы индийского путешественника (Бухара, как она есть). Перевод с персидского А.Кондратева. — Самарканд, 1913. — 98 с.

Архив ва музей ҳужжатлари

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (Ўзбекистон МДА)

И-1 фонд - Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси.

И-2 фонд - Туркистон генерал-губернаторлиги ҳузуридаги дипломатик амалдор.

И-3 фонд - Россиянинг Бухородаги сиёсий агентлиги.

И-11 фонд - Сирдарё вилоятининг Тошкент шаҳридаги 1-районо ревизори.

И-17 фонд - Туркистон ўлкасидаги ўқув юртлири бошқамаси.

И-47 фонд - Туркистон ўлкаси ўқув муассасалари бошқармаси.

И-48 фонд - Сирдарё вилояти халқ билим юрти дирекцияси.

И-56 фонд - Тошкент тижорат билим юрти.

И-126 фонд - Бухоро амири кушбегиси бошқармаси.

И-323 фонд - Вақф мулклари коллекцияси.

И-461 фонд - Туркистон райони кўриқлаш бўлими.

Р-1009 фонд - Остроумов Николай Петровичнинг шахсий фонди.

Бухоро Давлат меъморий-бадий музей-кўриқхонаси фонди.

Даврий матбуот

Газеталар

Бухоройи Шариф (Янги Бухоро; 1912 – 1913).

Турон (Янги Бухоро; 1912 – 1913).

Садои Туркистон (Тошкент; 1914).

Садои Фаргона (Скобелев; 1914).

Самарқанд (Самарқанд; 1913).

Таржимон (Боқчасарой; 1983 – 1917).

Туркестанские ведомости (Ташкент; 1900 – 1917).

Туркестанская туземная газета (Ташкент; 1870-1916).

Журналлар

Ойна (Самарқанд; 1913 – 1915).

Ал-Ислоҳ (Тошкент; 1917).

Вақт (Оренбург; 1916 – 1918).

Шўро (Оренбург; 1914 – 1917).

Хорижда чоп этилган адабиётлар

Zeki Velidi Togan. Bugunki Turkili (Turkistan) ve Yakin Tarihi. – Istanbul, 1981. – 354 s.

Akincer Gh. Islam peoples of the Soviet Union. – London: Paul international, 1983. – 462 p.

Baymirza Hayit. Sovyetler Birliginde'ki Turklugun ve islamin bazi meseleleri. // Turk dunyasi arastirmalari vakfi. – Istanbul, 1987. – 260 s.

Dogustan gunumuzcu buyuk Islam Tarihi. – Istanbul: Zaman, 1993. – 607 s.

Turkistanda Yenilik Hareketleri ve ihtilaller: 1900 – 1924. Osman Hoca Anisina incelemeler. Hazirlayan Timur Kocaoglu. – Haarlem, Sota, 2001. – 500 s.

Zenkovsky S A. Pan-Turcism and islam in Russia. – Cambridge, Massachusetts: Harward University Press, 1967. – 88. p.

Paolo Sartori. Altro Che seta. Corano e progresso in Turkestan (1865-1917). – Prato, 2003. – 158 p.

Khalid A. The politics of Muslim cultural reforms: Jadidism in Central Asia. – Berkeley, 1998. – 335 p.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. БУХОРО АМИРЛИГИДА БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ ВА УНИНГ МУАММОЛАРИ	5
1-§. Бошланғич таълимнинг умумий ҳолати ва фаолияти	5
2-§. Бошланғич таълим тизими муаммолари	21
II БОБ. ТАЪЛИМНИНГ ЮҚОРИ БОСҚИЧИ – МАДРАСАЛАР ФАОЛИЯТИ ВА УЛАРНИНГ МУАММОЛАРИ	35
1-§. Мадрасаларнинг қурилиши, моддий-хўжалик таъминоти ва фаолиятини ташкил қилиш масалалари	35
2-§. Мадрасаларда ўқитиладиган фанлар ва таълим жараёни	54
III БОБ. XX АСР БОШЛАРИДА АНЪАНАВИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ҲАРАКАТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ НАТИЖАЛАРИ	75
1-§. Ёш бухороликларнинг маърифатпарварлик ғоялари ва фаолияти	75
2-§. Янги усул мактабларининг очилиши ва муаммолари	90
ХУЛОСА	113
Фойдаланилган адабиётлар	115

ФЕРУЗА БОБОЖОНОВА

**БУХОРО АМИРЛИГИДА
ТАЪЛИМ ТИЗИМИ
(XIX АСР ОХИРИ – XX АСРНИНГ БОШЛАРИ)**

Муҳаррир: *Р.Матенов.*

Техник муҳаррир: *Б.Садриддинов.*

Компьютерда саҳифаловчи: *А.С.Алламуратов.*

Теришга берилди. 18.06.2014. Босишга рухсат этилди. 22.06.2014.

Бичими 60x84/16. Ризограф босма усули. Times гарнитураси.

Шартли босма табоғи 8.0. Нашр табоғи 7.8.

100 нусхада босилди. Буюртма №18-06

“IMPRESS MEDIA” босмахонасида босилди.

Почта манзили: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани,

Кушбеги кўчаси 6-уй

